

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАЙПНАЗАРОВА ГУЛЬШАД ХОЖАМУРАТОВНА**

**КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ  
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

**08.00.15 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун  
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор У.В. Гафуров**

**Тошкент – 2023 йил**

## **МУНДАРИЖА:**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>4</b>
<b>I БОБ. КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
1.1-§. Ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий мазмуни ва уларни туркумлашнинг асосий тамойиллари.....	15
1.2-§. Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ва унинг иқтисодий натижаларга таъсири.....	31
1.3-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносиблик ҳамда иқтисодий самарадорлик даражасини баҳолашнинг услугубий масалалари.....	39
Биринчи боб бўйича хулоса.....	49
<b>II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ.....</b>	<b>52</b>
2.1-§. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати.....	52
2.2-§. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликнинг асосий тенденциялари.....	60
2.3-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликнинг иқтисодий самарадорлик даражасига таъсири динамикаси.....	75
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	87
<b>III БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ</b>	

<b>ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>	<b>89</b>
3.1-§. Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш.....	89
3.2-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликни таъминловчи маъмурий дастакларнинг таъсирини мақбуллаштириш.....	103
3.3-§. Кичик бизнес корхоналарида иқтисодий ресурслар тақсимотининг бозор механизмини кучайтириш..... Учинчи боб бўйича хулоса.....	116 124
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>128</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>134</b>

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида иқтисодиётда кичик бизнес салоҳиятидан фойдаланиш орқали мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳолининг ижтимоий таъминоти ва турмуш фаровонлигини таъминлаш иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бунда кичик бизнес корхоналаридағи ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иқтисодиётда ишлаб чиқариш асосий омилларининг очиб берилиши муҳим вазифани намоён этади, чунки у нафақат теварак-атрофдаги воқеликнинг мувоғиқ келувчи билиш ва тушунтиришга оид моделини яратиш имконияти, балки унга нисбатан ташқи таъсир ўтказиш борасидаги тавсияларнинг ишлаб чиқилишини ҳам назарда тутади”<sup>1</sup>. Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик хўжалик юритишнинг миқёсларидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Жаҳонда халқаро миқёсдаги рақобатбардошлиқ хусусиятларини ривожлантиришда кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликнинг самарадорликка таъсирини оширишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш омилларининг анъанавий ва замонавий турлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, инновацион тавифдаги омиллардан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқариш омиллари ривожланганлик даражасининг фаолият самарадорлигига таъсирини баҳолаш, омиллар самарадорлигини оширишда инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаш, кичик бизнес корхоналарида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш бу борадаги илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Лазарчук Е.В., Дукарт С.А., Аникина Е.А. Изменение факторов производства в рамках экономики знаний // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 11-3. – С. 584-587; URL:<https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=35565>

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қулай муҳит яратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, корхоналарнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “фаолиятини тўхтатган кичик бизнес субъектларини қайта тиклаш, солиқ ва статистика маълумотларини таҳлил қилиб, ҳар бир корхонанинг фаолият кўрсатмаслик сабабларини аниқлаш, фаолиятини тиклаш имкони бўлган корхоналар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарни тиклаш, иш ўринларини легализация қилиш, янги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш”<sup>2</sup> вазифалари алоҳида белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали амалга оширилиши кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий ресурс ёки жараёнларнинг ишлаб чиқариш омили мақомига мувофиқ келишини баҳолашнинг асосий мезонларини белгилаш, ҳудуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи идоралар томонидан кичик бизнес корхоналари ўртасида ресурсларнинг ўзаро ҳаракатини мувофиқлаштирувчи гуруҳларни шакллантириш орқали ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги номутаносиблик ҳолатларининг олдини олиш ва фаолиятга салбий таъсир хавфини камайтириш, корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларини йўлга қўйиш, мамлакатдаги кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омилларининг соҳа ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқишига йўналтирилган илмий тадқиқотларни тақозо этади.

---

<sup>2</sup> Шавкат Мирзиёев кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар таҳлилига бағишлиланган видеоселектор ўтказди. - <https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-kichik-biznes-va-tadbirkorlikni-rivojlantirish-buyicha-ishlar-ta-liliga->

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-268-сон “Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ-244-сон “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартиба солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 30 сентябрдаги ПФ-228-сон “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 31 августдаги ПФ-213-сон “Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 9 июндаги ПФ-150-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”, 2022 йил 21 январдаги ПФ-54-сон “Республика худудларида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 30 майдаги ПҚ-264-сон “Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 19 апрелдаги ПҚ-212-сон “Ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизmlарини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 сентябрдаги 488-сон “Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа

меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарали ташкил этиш, барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш асосий жиҳатларининг тадқиқи хорижлик олимлардан В.Горфинкел, И.Загоруйко, Г.Имаева, В.Карпушкин, Е.Козьма, А.Копысова, И.Кротов, М.Лапуста, Г.Петрук, В.Рожковский, А.Савичев, М.Сихимбаев, Д.Сихимбаева, Т.Туренко, И.Устич, В.Швандар, Г.Шерова, А.Шилкина, А.Цой<sup>3</sup> қабилар томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиш ҳамда

---

<sup>3</sup> Загоруйко И.Ю. исследование развития и оптимизации малого предпринимательства в России в условиях мирового кризиса // Вестник Пермского университета. 2012, №3; Имаева Г. Р. Теоретико-методологические аспекты изучения социальной роли малого и среднего предпринимательства // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. №4. С.141-153; Копысова А.С. Экономическое стимулирование развития малого предпринимательства на сырьевых территориях: автореф. дис. ... канд. экон. наук / А.С. Копысова. – Екатеринбург, 2005. - 27 с.; Козьма Е.С. Устойчивое развитие малого предпринимательства как показатель развития ПМР // Инновации в науке: научный журнал. – № 1(77). – Новосибирск., Изд. АНС «СибАК», 2018; Кротов И.И. Развитие малого предпринимательства на основе государственных и муниципальных заказов (на примере регионов Российской Федерации). Дис...канд.экон.наук. – Пермь. 2015; Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: - М.: ИНФРА-М, 2011; Малый бизнес. Организация, экономика, управления. Под ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. -3-е изд., перераб. и. доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009; Петрук Г.В., Устич И.С. Обеспечение устойчивого развития малого предпринимательства на материалах предприятий Амурской области // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 6-7. – С. 1464-1468; Рожковский В.А. Малый бизнес как фактор устойчивого развития сельских территорий // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2016, № 4 (138). С. 189-193.; Савичев А.А. Факторы и условия устойчивого развития малого и среднего предпринимательства // Вестник университета. 2015, №4. С. 144-149; Туренко Т.А. Малое предпринимательство и его роль в устойчивом развитии экономики // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). 2010; Шерова Г.К., Сихимбаев М.Р., Сихимбаева Д.Р. Социально-экономические проблемы развития малого бизнеса в Казахстане // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 327-330; Шилкина А.Т., Карпушкин В.В. Проблемы устойчивого развития малого бизнеса в России и Европе // ЦИТИСЭ. 2017, №3 (12); Цой А.В. Развитие малого предпринимательства как одно из основных направлений устойчивого развития экономики // Вестник РМАТ. 2016, № 2. С. 32-36.

иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари Ё.Абдуллаев, Г.Абдураҳмонова, X.Абулқосимов, О.Арипов, И.Бакиева, М.Болтабаев, М.Ибрагимова, Ф.Каримов, Н.Муродова, Қ.Муфтайдинов, С.Салаев, А.Самадов, Б.Турсунов, И.Умаров, Р.Ходжаев, Б.Ходиев, Ш.Эргашходжаева, Д.Юлдашев, Ш.Юлдашев, Ф.Касимова, М.Қосимова, А.Қулматов, У.Ғафуров, Б.Ғойибназаров, С.Ғуломов ва бошқа қатор олимларнинг илмий тадқиқотларида тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликтининг илмий-услубий ва амалий масалалари тизимли ҳолда тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликтни таъминлаш орқали иқтисодий

---

<sup>4</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.; Абдураҳманова Г. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамоиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Авт....иқт.фан.док. –Т.: 2016. 77 б.; Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласи тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Арипов О.А. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилиармонлик мухитини ривожлантириш. Авт..иқт. фан. док. –Т.: 2020 й. 72 б; Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркиби ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманганд вилояти мисолида). Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.; Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Авт....иқт.фан.док. –Т.: 2016 й. 107 б; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.; Салаев С.Қ. Кичик бизнес ривожланиши тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2008.; Умаров И.Ю. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. Авт..иқт. фан. док. –Т.: 2020 й. 70 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Т., ТДИУ. 2000. - 338 б.; Юлдашев Д.Т. Оиласи тадбиркорликини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019; Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2004; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. Авт..иқт. фан. док. –Т.: 2017 й. 97 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.

самарадорликни ошириш бўйича илмий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнининг иқтисодий мазмуни ва асосий турлари борасидаги назарий қарашларни тизимлаштириш асосида ҳозирги шароитдаги тадқиқот учун янги йўналишларни аниқлаш;

тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнининг таъсирининг асосий йўналишларини тадқиқ этиш;

кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик даражасини баҳолашнинг услубий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнларининг ривожланганлик даражасини баҳолаш;

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблигидаги асосий тенденцияларни очиб бериш;

ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнлари ривожланишининг кичик бизнес корхоналари фаолияти самарадорлигига таъсирини ҳамда кучайтириш чора-тадбирларини аниқлаш;

кичик бизнес корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнларини тартибга солишнинг бозор ва маъмурий дастакларини уйғунлаштириш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон, жумладан Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий фаолияти олинган.**

**Тадқиқотнинг предметини** кичик бизнес корхоналарида ишлаб

чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнларини такомиллаштириш бўйича иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, ижтимоий сўров ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий ресурс ёки жараёнларнинг ишлаб чиқариш омили мақомига мувофиқ келишини баҳолашни асосий мезон (тамойил)ларни белгилаб олиш орқали такомиллаштириш таклифи асосланган;

ҳудуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи идоралар томонидан кичик бизнес корхоналари ўртасида ресурсларнинг ўзаро ҳаракатини мувофиқлаштирувчи гурӯхларни шакллантириш орқали ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги номутаносиблик ҳолатларининг олдини олиш ва фаолиятга салбий таъсир хавфини камайтириш таклифи асосланган;

кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотга эга идоралар томонидан корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларини йўлга қўйиш таклифи асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес корхоналарида банд бўлган ишчи кучи омилини соҳа ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг 2027 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қўйидагилардан иборат:

иқтисодий ресурсларни ишлаб чиқариш омиллари тоифасига киритишининг мезон (тамойил)лар асосида турли иқтисодий ресурс ёки жараёнларнинг ишлаб чиқариш омили мақомига мувофиқ келишини баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқилган;

ишлиб чиқариш функциясидаги эркин ўзгарувчилар – ишлиб чиқариш омиллари ўртасидаги таъсир кучи ўз даражасига кўра фарқланиши асосланиб, шартли равишда мазкур омилларни “мутаносибликни белгилаб берувчи” ҳамда “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” тоифаларига ажратиш таклиф этилган;

кичик бизнес корхоналари ва соҳасида ишлиб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини баҳолашнинг муайян услугубий ёндашувини ишлиб чиқиш юзасидан тавсиялар берилган;

Ўзбекистон, жумладан Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес корхоналарида ишлиб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик даражасини муаллифлик ёндашувига асосланган услугуб асосида баҳолангандан;

кичик бизнес корхоналарида ишлиб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишда корхона ҳаёт циклининг ҳар бир босқичи: бизнес-фоя ва бизнес-режани тайёрлаш босқичи, корхонани ташкил этиш босқичи (ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг ишлиб чиқариш самарадорлиги билан боғлиқлиги), корхонанинг фаолият кўрсатиши давридаги чора-тадбирлар тавсия этилган;

кичик бизнес корхоналарида ишлиб чиқариш омиллари мутаносиблигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида иқтисодий ресурслар тақсимотининг бозор механизмини кучайтириш борасида илмий асосланган таклифлар ишлиб чиқилган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан кичик тадбиркорлик фаолиятида

ишлиб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнларини такомиллаштиришга оид илмий-услубий аппаратни ҳамда мавзуга оид маҳсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти ишлиб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан кичик тадбиркорлик фаолиятида ишлиб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик жараёнларини такомиллаштириш бўйича ишлиб чиқиладиган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантириш қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмuinи ишлиб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кичик бизнес корхоналарида ишлиб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича ишлиб чиқилган илмий-услубий ҳамда амалий йўналишдаги таклиф ва тавсиялар асосида:

кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий ресурс ёки жараёнларнинг ишлиб чиқариш омили мақомига мувофиқ келишини баҳолашни асосий мезон (тамойил)ларни белгилаб олиш орқали такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан “2022 йилда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йўл харитаси”ни ишлиб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 1 декабрдаги 01/03-132-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида худудлардаги кичик бизнес корхоналаридаги ишлиб чиқариш омилларини баҳолашнинг аниқлиги ҳамда тадбиркорлар томонидан молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошган;

худуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи идоралар томонидан кичик бизнес корхоналари ўртасида ресурсларнинг ўзаро ҳаракатини мувофиқлаштирувчи гурухларни шакллантириш орқали ишлиб

чиқариш омиллари ўртасидаги номутаносиблик ҳолатларининг олдини олиш ва фаолиятга салбий таъсир хавфини камайтириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан “2022 йилда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йўл харитаси”ни ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 1 декабрдаги 01/03-132-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги номутаносибликларни аниқлаш ҳамда корхоналарнинг ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда бартараф этиш орқали соҳа иқтисодий самарадорлигини ошириш имконига эришилган;

кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотга эга идоралар томонидан корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларини йўлга қўйиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан “2022 йилда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йўл харитаси”ни ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 1 декабрдаги 01/03-132-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича кичик корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотга эга идоралар томонидан маслаҳат бериш хизматларидан фойдаланиш имкони яратилган;

Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес корхоналарида банд

бўлган ишчи кучи омилини соҳа ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг 2027 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз қўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан “2022 йилда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йўл харитаси”ни ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2022 йил 1 декабрдаги 01/03-132-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий натижанинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес корхоналарида банд бўлган ишчи кучи омилини соҳа ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг узок муддатли истиқболларини баҳолаш асосида корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликнинг асосий параметрларини мақсадга мувофиқ йўналтириш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этган.

# **І БОБ. КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ**

## **ҮРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ**

### **АСОСЛАРИ**

#### **1.1-§. Ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий мазмуни ва уларни туркумлашнинг асосий тамойиллари**

Кишилик жамияти ўз тараққиётининг ҳар бир муайян даври учун мос келувчи муайян иқтисодий тизим амал қилиб, унинг такомиллашганлик даражаси иқтисодий тизим самарадорлиги орқали намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, анъанавий иқтисодиёт, режали (маъмурий-буйруқбозлик) иқтисодиёти ва бозор иқтисодиётининг тадрижий тараққиёти уларнинг жамият манфаатларига қанчалик мослиги ва самарадорлиги томон ҳаракати маҳсули ҳисобланади.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёни тўлақонли ва узлуксиз амалга ошиши учун ишлаб чиқариш омиллари зарур бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари иқтисодиёт фанида кенг ўрганилган бўлиб, бу борада ишлаб чиқариш омиллари назарияси ҳам мавжуд.

Ишлаб чиқариш омилларининг мазмуни ва таркибини кўриб чиқишдан олдин, аввало мазкур тушунчанинг “иқтисодий ресурслар” тушунчаси билан ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Чунки, кўп ҳолларда «иқтисодий ресурслар» тушунчаси «ишлаб чиқариш омиллари» тушунчаси билан бир хил маънода қўлланилади. Бироқ, бу икки тушунча ўртасида тафовут мавжуд.

“Ишлаб чиқариш омиллари ва иқтисодий ресурсларнинг умумий жиҳати шундаки, ҳар иккаласи ишлаб чиқаришни амалга ошишида ёрдамлашувчи бир хилдаги табиий ва ижтимоий кучлар ҳисобланади. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, иқтисодий ресурсларга ишлаб чиқаришга жалб этилиши мумкин бўлган табиий ва ижтимоий кучлар киритилса, ишлаб чиқариш омилларига ишлаб чиқариш жараёнига ҳақиқатда жалб этилган кучлар киритилади. Демак,

“ресурслар” түшунчаси “омиллар” түшунчасига қараганда кенгрок хисобланади”<sup>5</sup>.

Иқтисодий ресурслар – товар ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган барча воситалар, имкониятлар ва манбалар мажмуидан иборат. Иқтисодий адабиётларда иқтисодий ресурслар таркибини белгилашда турлича ёндашувларни кўриш мумкин (1.1-жадвал).

### **1.1-жадвал**

#### **Иқтисодий адабиётларда иқтисодий ресурслар таркибини белгилашдаги турлича ёндашувлар<sup>6</sup>**

<b>Иқтисодий ресурслар таркиби</b>	<b>Изоҳ</b>	<b>Муаллифлар ва манба</b>
Табиий ресурслар. Мехнат ресурслари. Молиявий ресурслар.	Иқтисодий ресурслар таркибининг энг кам элементли ёндашуви бўлиб, улар каторида моддий ресурсларнинг мавжуд эмаслиги асосий камчилиги хисобланади	Яркина, Н.Н. Экономика предприятия (организации): учебник / Н.Н. Яркина. — Керчь: ФГБОУ ВО «КГМТУ», 2020.  Инновационная экономика: учебное пособие / Будович Л. С., Старцева Ю. В. — Санкт-Петербург: «Скифия-принт», 2020  Ворожейкина Т.М., Карапаева О.Г., Сергеева Н.В. Экономика труда: учебное пособие / РГАУ-МСХА имени К.А.Тимирязева — М.: ООО “Мегаполис”, 2020.
		Региональная инфраструктура и экономика муниципальных образований: учебное пособие / Л.С. Сагдеева, Л.Н. Старикова; под общ. ред. Л.Н. Стариковой]. - Москва: Знание-М, 2021.
Табиий ресурслар. Моддий ресурслар. Мехнат ресурслари. Молиявий ресурслар.	Юкоридаги ёндашув асосида ифодаланган иқтисодий ресурслар таркибига моддий ресурслар ҳам киритилган ёндашув.	Петрушина В.В. Экономика организаций: учебное пособие. — Курский институт кооперации (филиал) АНО ВО «Белградский университет кооперации, экономики и права». - Курск, 2020.  Экономика общественного сектора: учебное пособие / С.С. Винокуров. — СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2020.  Экономика: учебное наглядное пособие / Н.И. Лаврикова, И.В. Полянская, О.И. Шевченко. — Орёл: Академия ФСО России, 2021.  Экономика промышленного предприятия: Учебное пособие. — Новосибирск: Изд-во СГУВТ, 2021.

<sup>5</sup> Ресурсы (факторы производства), их характеристика и классификации. Труд, земля, капитал, предпринимательские способности / “Экономика” электронный учебник. - <https://economy-bases.ru/t2r3part1.html>

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан тегишли адабиётлар таҳлили асосида тузилган.

		Инновационная экономика и цифровизация бизнеса: учеб. пособие / Е.С. Портькин. – Самара: Самар. гос. техн. ун-т, 2021.
Табиий ресурслар. Молиявий ресурслар. Инновация.	Юқоридаги ёндашувлардан фарқли жиҳати – иқтисодий ресурслар таркибидаги меҳнат ресурслари ўрнига инновация иқтисодий ресурс тури сифатида киритилган ёндашув.	Экономика гостиничного бизнеса : учебное пособие / Е.В. Шумакова. - Казань: Бук, 2021. - 102 с.
Табиий ресурслар. Моддий ресурслар. Меҳнат ресурслари. Молиявий ресурслар. Сунъий интеллект.	Юқоридаги ёндашувларда ифодаланган иқтисодий ресурслар таркибига сунъий интеллект ресурс тури сифатида киритилган ёндашув.	Цифровая экономика: практический аспект: учебное пособие / А.М. Авдонина, Д.Р. Игошина, О.А. Корнилова, А.В. Миленький, Н.Е. Тихонюк, К.В. Хартанович. – Владимир: Владимирский филиал РАНХиГС, 2021.
Табиий ресурслар. Ишчи кучи ресурслари. Моддий ресурслар.	Иқтисодий ресурс турлари таркибига молиявий ресурслар киритилмаган ёндашув.	Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т., Фан ва технология, 2010.
Моддий ресурслар: - табиий ресурслар; - инсон меҳнати билан яратилган моддий ресурслар. Меҳнат ресурслари. Информацион-ахборот ресурслари.	Юқоридаги ёндашувларда ифодаланган иқтисодий ресурслар таркибига информацион-ахборот ресурслари ресурс тури сифатида киритилган ёндашув.	Үлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т., «Шарқ», 2016.
Моддий ресурслар: - ер (хомашё материаллари); - капитал. Инсон ресурслари: - меҳнат; - тадбиркорлик қобилияти.	Иқтисодий ресурс турлари таркиби моддий ва инсон ресурслари гурухига ажратилган холда туркумланган ёндашув.	Камаев В.Д. Экономическая теория. – М., ВЛАДОС, 2004.
Табиий ресурслар. Меҳнат ресурслари. Капитал. Тадбиркорлик қобилияти. Хўжалик ҳаёти учун зарур бўлган билим.	Юқоридаги ёндашувларда ифодаланган иқтисодий ресурслар таркибидан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқариш омилларига хос туркумлашнинг кўлланиши ҳамда билимни ресурс тури сифатида киритишга асосланган ёндашув.	Булатов А.С. Экономика: Учебник. – М., Экономистъ, 2005.

Иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фарқи шундаки, уларга ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган ишчи кучи, табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан ташқари билвосита иштирок этувчи ҳамма моддий ресурслар, товар ва пул ресурслари ҳам киради. Иқтисодий ресурс сифатида намоён бўлувчи барча таркибий элемент ҳам ишлаб чиқариш омили бўлолмайди. Масалан, молиявий воситалар, жумладан, пул маблағлари

иқтисодий ресурс ҳисобланиши мумкин. Бироқ, улар бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилмаганлиги сабабли ишлаб чиқариш омили бўйолмайди.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ресурслардан фарқли ўлароқ, ўз ичига фақат муайян ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этувчи унсурларни олади. Иқтисодий ресурслар эса иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда умумий ҳолда фойдаланилувчи ва тақозо этилувчи восита ва шарт-шароитларни англатади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар асосида ишлаб чиқариш омиллари ва иқтисодий ресурсларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини қўйидаги жадвал орқали умумлаштириш мумкин (1.2-жадвал).

## **1.2-жадвал**

### **Ишлаб чиқариш омиллари ва иқтисодий ресурсларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари<sup>7</sup>**

<b>Асосий жиҳатлар</b>	<b>Ишлаб чиқариш омиллари</b>	<b>Иқтисодий ресурслар</b>
Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш тавсифи	Бевосита	Билвосита
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнининг хусусиятларига мувофиқлиги	Муайянлик (аниқлик)	Умумийлик
Муайян омилнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши натижаси	Омилга хос даромаднинг яратилиши	Доимо ҳам омилга хос даромаднинг мавжуд бўймаслиги
Ишлаб чиқариш имкониятлари ва натижаларига таъсир даражаси	Ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши	Доимо ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатмаслиги
Ишлаб чиқариш жараёнида бошқа турдаги омиллар билан алоқаси	Ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириш хусусиятига эгалиги	Доимо ҳам ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдирмаслиги

Демак, юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қўлланилувчи барча ресурслар ишлаб чиқариш омиллари дейилади. Ишлаб чиқариш омиллари тушунчасининг мазмuni ва таркиби мазкур атамага классик ва замонавий иқтисодий йўналиш намоёндалари бўйича фарқланади. Классик иқтисодий мактаб вакиллари томонидан

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

жамиятда бозор муносабатлари оммавий тус олган даврга қадар ишлаб чиқариш омиллари асосан учта қисмдан, яъни ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан иборат бўлиши таъкидлаб келинган. Мазкур атамаларнинг қисқача мазмуни ва улар таркиби бўйича мисолларни қуидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (1.3-жадвал).

### **1.3-жадвал**

#### **Классик иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқариш омиллари қисқача мазмуни ва таркибининг туркумланиши<sup>8</sup>**

<b>Атама</b>	<b>Қисқача мазмуни</b>	<b>Таркиби бўйича мисол</b>
Ишчи кучи	Инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси	Муайян меҳнат фаолияти тури бўйича билим, кўникма, маҳорат, жисмоний қувват ва бошқ.
Меҳнат қуроллари	Инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметларига таъсир қиласидиган воситалар	Қишлоқ хўжалигига: трактор, омоч, кетмон; саноатда: станок, қурилишда: кран, экскаватор ва бошқ.
Меҳнат предметлари	Инсон бевосита меҳнат орқали ўз таъсирини ўткизаб, маҳсулотнинг асосини ўтайдиган нарсалар	Ер, хомашё ва материаллар, ёғоч, фойдали қазилмалар ва бошқ.
Ишлаб чиқариш воситалари	Меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари мажмуи	Юқоридаги икки таркибнинг йиғиндиси

Ўз навбатида, меҳнат воситаларини қуидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- биринчи гуруҳ: меҳнат қуроллари – уларнинг ёрдамида инсон табиат ашёлари ва кучларига бевосита таъсир қиласиди ва бу ашёларни ўзининг истеъмоли учун зарур бўлган шаклга келтиради;
- иккинчи гуруҳ: материалларни сақлаш учун мўлжалланган меҳнат воситалари (цистерналар, турли хил бочкалар, қувурлар, омборлар ва бошқалар);

<sup>8</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

- учинчи гурух: ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган, лекин унга шарт-шароит яратиб берадиган меҳнат воситалари киради (бинолар, йўллар ва б.).

Иқтисодиётга оид ўқув адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари туркумланишига турлича ёндашувларни кузатиш мумкин. Жумладан, иқтисодиёт назариясининг дастлабки, классик кўриниши ҳисобланган «Сиёсий иқтисод» дарслкларида мазкур тушунча ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омиллари туркумланар эди (1.4-жадвал).

#### 1.4-жадвал

#### **Ишлаб чиқариш омиллари таркиби турлича ёндашувлар<sup>9</sup>**

Муаллифлар	Ишлаб чиқариш омиллари таркиби
У.Петти, Ф.Кенэ	Иккита ишлаб чиқариш омили – ер (табиат) ва меҳнатни ажратадилар. Капитал табиат ёрдамида амалга оширилувчи инсон меҳнатининг натижаси сифатида қаралади.
А.Смит, Ж.-Б.Сэй, Ж.С.Миль, К.Маркс ва бошқ.	Ишлаб чиқариш омиллари тизими “триада”, яъни меҳнат, ер, капиталдан иборат қилиб белгиланади.
А.Маршалл	Ишлаб чиқариш омиллари тизими анъанавий “триада”сига “ташкил этиш”дан иборат тўртинчи омилни кўшиб, ишлаб чиқариш омиллари тизимини кенгайтиради.

Хозирги бозор иқтисодиётига доир адабиётларда эса асосан ишлаб чиқаришнинг тўрт омили – меҳнат, капитал, ер, тадбиркорлик қобилияти кўринишларига туркумланади (1.1-расм).



#### **1.1-расм. Ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши<sup>10</sup>.**

Иқтисодиёт назариясига оид дарслик ва ўқув қўлланмалар таҳлили ҳам ишлаб чиқариш омилларини белгилашда турлича ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади (1.5-жадвал).

<sup>9</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>10</sup> Шодмонов Ш.Ш.,Faфуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т., Фан ва технология, 2010.

**Иқтисодий адабиётларда ишлаб чиқариш омиллари таркибини  
белгилашдаги турлича ёндашувлар<sup>11</sup>**

<b>Муаллифлар ва манба</b>	<b>Ишлаб чиқариш омиллари таркиби</b>
Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т., Фан ва технология, 2010.	Ишчи кучи. Мехнат куроллари. Мехнат предметлари.
Үлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т., «Шарқ», 2016.	Табиат. Мехнат. Капитал. Тадбиркорлик қобилияти. Ахборот (информация).
Шишkin A.F. Экономическая теория. Кн.1.- М.: ВЛАДОС, 1996.	Шахсий омил – ишчи кучи. Моддий омил – ишлаб чиқариш воситалари.
Москвин Д.Д. Основы экономической теории. Политэкономия. – М.: Едиториал УРСС, 2003.	Ер (табиий ресурс). Капитал (ишлаб чиқариш воситалари). Мехнат (инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиялари). Тадбиркорлик қобилияти.
Куликов Л.М. Экономическая теория. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005.	Ишчи кучи. Ишлаб чиқариш воситалари. Технология. Фан. Ахборот. Энергия. Экология. Инфратузилма.
Петрушина В.В. Экономика организаций: учебное пособие – Курский институт кооперации (филиал) АНО ВО «Белградский университет кооперации, экономики и права» - Курск, 2020 г.	Ер. Капитал. Мехнат.
Казначевская Г. Б. Основы экономической теории. Учебное пособие. М.: Феникс. 2020. <a href="https://www.labirint.ru/books/735901/">https://www.labirint.ru/books/735901/</a>	Инсон омили. Ишлаб чиқариш воситалари. Ер.
Яркина, Н.Н. Экономика предприятия (организации): учебник / Н.Н. Яркина. – Керчь: ФГБОУ ВО «КГМТУ», 2020.	Ер. Капитал. Мехнат.

<sup>11</sup> Адабиётлар таҳлили асосида муаллиф томонидан тузилган.

Инновационная экономика: учебное пособие / Будович Л.С., Старцева Ю.В. - Санкт-Петербург: «Скифия-принт», 2020	Инсон омили. Табиий ресурслар. Фан. Мехнат.
Ворожейкина Т.М., Карагаева О.Г., Сергеева Н.В. Экономика труда: учебное пособие/РГАУ-МСХА имени К.А.Тимирязева – М.: ООО “Мегаполис” 2020 г.	Ресурслар. Мехнат. Инсон омили.
Экономика общественного сектора : учебное пособие / С.С. Винокуров. – СПб. : Изд-во СПбГЭУ, 2020.	Ер. Капитал. Мехнат. Экология.
Экономика региона специализации: страны Северной Европы [Электронный ресурс]: учебное пособие / А.А. Богданова; Сев. (Арктич.) федер. ун-т им. М.В. Ломоносова. – Электронные текстовые данные. – Архангельск: САФУ, 2020.	Ер. Ресурслар. Мехнат. Инвестициялар. Инфратузилма.
Экономика : учебное наглядное пособие / Н.И. Лаврикова, И.В. Полянская, О.И. Шевченко. – Орёл: Академия ФСО России, 2021.	Ер. Ресурслар. Мехнат.
Экономика промышленного предприятия: Учебное пособие. – Новосибирск: Изд-во СГУВТ, 2021	Ер. Ресурслар. Мехнат. Инвестициялар.
Экономика гостиничного бизнеса: учебное пособие / Е.В. Шумакова. — Казань: Бук, 2021. — 102 с.	Капитал. Мехнат. Инвестициялар.
Инновационная экономика и цифровизация бизнеса: учеб. пособие / Е.С. Поротькин. – Самара: Самар. гос. техн. ун-т, 2021	Капитал. Мехнат. Инвестициялар.
Цифровая экономика: практический аспект: учебное пособие / А.М. Авдонина, Д. Р. Игошина, О. А. Корнилова, А. В. Миленький, Н. Е. Тихонюк, К. В. Хартанович. – Владимир : Владимирский филиал РАНХиГС, 2021.	Ер. Ресурслар. Мехнат. Инвестициялар. Инфратузилма.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Л.М.Куликов ишлаб чиқариш омилларининг энг кўп турларини ўз ичига олган таркибини келтирган. Яъни, анъанавий тарзда қўлланиб келаётган ишлаб чиқариш омилларидан фақат ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситаларини келтириб, аксинча, ҳали фанда ишлаб чиқариш омили сифатида яқдиллик билан ва узил-кесил бир қарорга келинмаган технология, фан, ахборот, энергия, экология ва инфратузилмани

киритган. Мазкур ёндашувнинг қай даражада асосли эканлиги тўғрисида фикр юритишдан олдин, ушбу ноанъанавий турдаги ишлаб чиқариш омилларининг қисқача мазмунига тўхталиб ўтамиз (1.6-жадвал).

## 1.6-жадвал

### Ишлаб чиқариш омиллари таркибига киритилган ноанъанавий турлари<sup>12</sup>

Атама	Қисқача мазмуни
Технология	кенг маънода – фаолиятнинг у ёки бу тармоғида фойдаланиувчи усуллар, жараёнлар ва материаллар мажмуй, шунингдек, техник ишлаб чиқариш усулларининг илмий баёни; тор маънода – маҳсулотни номинал сифат ва оптимал харажатлар билан тайёрлаш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва/ёки фойдаланишга йўналтирилган ҳамда умумий ҳолда илм-фан, техника ва жамият тараққиётининг жорий даражаси билан шартланган ташкилий чора-тадбирлар, операциялар ва усуллар мажмую <sup>13</sup> .
Фан	борлиқ тўғрисидаги объектив билимларни ишлаб чиқиш ва назарий тизимлаштиришга йўналтирилган инсон фаолияти соҳаси <sup>14</sup> . Фан ишлаб чиқариш омили сифатида мавжуд билимларни кенгайтириш ва янгиларини ҳосил қилиш мақсадида изланиш, тадқиқотлар, экспериментлар олиб бориш, табиат ва жамиятда намоён бўлувчи қонуниятларни аниқлаш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан боғлиқ <sup>15</sup> .
Ахборот	ишлаб чиқариш омили сифатида бошқарувдаги иқтисодий қарорларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш жараёнида сақланувчи, қайта ишланувчи ва фойдаланиувчи маълумотлар мажмую <sup>16</sup> .
Энергия	материя турли ҳаракат шаклларининг умумий миқдорий ўлчови <sup>17</sup> .
Экология	организмларнинг бир-бiri билан ва атроф-муҳит билан ўзаро таъсири тўғрисидаги фан <sup>18</sup> .
Инфратузилма	ишлаб чиқариш ва товар муомаласи, шунингдек, инсон ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат килувчи турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар (ташкилот, корхона ва муассаса) мажмую; номоддий ишлаб чиқариш сектори <sup>19</sup> .

Тўғри, иқтисодий фаннинг дастлабки ривожланиш босқичларида шаклланган ишлаб чиқариш омиллари таркиби фан-техника тараққиёти таъсирида сезиларли тарзда ўзгариши мумкин. Дастлабки босқичда у қадар

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>13</sup> Технология. - <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/4842>

<sup>14</sup> Наука. - <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1628>

<sup>15</sup> Классификация факторов производства. - <https://studfile.net/preview/2031144/page:4/>

<sup>16</sup> Классификация факторов производства. - <https://studfile.net/preview/2031144/page:4/>

<sup>17</sup> <http://energetika.in.ua/ru/books/book-2/part-2/section-1/1-3>

<sup>18</sup> <https://ivgpu.ru/images/docs/ob-universitete/instituty-fakultety-kafedry/isgen/kafedry/khem/publikatsii/36.pdf>

<sup>19</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/infratuzilma-uz/>

аҳамиятли бўлмаган омиллар асосий омилга айланиши, ҳаттоқи, умуман янги ишлаб чиқариш омили қўшилиши мумкин. Жумладан, тадбиркорлик қобилиятининг ишлаб чиқариш омили сифатида бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш билан пайдо бўлиши ҳам ушбу фикрга яққол мисол бўла олади.

Бироқ, шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ишлаб чиқариш омилларининг ноанъанавий (илмий муомалага янги киритилган) турлари ҳисобланган технология, фан, ахборот, энергия, экология ва инфратузилма ишлаб чиқаришнинг нисбатан дастлабки босқичларида ҳам (маълум даражада содда кўринишида) мавжуд бўлган. Масалан, дастлабки деҳқончилик, тўкувчилик, курилиш ишларини амалга оширишнинг ҳам ўзига хос технологияси бўлган; уларда ўз даврининг ривожланганлик даражасига мувофиқ тушувчи фан ва ахборот натижаларидан фойдаланилган; ишлаб чиқариш энергиянинг тегишли тури ёрдамида амалга оширилган, ва охир-оқибатда, барча муносабатлар муайян даражадаги экология ва инфратузилма доираси ҳамда таъсирида ҳаракат қилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти, ахборот технологияларининг ривожланиши, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши каби глобал жараёнлар таъсирида ишлаб чиқариш омилларининг турлари кўпайиб бориши рўй берар экан, албатта уларни ишлаб чиқариш омили сифатида тан олиниши муҳим ҳисобланади. Бироқ, шу ўринда мазкур масаланинг бошқа бир жиҳати ҳам намоён бўлади. Яъни, ишлаб чиқариш омилларининг янги турлари шунчаки, бемақсад равишда кўпайтирилишига йўл қўймаслиги лозим. Энг аввало шуни ёддан чиқармаслик керакки, ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши иқтисодий жараёнлар мазмунининг ичига кириш, унинг замирида рўй берадиган ҳодиса ва жараёнлар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқаларни тушуниш ва очиб бериш мақсадида амалга оширилади. Яхлит ишлаб чиқариш жараёнини омиллар кесимидағи таҳлили қўплаб илмий ечим ва хуносаларни шакллантириш имконини беради.

Бирок, мазкур туркумлашни “сунъий” равища, ҳаддан ташқари “бўрттириб” юборилиши илмий тадқиқотга ёрдам бермай, балки ҳалақит беришни бошлиши мумкин. Чунки, омиллар сонинг асоссиз равища кўпайиши тадқиқот мақсади ва усууларининг тарқоқлиги, таҳлилнинг саёзлашуви ва хуносаларнинг илмийлик даражасининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Ишлаб чиқариш омиллари назариясини такомиллаштиришда мазкур омиллардан самарали фойдаланиш муаммоларини тадқиқ этиш муҳим ҳисса ҳисобланади. Шу муносабат билан Ж.Б.Кларкнинг алоҳида корхонадаги ишлаб чиқариш омиллари сарфлари ўртасидаги оптимал нисбатга эга бўлиш муаммоси қараб чиқиладиган меҳнат ва капиталнинг чегаравий (меъёрий) унумдорлиги концепциясини алоҳида таъкидлаш лозим<sup>20</sup>. Ўз моҳиятига кўра, мазкур назария микродаражадаги ишлаб чиқариш омиллари сарфлари таркибий тузилишини чегаравий таҳлил қилишнинг методологиясини белгилаб беради.

Кўпчилик тадқиқотчилар “ишлаб чиқаришнинг уч омили” концепциясини қўллаб-қувватлашларига қарамасдан, омиллар тизими таркибий тузилишига бошқача нуқтаи назарлар ҳам мавжуд. Масалан, А.Маршалл анъанавий “триада”га тўртинчи омил – ташкил этишни қўшиб, ишлаб чиқариш омиллари тизимини кенгайтиради. “Ташкил этиш кўплаб шаклларга эга, масалан, алоҳида корхонани ташкил этиш, битта фаолият билан шуғулланувчи турли корхоналарни ташкил этиш, турли фаолият кўринишларини бир бирига нисбатан ташкил этиш, барчанинг хавфсизлигини таъминловчи ва кўпчиликка ёрдам қўрсатувчи давлатни ташкил этиш”<sup>21</sup>. Таъкидлаш лозимки, Маршалл алоҳида эътиборни капиталнинг бир қисми сифатидаги билимларга қаратиб, уларни ишлаб чиқаришнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи сифатида белгилайди. Ташкил этиш билимга

<sup>20</sup> Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе / Пер. С англ., 4-е изд. – М. : Дело ЛТД, 1994. – С. 395 – 460.

<sup>21</sup> Маршалл А. Принципы экономической науки: В 3-х тт. / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1993. – Т. 1 – С. 208.

кўмаклашар экан, уни ишлаб чиқаришнинг алоҳида омили сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқаришнинг тўртинчи омилиниң мавжудлиги тўғрисидаги масала ҳозирда ҳам очиқлигича қолмоқда.

“Ташкил этиш”ни (айримлар ушбу омилни тадбиркорлик қобилияти деб атайдилар<sup>22</sup>) омиллар тизимиға киритилишининг тарафдорларини мазкур концепция ҳар бир омилдан олинадиган “мукофот”нинг турли шакллари, яъни: ер рентаси, капитал учун фоиз, иш ҳақи, корхона фойдасига ажратилиши билан ўзига жалб этади.

Фикримизча, ишлаб чиқариш омиллари бўйича илмий-услубий ва амалий тадқиқот ва хулосаларнинг аниқлигини таъминлаш учун мазкур тоифага киритишининг зарур мезон ёки тамойилларини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Турли манбаларда бу борадаги айрим қарашлар алоҳида ҳолда учрасада, уларнинг тизимлашган шакли мавжуд эмас. Шунга кўра, турли адабиёт ва манбаларнинг таҳлил асосида қўйидаги мезон (тамойил)ларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ:


- 1) ҳар бир омилнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этиши;
- 2) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнининг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда муайянлик (аниқлик) шартига мос келиши;
- 3) муайян омилнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши натижасида тегишли шаклдаги омилга хос даромаднинг яратилиши;
- 4) ишлаб чиқариш имкониятлари ва натижаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши;
- 5) ишлаб чиқариш жараёнида бошқа турдаги омиллар билан ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир-бирини тўлдириш хусусиятига эгалиги.

Ушбу мезон (тамойил)лар асосида турли иктисодий ресурс ёки жараёнларнинг ишлаб чиқариш омили мақомига мувофиқ келишини баҳолаш

---

<sup>22</sup> Макконнелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика: В 2-х т. / Пер. с англ. М.: Республика, 1992. – С. 37.

алгоритмини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади (1.2-расм). Мазкур алгоритмни ишлаб чиқишидан мақсад – кейинги вақтларда ишлаб чиқариш омиллари таркибига киритилаётган турли иқтисодий ресурс ёки жараёнларни ҳар битта мезон талабига мувофиқлигини ўрганишнинг изчил кетма-кетлигини аниқлаб олишдир.



**1.2-расм. Иқтисодий ресурс ёки жараёнларнинг ишилаб чиқариш омили мақомига мувофиқ келишини баҳолаш алгоритми<sup>23</sup>.**

<sup>23</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Чизмадан күринадики, алгоритмнинг кириш блогида ишлаб чиқариш омили мақомига “талабгор” иқтисодий ресурслар бўлиб, улар ҳам анъанавий тарздаги, ҳам ноанъанавий, янги киритилаётган ресурсларни қамраб олиши мумкин. Мазкур ресурслар ишлаб чиқариш омилларининг барча мезонлари шартларига мувоифқ келса, у ҳолда чиқиш, яъни ишлаб чиқариш омиллари гурухига қўшилади. Акс ҳолда, шартга тўғри келмаган тегишли блокдан сўнг ортга – “дастлабки ҳолатга” қайтиши мумкин.

Ишлаб чиқариш омили келтириши мумкин бўлган омилдан олинадиган даромад микдорини аниқлаш муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодий адабиётда ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик фаолияти тегишли равищда рента, фоиз, иш ҳақи, фойда кўринишидаги омил бўйича даромад келтириши асосланган ва жуда кенг тарқалган. Бироқ, қўшимча омиллар – технология, фан, ахборот, энергия, экология ва инфратузилма омиллари бўйича даромадлар қандай кўринишида бўлиши ва уларнинг ҳажми қандай тартибда аниқланиши бўйича маълумотлар етарли эмас.

Умуман олганда, назарий асосда ҳар бир қўшимча омил бўйича даромадни “лойиҳа иштирокида - лойиҳасиз” усули (“With – without” тамойили) ёрдамида аниқлаш мумкин.

“DCF-баҳолашнинг “With – without” тамойили қуйидагича ифодаланади: вақтнинг ҳар қандай интервалидаги лойиҳанинг пул оқими корхонанинг лойиҳани қўллаган ҳолдаги пул оқимидан корхонанинг лойиҳасиз пул оқими айирмасига teng”<sup>24</sup>.

“Инвестиция лойиҳасининг даромадлилигини таҳлил қилган ҳолда, келгусидаги иккита муқобил ҳолатни таққослаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: а) фирма ўз лойиҳасини амалга оширди; б) фирма ўз лойиҳасини амалга оширмади.

---

<sup>24</sup> Принцип "С проектом - без проекта" ("With - without"). - [https://studme.org/1780051013377/finansy/printspis\\_s\\_proektom\\_bez\\_proekta\\_with\\_without](https://studme.org/1780051013377/finansy/printspis_s_proektom_bez_proekta_with_without)

Мазкур усул қўпинча “лойиҳа иштироқида - лойиҳасиз” деб аталади. Модификациялашган қўринишда ушбу усулни қўйидаги формула шаклида намоён этиш мумкин:

$$\Delta_{\text{инв}} = \Delta D_L - \Delta X_L, \quad (1.1)$$

бу ерда:

$\Delta_{\text{инв}}$  – инвестицион лойиҳадан олинадиган наф (даромад);

$\Delta D_L$  – лойиҳа таъсирида наф/даромаддаги ўзгаришлар;

$\Delta X_L$  – лойиҳа таъсирида харажатлардаги ўзгаришлар<sup>25</sup>.

Мисол учун, муайян корхонада ишлаб чиқариш ахборот қўшимча омилисиз амалга ошириб келинган. Бошқа шароитлар ўзгармагани ҳолда, N миқдордаги харажат эвазига қўшимча ахборотдан фойдаланилиб, бунинг натижасида корхона даромади  $\Delta D$  миқдорига ошди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ахборот омили бўйича даромадни қўйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\Delta_{\text{ахб.}} = \Delta D_A - \Delta X_A, \quad (1.2)$$

бу ерда:

$\Delta_{\text{ахб.}}$  – ишлаб чиқариш жараёнида ахборот омилидан фойдаланиш орқали олинадиган наф (даромад);

$\Delta D_A$  – ахборот омили таъсирида наф/даромаддаги ўзгаришлар;

$\Delta X_A$  – ахборот омилидан фойдаланиш натижасида харажатлардаги ўзгаришлар.

Бироқ, ишлаб чиқариш омилларига оид даромадлар жиҳатидан ёндашилганда 1.1 ва 1.2-формулалар бироз бошқча қўриниш олади. Чунки, юқоридаги формулаларда агар харажатлардаги ўзгаришлар нисбатан катта қийматга эга бўлса, у ҳолда омилга оид даромад манфий ишора билан чиқиши мумкин. Бу эса, ишлаб чиқариш омилларининг ўз тавсифидан келиб чиқсан ҳолда муайян турдаги даромад яратиши борасидаги тамойил мазмунан асосга эга бўлмай қолади. Яъни, бу ўринда умуман даромад яратиш нуқтаи назаридан

---

<sup>25</sup> «С проектом - без проекта». - <https://economics.studio/ekonomicheskie-voprosy-i-obschiie/proektom-bez-proekta-81419.html>

ёндашиш тўғри бўлади. Бу эса, мазкур формулани қуйидаги кўринишида тасвиrlашнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади:

$$\Delta_{ахб.} = \Delta_{АФ} - \Delta_A > 0, \quad (1.3)$$

бу ерда:

$\Delta_{ахб.}$  - ишлаб чиқариш жараёнида ахборот омилидан фойдаланиш орқали олинадиган даромад;

$\Delta_{АФ}$  – ахборот омилидан фойдаланган ҳолдаги ишлаб чиқариш жараёнида олинган даромад ҳажми;

$\Delta_A$  – ахборот омилидан фойдаланмаган ҳолдаги ишлаб чиқариш жараёнида олинган даромад ҳажми.

Юқоридаги 1.3-формуладан кўринадики, бу ўринда ишлаб чиқариш жараёнида ахборот омилидан фойдаланган ҳамда фойдаланмаган ҳоллардаги олинган даромад ҳажми 0 дан катта қийматга эга. Бу эса, ҳар қандай омилнинг маълум даражада ижобий даромад келтириши муайянлигини англатади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ахборот омилидан фойдаланиш орқали олинадиган даромадни намоён этувчи 1.3-формулани барча турдаги омиллар учун умумий ҳолда ҳам ифодалаш мумкин:

$$\Delta_N = \Delta_{ФN} - \Delta_{A_N} > 0, \quad (1.4)$$

бу ерда:

$\Delta_N$  - ишлаб чиқариш жараёнида муайян турдаги омилдан фойдаланиш орқали олинадиган даромад;

$\Delta_{ФN}$  – ишлаб чиқариш жараёнида муайян турдаги омилдан фойдаланган ҳолда олинган даромад ҳажми;

$\Delta_{A_N}$  – ишлаб чиқариш жараёнида муайян турдаги омилдан фойдаланмаган ҳолдаги олинган даромад ҳажми.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, агар муайян ресурс ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқариш омили мақомига эга бўлса, унинг иштирокисиз ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиб бўлмайди. Шунга кўра, мазкур формула орқали ҳам илмий адабиётларда тобора кенгайиб бораётган иқтисодий ресурс турларини ишлаб чиқариш омиллари таркибига киритишнинг нечоғлиқ асосли эканини ҳам аниқлаш мумкин.

## **1.2-§. Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ва унинг иқтисодий натижаларга таъсири**

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисида фикр юритар эканмиз, шу ўринда олдинги парагарафдаги ишлаб чиқариш омиллари таркибиغا бўлган ёндашувларга қўшимча равишда қуйидаги туркумлашни ҳам келтириш мумкин. “Ишлаб чиқариш омиллари – товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи иқтисодий ресурслар.

Ишлаб чиқаришнинг бешта омили ажратиб кўрсатилади: меҳнат, ер, капитал, тадбиркорлик, ахборот.

Ишлаб чиқариш омили сифатида меҳнат – инсоннинг ишлаб чиқариш жараёнида тақозо этилувчи ақлий ёки жисмоний қобилияtlари.

Ишлаб чиқариш омили сифатида ер – иқтисодий неъматларни ишлаб чиқариш учун фойдаланилувчи барча турдаги табиий ресурслар. Масалан, ер участкалари, ўрмонлар, қишлоқ хўжалиги ерлари, фойдали қазилмалар.

Ишлаб чиқариш омили сифатида капитал – инсон томонидан яратилган ишлаб чиқариш ресурслари: асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш бинолари, транспорт воситалари, хом-ашё.

Ишлаб чиқариш омили сифатида тадбиркорлик (тадбиркорлик қобилияtlари) – ишлаб чиқариш омилларидан оптимал фойдаланиш ҳамда максимал даромад олиш имконини берувчи билим ва кўникмалардан иборат.

Ишлаб чиқариш омили сифатида ахборот – муваффақиятли иқтисодий фаолият юритишга имкон яратувчи маълумот, билим.

Ахборотнинг бошқа ишлаб чиқариш омилларидан фарқлаб турувчи ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- фойдаланиш ресурси чекланмаган. Масалан, асбоб-ускуна йиғишда қўлланилувчи чизмадан чексиз равишида такрор фойдаланиш мумкин, бошқа сарфланувчи материаллар захирасини эса мунтазаи равишида тўлдириб туриш зарур бўлади;

- ҳозирги даврда ахборот интернет ва алоқанинг бошқа воситалари туфайли тез узатилади;

- ахборотни осон кўпайтириш мумкин, масалан, бир лаҳзанинг ўзида минглаб ишчиларга янги кўрсатмани жўнатиш мумкин.

Товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун бир неча ишлаб чиқариш омиллари тақозо этилади, чунки уларнинг барчаси бир-бирини тўлдиради ва ўзаро бир-бири билан таъсирида бўлади. Масалан, телефон ёки компьютерни ишлаб чиқариш учун капитал (асбоб-ускуналар ва сарфловчи материаллар), меҳнат (инженерлар, ишчилар ва бошқалар), компания эгасининг тадбиркорлик кўникмалари ва ахборот (мазкур техникини ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган билимлар мажмуи) керак бўлади.

Муайян ишлаб чиқариш омиллари бошқа бирларини алмаштириши мумкин. Масалан, табиий материалларни сунъийсига, ишчиларнинг меҳнатини машина ускуналарига алмаштириш мумкин.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги битта корхонанинг ҳам, давлат иқтисодиётининг ҳам амал қилиши учун зарур шарти ҳисобланади. Уларнинг турли комбинациялари ишлаб чиқаришни баланслаштириш, сарф-харажатларни минималлаштириш ва фойдани ошириш имконини беради”.<sup>26</sup>

Олдинги ўринда ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро бир-бирини тўлдириши хусусияти тўғрисида тўхталиб ўтилди. Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш омиллари нафақат бир-бирини тўлдиради, балки бир-бирининг ўрнини ҳам босади ёки ўзаро бир-бирини алмаштиради. Яъни, муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш омиллари турли нисбатларда иштирок этиши мумкин. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик тушунчаси юзага келади.

Мутаносиблик – бу муайян буюм, маҳсулот ёки жараённинг таркибий қисмлари ўртасидаги миқдорий нисбат бўлиб, мазкур нисбатнинг меъёрида

---

<sup>26</sup> Взаимоотношение и комбинации факторов производства / Казанцева Л. Основные факторы производства. - <https://skysmart.ru/articles/obshhestvoznanie/faktory-proizvodstva>

шаклланиши буюм, маҳсулот ёки жараённинг тўлақонли мазмунини таъминлайди. Мутаносибликнинг муҳим кўринишларидан бири – бу иқтисодиёт соҳасида мавжуд бўлган, яъни иқтисодий мутаносибликлардир.

Иқтисодий мутаносибликларга ҳам турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Ш.Шодмонов ва У.Фафуров “Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида микдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишидир. Бунда тенглик бўлиши шарт эмас. Улар мос келувчи нисбатларда (масалан, 2:3, 5:3, 3:1) бўлиши мумкин”<sup>27</sup> деб таъкидлайдилар. Шунингдек, улар иқтисодий мутаносибликтин туркумлашнинг турли адабиётларда келтирилган барча кўринишларини умумлаштириб, уларнинг қўйидаги гурухлари таркибиغا киритиш мумкинлигини белгилаб берганлар:

- 1) умумиқтисодий тавсифдаги мутаносибликлар;
- 2) тармоқлараро мутаносибликлар;
- 3) тармоқ ичидаги мутаносибликлар;
- 4) ҳудудий (территориал) мутаносибликлар;
- 5) давлатлараро мутаносибликлар<sup>28</sup>.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқоридаги туркумлаш мазкур диссертация тадқиқот предмети нуқтаи назаридан етарли эмаслиги намоён бўлмоқда. Чунки, ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик, бу ўз мазмунига кўра микродаражадаги ёки корхона миқёсидаги мутаносибликтин намоён этади. Яъни, фикримизча юқоридаги иқтисодий мутаносибликлар таркибиға корхона (ёки унинг ишлаб чиқариш жараёни) миқёсидаги мутаносибликларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликтининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қўйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

<sup>27</sup> Шодмонов Ш., Faafurov U. Иқтисодиёт назарияси: олий ўқув юртлари талabalari учун дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2010, 385-б.

<sup>28</sup> Шодмонов Ш., Faafurov U. Иқтисодиёт назарияси: олий ўқув юртлари талabalari учун дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2010, 386-387-б.

- мазкур омилларнинг умумий номлари негизида муайян ишлаб чиқариш жараёнига мувофиқлик ва мансублик тавсифининг амал қилиши (масалан, нон ишлаб чиқариш жараёнида: ишчи кучи – новвойлик билим ва қўникмасига эгалик; капитал – хамир қориш ускуналари, нон ёпиш печлари ва ҳ.к.; хомашё ва материаллар – ун, ёғ, сув ва ҳ.к.; бино қурилиши жараёнида: ишчи кучи – курувчилик билим ва қўникмасига эгалик; капитал – қурилиш иш қуроллари, юқ кўтариш кранлари, бетон қориш ускуналари ва ҳ.к.; хомашё ва материаллар – қум, цемент, ғишт ва ҳ.к.);

- ишлаб чиқариш омиллари таркибидаги ўрин босувчи буюм ва маҳсулотлар турларининг нисбатан кенглиги (масалан, бир-бирининг ўрнини босувчи хомашё ва материаллар, асбоб-ускуналар турларининг мавжудлиги ва бошқалар.

Замонавий иқтисодиётда хўжалик фаолиятини юритиш корхона шаклида амалга оширилади. Корхона – бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун ташкил этилган мустақил хўжалик юритувчи субъект<sup>29</sup>.

Корхона ўз фаолиятини, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишни амалга ошириши учун тегишли ишлаб чиқариш омилларига, яъни мазкур жараёнларда иштирок этувчи иқтисодий ресурсларга эга бўлиши лозим. Булар қаторига, олдинги ўринларда кўриб чиқилганидек, асосан ер, капитал, меҳнат ва тадбиркорлик қобилияти киритилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фан-техника тараққиётининг тобора ривожланиб бориши билан билим, ахборот, технология кабиларни ишлаб чиқаришнинг мустақил омиллари сифатида ажратиб кўрсатиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Корхона фаолиятининг самарадорлиги ишлаб чиқариш омиллари билан тўла ва етарли даражада таъминланганликка боғлик.


Тўла таъминланганлик – бу сифат кўрсаткичи бўлиб, ишлаб чиқаришнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда

---

<sup>29</sup> Предприятие (company). - [https://economic-definition.com/Business/Predpriyatie\\_Company\\_\\_eto.html](https://economic-definition.com/Business/Predpriyatie_Company__eto.html)

белгиланувчи омилларнинг турлари бўйича тўлиқ қамраб олинишини англатади.

Етарли даражада таъминланганлик эса устун равища миқдор кўрсаткичини ифодалаб, ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши ҳамда кўзда тутилган натижага эришиши учун ҳар бир омилнинг миқдор жихатдан мослигини англатади. Ҳар иккала жихат шартлари қондирилганда ишлаб чиқариш жараёни ўзининг юқори самарадорлигига эришади (1.3-расм).



**1.3-расм. Корхона фаолияти самарадорлигининг ишлаб чиқариш омиллари билан тўла ва етарли даражада таъминланганлигига боғлиқлиги<sup>30</sup>.**

Корхона фаолияти самарадорлигининг яна бир муҳим шарти – ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳисобланади. Шунга кўра, А.А.Григорьев, Л.И.Шкалаберда ишлаб чиқаришга “бу мақсадга мувофиқ фаолият жараёни бўлиб, унда доимо ишлаб чиқариш омиллари ўртасида маълум мутаносиблик амал қиласди”<sup>31</sup>, деган таъриф бериб, мутаносибликни ишлаб чиқаришнинг муҳим шарти сифатида кўрсатадилар.

Бундан кўринадики, ишлаб чиқаришни ташкил этишда унинг омиллари ўртасидаги мутаносибликка алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мазкур

<sup>30</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>31</sup> Григорьев А.А., Шкалаберда Л.И. Теория производства и реалии рыночной экономики. - <https://www.rea.ru/tu/org/managements.pdf>

масалада А.Е.Иваньков “Ишлаб чиқаришни ташкил этиш барча ишлаб чиқариш омилларининг уйғунлашган ҳолда амал қилишини, уларнинг мутаносиб нисбатини, ўзаро бир-бирини алмаштиришини ва х.к.ни таъминлайди”<sup>32</sup>, деб таъкидлайди. Ушбу ўринда муаллиф ишлаб чиқаришнинг шунчаки, стихияли эмас, балки самарали ва оқилона тарзда ташкил этилиши жараёнини назарда тутади. Яъни, ҳар қандай ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам уларнинг омиллари ўртасидаги ўзаро мутаносиб нисбатни табиий ёки автоматик тарзда таъминлай олмайди.

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги нисбат жуда хилма-хил варианларда таркиб топиши мумкин. Бу ҳар бир ишлаб чиқаришнинг алоҳида хусусиятларидан келиб чиқади. Мазкур нисбатни илмий манбаларда ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодаланади.

Ишлаб чиқариш функцияси (Production function) – бу ишлаб чиқариш омиллари тўплами билан мазкур омиллар тўплами ёрдамида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотнинг энг юқори ҳажми ўртасидаги боғлиқлик. Ишлаб чиқариш функцияси доимо аниқ бўлиб, муайян технологияга мўлжалланган бўлади. Агар янги технология қўлланилса, демак, янги ишлаб чиқариш функцияси пайдо бўлади.

Ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида маҳсулотнинг муайян ҳажмини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган харажатларнинг энг оз миқдори аниқланади. Ишлаб чиқариш функциялари, улар орқали ишлаб чиқаришнинг қандай тури намоён бўлишидан қатъий назар, қуидаги умумий хусусиятларга эга бўлади:

- 1) ишлаб чиқариш ҳажмини фақат бир турдаги ресурс сарфини ошириш ҳисобига кўпайтириш имконияти чекланган (масалан, битта бинога чексиз сондаги ишчиларни жойлаб бўлмайди, чунки ҳаммага ҳам жой етишмаслиги мумкин);

---

<sup>32</sup> Иваньков А.Е. Экономическая теория. 2008. - <http://www.tamognia.ru/faq/detail.php?ID=1600348>

2) ишлаб чиқариш омиллари ўзаро бир-бирини тўлдирувчи (масалан, ишчилар ва асбоб-ускуналар) ҳамда ўзаро бир-бирини ўрнини босувчи (масалан, ишчилар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш) бўлиши мумкин.

Нисбатан умумий ҳолда ишлаб чиқариш функциясини қуидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$Q = f(K, L, M, T, N), \quad (1.5)$$

бу ерда: Q – ишлаб чиқариш ҳажми; K – капитал; L – ишчи кучи; M – хом ашё, материаллар; T – технология; N – тадбиркорлик қобилияти.<sup>33</sup>

Фикримизча, мазкур ишлаб чиқариш функциясидаги эркин ўзгарувчилар – ишлаб чиқариш омиллари расман тенг куч ёки аҳамиятдаги кўрсаткичлар ҳисоблансада, бироқ амалда, иқтисодий жараёнлар давомида улар ўртасидаги таъсир кучи ўз даражасига кўра фарқланади. Шартли равишда мазкур омилларни “мутаносибликни белгилаб берувчи” ҳамда “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” тоифаларига ажратиш мумкин. Масалан, йирик автоматик линиялар билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришида кўпинча капитал (K) “мутаносибликни белгилаб берувчи” омил ҳисобланса, ишчи кучи (L) ва хом ашё, материаллар (M) “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омиллар ҳисобланади.

Шу ўринда кичик бизнес корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини қуидаги жадвал орқали кўриш мумкин (1.7-жадвал).

### **1.7-жадвал**

#### **Кичик бизнес корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари<sup>34</sup>**

<i>Хусусиятлар</i>	<i>Ишчи кучи (L)</i>	<i>Капитал (K)</i>	<i>Хом ашё, материаллар (M)</i>
Кичик бизнес корхоналарининг микдорий чегараларини белгилашда асосан ишловчиларнинг ўртача сони мезонидан фойдаланиш	<b>МББО</b>	<b>МТБО</b>	<b>МТБО</b>

<sup>33</sup> Производственная функция. - [https://www.economicportal.ru/ponyatiya-all/production\\_function.html](https://www.economicportal.ru/ponyatiya-all/production_function.html)

<sup>34</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Кичик қувватли, ихчам ва автоном ҳолда ишловчи қурилма ва жиҳозлардан устун равища фойдаланиш	<b>МББО</b>	<b>МТБО</b>	<b>МТБО</b>
Кичик бизнес корхоналарининг молиявий имкониятлари чекланганлиги	<b>МББО</b>	<b>МББО</b>	<b>МТБО</b>

Жадвал маълумотларидан қўринадики, кичик бизнес корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни шаклланишининг учта ўзига хос хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) кичик бизнес корхоналарининг миқдорий чегараларини белгилашда асосан ишловчиларнинг ўртacha сони мезонидан фойдалангандик сабабли “мутаносибликни белгилаб берувчи” омил сифатида ишчи кучи (L)нинг майдонга чиқиши;
- 2) кичик бизнес корхоналарида кичик қувватли, ихчам ва автоном ҳолда ишловчи қурилма ва жиҳозлардан устун равища фойдаланишининг капитал (K)ни “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омилга айлантириши;
- 3) кичик бизнес корхоналарининг молиявий имкониятлари чекланганлиги моддий захирани шакллантириш чегараларини қисқартириб, натижада хом ашё, материаллар (M)нинг ишчи кучи (L) ва капитал (K)га нисбатан “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омил сифатида намоён бўлиши ва х.к.

Эркин бозор шароитида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик автоматик равища таъминланади. Чунки, мутаносибликнинг негизини ташкил этувчи ишлаб чиқариш функцияси элементлари бозор механизми, яъни талаб ва таклиф, рақобат ҳамда эркин нарх тизими таъсирида шаклланади. Тадбиркор ўз бизнесидаги ишлаб чиқариш омилларининг энг юқори фойда даражасини таъминлайдиган таркиби ва нисбатини ушлаб туришга ҳаракат қиласи.

Бирок, бир томондан, эркин бозор тамойиллари ҳар доим ҳам тўлиқ ишламаслиги мумкин. Иккинчи томондан эса, кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташкил этишда эркин бозор тамойиллари таъсир доирасини қисқартирувчи турли омиллар юзага келиши мумкин.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ишлаб чиқаришни ташкил этишда кичик бизнес корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳамда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш пировардида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга имкон яратади.

### **1.3-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносиблик ҳамда иқтисодий самарадорлик даражасини баҳолашнинг услубий масалалари**

Кичик бизнес корхоналарининг муваффақиятли ривожланиши унинг фаолиятида умумиқтисодий қонуниятларга риоя этилишига боғлиқ. Одатда йирик компания ва ташкилотларда хўжалик фаолияти пухта ишлаб чиқилган ва тегишли равишда муҳокамадан ўтказилган бошқарув қарорлари ва режалар асосида амалга оширилади. Кичик бизнес субъектлари, айниқса, хусусий эгалиқдаги корхоналар (масалан, якка тартибдаги тадбиркор, оилавий тадбиркор, оилавий корхона ва ҳ.к.)да эса мазкур жараёнларга эътибор нисбатан пастлиги туфайли хўжалик юритишда конъюнктуравий ўзгаришлар, кутилмаган ҳолатлар ва вақтинчалик омилларнинг таъсири сезиларли бўлади.

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш кичик бизнес корхоналари фаолиятининг самарали бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодий мутаносиблик – бу иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг турли таркибий қисмлари, томонлари ўртасидаги маълум нисбатлар орқали намоён бўлувчи ўзаро мувофиқлик бўлиб, у умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Илмий манбаларда мутаносиблик тушунчасига хилма хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, “алоҳида қисмлар, тизимчалар ва элементларнинг маълум нисбати”<sup>35</sup>; “ижтимоий эҳтиёжлар таркибий тузилмасига мувофиқ келувчи иқтисодиётнинг ички

---

<sup>35</sup> Энциклопедический словарь терминов по менеджменту маркетингу экономике предпринимательству. Зубарев Ю.А., Шамардин А.И. - <https://vocable.ru/slovari/enciklopedicheskii-slovar-terminov-po-menedzhmentu-marketingu-ekonomike-predprinimatelstvu.html>

мувозанатланганлиги”<sup>36</sup>; “нисбатларга амал қилиш; корхоналар, тармоқлар, соҳалар, минтақалар ва яхлит мамлакат иқтисодиётининг ўзаро мувофиқлашган ҳолдаги ривожланиши”<sup>37</sup>; “иқтисодиётдаги нисбатларга, рационал таркибий мувофиқликларга амал қилиниши”<sup>38</sup> кабилар шулар жумласидандир.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини икки жиҳатдан, яъни яхлит кичик бизнес соҳаси ҳамда алоҳида корхона жиҳатдан баҳолаш мумкин.

Соҳа бўйича баҳолашнинг услубий масалалари тўғрисида сўз борганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичик бизнеснинг ўзи илмий-анъанавий тушунчадаги тармоқ ёки соҳа ҳисобланмайди. Яъни, “иқтисодиёт тармоғи – бу мамлакат иқтисодиётидаги бир турдаги технологиялар бўйича бир турдаги (яқин хусусиятга эга бўлган) ёки ўзига хос товар, молиявий ёки бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи корхоналар ва ташкилотлар (жумладан, муайян географик ҳудуддаги) йифиндисидир”<sup>39</sup>. Ёки “Иқтисодиёт тармоғи – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, технология ва қондирилаётган эҳтиёжларнинг умумийлигига эга бўлган корхона ва ишлаб чиқаришларнинг йифиндисидир”<sup>40</sup>.

Соҳа – хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг турли ташкилий бирлашмалари, тармоқлар иқтисодий фаолиятининг умумий жиҳатларини ўзаро уйғунлашган ҳолда намоён этувчи, иқтисодиётнинг нисбатан йирик узвий қисми. Соҳа турли даражадаги иқтисодий субъектлар фаолиятининг муайян белги ва жиҳатларини умумлашган ҳолда намоён этувчи мажмуи.

---

<sup>36</sup> Экономический словарь. Учебное пособие. М. МИИТ 2011. Войтов А.Г. - <https://vocable.ru/slovarti/ekonomicheskii-slovar-uchebnoe-posobie-m-miit-2011.html>

<sup>37</sup> Современная экономическая наука в понятиях и терминах 1997 г. Василевский А.И. - <https://vocable.ru/slovarti/sovremennoja-ekonomiceskaja-nauka-v-ponjatijah-i-terminah-1997-g.html>

<sup>38</sup> Современный экономический словарь. 2-е изд. - <https://vocable.ru/slovarti/sovremennyj-ekonomicheskii-slovar-2-e-izd-.html>

<sup>39</sup> Отрасль экономики. - <https://ru.wikipedia.org/>

<sup>40</sup> Отрасль экономики. / Экономика и право: словарь-справочник. - М.: Вуз и школа. Л.П.Кураков, В.Л.Кураков, А.Л.Кураков. 2004. - [https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic\\_economic\\_law/](https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/)

Масалан, “ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни яратишдаги иштирокига кўра ижтимоий ишлаб чиқариш икки йирик – моддий ишлаб чиқариш ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига бўлинади.

Моддий ишлаб чиқариш соҳасига саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, юк транспорти, алоқа (хизмат кўрсатувчи моддий ишлаб чиқариш), қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, ахборот-ҳисоблаш хизмати, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа фаолият турлари киради.

Ноишлаб чиқариш соҳасига уй-жой коммунал хўжалиги, йўловчи транспорти, алоқа (ноишлаб чиқариш соҳаси ва аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар), соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот, ҳалқ таълими, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш, кредитлаш ва суғурталаш, бошқарув идоралари фаолияти киради”<sup>41</sup>.

Адабиётларда иқтисодиётни турли соҳаларга ажратиш нисбатан эркин ва шартли тавсиф қасб этади. Яъни, тармоқ ёки бошқа иқтисодий бирликларни қандайдир бир хил бўлган белги ва жиҳатларига кўра ажратилган ҳолда ўрганиш амалиёти мавжуд. Масалан, адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳаси, ижтимоий соҳа, инфратузилма соҳаси каби тушунчалар кенг қўлланилади. Шу нуқтаи назардан, кичик бизнес субъектларини ҳам уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларга асосланган чегаралари орқали белгиланувчи муайян соҳа сифатида қабул қилиш мумкин.

Кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини баҳолаш мамлакат ёки унинг худудлари кесимида кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини ўрганиш ҳамда бу борада мавжуд камчиликларни аниқлашга қаратилади.

Мазкур баҳолашда қуйидаги муаммоли жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

---

<sup>41</sup> Сфера экономики. - <http://center-yf.ru/data/economy/sfery-ekonomiki.php>

- айрим ишлаб чиқариш омиллари тўғрисидаги расмий статистик маълумотларнинг етишмаслиги;
- мавжуд статистик манбалардаги кўрсаткичларнинг ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши бўйича аниқ ифодаланмаганлиги;
- айрим ишлаб чиқариш омиллари, масалан, тадбиркорлик қобилиятини намоён этувчи кўрсаткичларнинг маълумотлар манбасига киритилмаганлиги;
- тадбиркорлик қобилиятини аниқ кўрсаткичлар орқали ифодалашнинг мушкуллиги ва ҳ.к.

Юқорида кўрсатилган жиҳатларнинг таъсирини камайтириш учун ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини баҳолашни муайян корхона миқёсида амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Бироқ, мазкур ҳолатда ҳам қўйидаги муаммоларнинг юзага чиқиши эҳтимоли юқори ҳисобланади:


- корхона ҳисоб ва ҳисботларида ишлаб чиқариш омилларининг аниқ турлари бўйича туркумланмаганлиги;
- корхона ҳисботларида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни яққолроқ ифода этувчи натурал кўрсаткичларнинг мавжуд бўлмаслиги;
- корхона миқёсида ҳам айрим, масалан, тадбиркорлик қобилиятига оид кўрсаткичларнинг ажратиб кўрсатилмаслиги ва ҳ.к.

Ушбу ҳолатлар кичик бизнес корхоналари ва соҳасида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини баҳолашнинг муайян услубий ёндашувини ишлаб чиқиши тақозо этади. Бу борада кўйидагиларни тавсия этилади:

- корхонанинг даврий ҳисботлари (масалан, бухгалтерия баланси)да ишлаб чиқариш омилларининг муайян турларига мувофиқ келувчи активлар, ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятларни белгилаб олиш;
- корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган турли хўжалик активлари ва пассивлари ўртасидаги оптималь нисбатларни белгилаб олиш;

- ушбу активлар, ўз маблағлари манбалари ва мажбуриятлари қиймат күрсаткичларига таянган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликка баҳо бериш ва янада такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш.

Кичик бизнес соҳаси бўйича ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни баҳолашда тармоқ ва худуд жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бунда асосан кичик тадбиркорлик фаолиятига оид расмий статистика маълумотларидан фойдаланилади. Қуйида кичик бизнес соҳаси бўйича ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни баҳолашнинг муаллифлик ёндашувига асосланган услубини тавсия этамиз (1.4-расм).



**1.4-расм. Кичик бизнес соҳаси бўйича ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни баҳолаш услуби<sup>42</sup>.**

<sup>42</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Агар бозор иқтисодиёти қонунлари түлиқ ишласа ва хўжалик юритувчи субъектлар ўз молиявий натижаларини масималлаштириш йўлидан борсалар, у ҳолда кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик автоматик равишда таъминланади. Яъни, ҳеч бир тадбиркор ўз хўжалигига фойдаланилмай турадиган ҳамда меъёрий фойда ҳажмини пасайтирадиган омилни сақлашни истамайди.

Бироқ, бир томондан, соф бозор иқтисодиёти ҳамда амалдаги хўжалик юритиши шароитлари деярли бир-бирига яқин келмайди. Бошқа томондан, бозор шароитида ҳам ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатига эришиш учун маълум миқдордаги вақт ва бошқа харажатлар ҳам тақозо этилади.

Демак, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни баҳолашда бир неча қийинчиликларни кўрсатиш мумкин:

- 1) корхоналарнинг амалдаги фаолиятида ишлаб чиқариш омиллари бўйича маълумотларнинг аниқ акс эттирилмаслиги;
- 2) амалдаги статистик тўпламларда ишлаб чиқариш омилларининг натуранл кўрсаткичлари бўйича маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;
- 3) корхонанинг асосий ва молиявий фаолияти тўғрисидаги хисоботларда ишлаб чиқариш омиллари бўйича тўлиқ ва изчил маълумотларнинг мавжуд эмаслиги.

1.4-расмдан кўринадики, баҳолашни икки даражада амалга ошириш мумкин:

- 1) биринчи – корхоналар даражасида;
- 2) иккинчи – кичик бизнес соҳаси даражасида.

Энг аввало, кичик бизнес корхоналари бўйича статистик тўпламдаги кўрсаткичларни ишлаб чиқариш омилларини ифодалаш даражасини ўрганиб чиқиш лозим.

Барча корхоналар бўйича умумлашган манзарани берувчи маълумотларни олиб бўлмаслиги сабабли, статистик тўпламдан фойдаланган

холда, кичик бизнес корхоналарининг ўртача маълумотларидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бунда қуидаги маълумотлардан фойдаланиш мумкин:

1. Фаолият кўрсатаётган корхоналар сони.
2. Рўйхатдаги ходимларнинг йиллик ўртача сони.
3. Битта корхонага тўғри келувчи рўйхатдаги ходимларнинг йиллик ўртача сони.

Мазкур кўрсаткичнинг бу қадар пастлиги қатор мулоҳазаларни келтириб чиқаради:

- маълумки, кичик бизнес корхоналарининг чегараси 1 кишидан тортиб то 200 кишигача боради. Бу ўринда корхонадаги ходилар сонининг жуда пастлиги корхоналардаги расмий бандлар сонини кўпайтирмаслик ва очик эълон қилмасликка интилишнинг натижаси ҳисобланади;

- назарий жиҳатдан бу кўрсаткичнинг қуи ва юқори чегарасини белгилаш мумкин. Назарий жиҳатдан олиб қаралса, бу кўрсаткич 1 дан 15 =(5+25)/2 нафаргача бўлиши мумкин;

- ишловчилар сони – бу ишлаб чиқариш омилларининг муҳим кўрсаткичи. Демак, у билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш соҳа ривожланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

4. Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотищдан тушган соф тушум.

5. Битта корхонага тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотищдан тушган соф тушум.

6. Битта ходимга тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотищдан тушган соф тушум.

7. Ҳудудлар бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микро фирмалар сони.

8. Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микро фирмалар сони.

9. Ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микро фирмаларнинг рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони.

10. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони.

11. Ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми.

12. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми.

13. Ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси.

14. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси.

15. Ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари.

16. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари.

Лекин ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш омилларининг жисмоний қўринишдаги сони бўйича маълумотга эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун қиймат қўринишида ҳам мутаносибликни баҳолаш зарурати туғилади. Шунга кўра, фикримизча, энг мақбул йўли – корхонанинг асосий фаолияти бўйича баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидан келиб чиқсан ҳолда баҳолаш ҳисобланади.

Шуниси эътиборлики, хорижий мамлакатларда ҳам кичик бизнес корхоналарида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони у қадар юқори эмас. Ушбу ҳолатни таҳлил қилиш учун Евроосиё иқтисодий ҳамкорлигига аъзо мамлакатларнинг маълумотларини кўриб чиқамиз (1.8-жадвал).

## 1.8-жадвал

### Кичик корхоналар сони (микрокорхоналарни қўшган ҳолда), бирлик<sup>43</sup>

Мамлакатлар	2005	2010	2015	2020
<b>Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги</b>	<b>1 070 695</b>	<b>1 830 262</b>	<b>2 549 523</b>	<b>3 051 688<sup>3)</sup></b>
Шу жумладан:				
Арманистон <sup>1)</sup>	м/й	23 999	33 193	35 947
Беларусь	33 094	84 164	105 047	109 186
Қозоғистон <sup>2)</sup>	50 612	66 492	175 679	280 200
Қирғизистон	7 689	11 338	13 232	16 302
Россия	979 300	1 644 269	2 222 372	2 659 943 <sup>3)</sup>

<sup>1)</sup> АР МСХ 2015 йилдан бошлаб саноат статистикасини барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларни қўшган ҳолда юритмоқда.

<sup>2)</sup> 2015 йилдан бошлаб – фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони.

<sup>3)</sup> 2018 йил маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиядан иборат ЕОИҲда кичик ва микрокорхоналар сони 2020 йилда 2005 йилга нисбатан деярли 3 марта кўпайган. Бу кўрсаткич, айниқса, Қозоғистонда (5,5 марта) ва Беларусда (3,3 марта) юқори бўлган. Россияда 2,7 марта, Қирғизистонда 2,1 марта, Арманистонда (2010 йилга нисбатан) 1,5 марта ўсган.

Ушбу мамлакатлардаги кичик корхоналарнинг ўртача рўйхатдаги ходимлари сонини кўриб чиқамиз (1.9-жадвал).

## 1.9-жадвал

### Кичик корхоналарнинг ўртача рўйхатдаги ходимлари сони (микрокорхоналарни қўшган ҳолда), минг киши<sup>44</sup>

Мамлакатлар	2005	2010	2015	2020
<b>Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги</b>	<b>9 023,0</b>	<b>11 369,0</b>	<b>12 502,4</b>	<b>13 788,6<sup>4)</sup></b>
Шу жумладан:				
Арманистон <sup>1)</sup>	м/й	87,1	124,8	117,1
Беларусь	404,6	695,3	762,8	785,9
Қозоғистон <sup>2)</sup>	533,8	746,2	1 185,2	1 462,4
Қирғизистон	39,4	50,2	52,0	69,0
Россия <sup>3)</sup>	8 045,2	9 790,2	10 377,6	11 340,5 <sup>4)</sup>

<sup>1)</sup> Ташкилот ходимларининг ўртача йиллик сони.

<sup>43</sup> Кўйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилган: [http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr\\_i\\_makroec/dep\\_stat/econstat/Pages/business.aspx](http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr_i_makroec/dep_stat/econstat/Pages/business.aspx)

<sup>44</sup> Кўйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилган: [http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr\\_i\\_makroec/dep\\_stat/econstat/Pages/business.aspx](http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr_i_makroec/dep_stat/econstat/Pages/business.aspx)

<sup>2)</sup>Ходимларнинг ўртача йиллик рўйхатдаги сони.

<sup>3)</sup> 2011-2014 йй., 2016 й. ва кейинги йиллар - ходимларининг ўртача йиллик сони (танланма кузатиш маълумотлари асосида).

<sup>4)</sup>2019 йил маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2005-2020 йиллар оралиғида ЕОИҲ мамлакатларида кичик корхоналарнинг ўртача рўйхатдаги ходимлари сони (микрокорхоналарни қўшган ҳолда) ўсиши корхоналарнинг ўсиш суръатига қараганда пастроқ бўлган: умумий Евроосиё иқтисодий ҳамкорлигига 1,5 баравар, Арманистонда (2010 йилга нисбатан) - 1,3, Беларусда - 1,9, Қозогистонда - 2,7, Қирғизистонда - 1,8, Россияда 1,4 баравар. Бу эса кичик бизнес корхоналаридаги ишловчилар ўртача сонининг пасайиб бориши тенденцияси юз берадиганини англатади. Мазкур ҳолатни соҳада банд бўлганлар сонини амалдаги корхоналар сонига тақсимлаш асосида битта корхонага тўғри келувчи ишловчилар сонини аниқ рақамлар орқали ифодалаш мумкин (1.10-жадвал).

### 1.10-жадвал

#### **Битта кичик корхонага тўғри келувчи ўртача рўйхатдаги ходимлар сони (микрокорхоналарни қўшган ҳолда), киши<sup>45</sup>**

Мамлакатлар	2005	2010	2015	2020
<b>Евроосиё иқтисодий ҳамкорлиги</b>	8,4	6,2	4,9	4,5
Шу жумладан:				
Армения	м/й	3,6	3,8	3,3
Беларусь	12,2	8,3	7,3	7,2
Қозогистон	10,5	11,2	6,7	5,2
Қирғизистон	5,1	4,4	3,9	4,2
Россия	8,2	6,0	4,7	4,3

Жадвал маълумотларидан кўринадики, битта кичик корхонага тўғри келувчи ўртача рўйхатдаги ходимлар сони (микрокорхоналарни қўшган ҳолда) 2005 йилга нисбатан 2020 йилда Евроосиё иқтисодий ҳамкорлигига 1,9 марта, Арманистонда (2010 йилга нисбатан) 1,1 марта, Беларусда 1,7 марта, Қозогистонда 2,0 марта, Қирғизистонда 1,2 марта, Россияда 1,9 марта

<sup>45</sup> Куйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилган: [http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr\\_i\\_makroec/dep\\_stat/econstat/Pages/business.aspx](http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr_i_makroec/dep_stat/econstat/Pages/business.aspx)

камайган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, жаҳонда кичик бизнес корхоналарида банд бўлганлар ўртacha сони қисқариб бормоқда.

### **Биринчи боб бўйича хулоса**

Ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий мазмуни борасидаги қуйидаги асосий хулосаларни келтириш мумкин:

иқтисодий ресурслар – товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган барча воситалар, имкониятлар ва манбалар мажмуидан иборат;

иқтисодий адабиётларда иқтисодий ресурслар таркибини белгилашда турлича ёндашувлар мавжуд;

иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фарқи шундаки, уларга ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган ишчи кучи, табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан ташқари билвосита иштирок этувчи ҳамма моддий ресурслар, товар ва пул ресурслари ҳам киради;

иқтисодий ресурс сифатида намоён бўлувчи барча таркибий элемент ҳам ишлаб чиқариш омили бўлолмайди.

Кейинги пайтларда ишлаб чиқариш омиллари сифатида таъкидлаб келинаётган технология, фан, ахборот, энергия, экология, инфратузилма каби ноанъанавий турларининг мазмуни ҳамда ушбу муаммога нисбатан муаллифнинг шахсий қарашлари сифатида қуйидагиларни баён этиш мумкин:

иқтисодий фаннинг дастлабки ривожланиш босқичларида шаклланган ишлаб чиқариш омиллари таркиби фан-техника тараққиёти таъсирида сезиларли тарзда ўзгариши, дастлабки босқичда у қадар аҳамиятли бўлмаган омиллар асосий омилга айланиши, ҳаттоқи, умуман янги ишлаб чиқариш омили қўшилиши мумкин;

ишлаб чиқариш омилларининг ноанъанавий (илмий муомалага янги киритилган) турлари ҳисобланган технология, фан, ахборот, энергия, экология ва инфратузилма ишлаб чиқаришнинг нисбатан дастлабки босқичларида ҳам (маълум даражада содда кўринишда) мавжуд бўлган;

вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти, ахборот технологияларининг ривожланиши, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши каби глобал жараёнлар таъсирида ишлаб чиқариш омилларининг турлари кўпайиб бориши рўй берар экан, албатта уларни ишлаб чиқариш омили сифатида тан олиниши муҳим ҳисобланади;

ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши иқтисодий жараёнлар мазмунининг ичига кириш, унинг замирида рўй бераётган ҳодиса ва жараёнлар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқаларни тушуниш ва очиб бериш мақсадида амалга оширилиб, ишлаб чиқариш омиллари янги турларининг шунчаки, бемақсад равища кўпайтирилишига йўл қўймаслик лозим;

яхлит ишлаб чиқариш жараёнини омиллар кесимидағи таҳлили кўплаб илмий ечим ва хуносаларни шакллантириш имконини берсада, мазкур туркумлашни “сунъий” равища, ҳаддан ташқари “бўрттириб” юборилиши илмий тадқиқотга ёрдам бермай, балки ҳалақит беришни бошлаши мумкин.

Кичик бизнес корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни шаклланишининг учта ўзига хос хусусиятини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) кичик бизнес корхоналарининг миқдорий чегараларини белгилашда асосан ишловчиларнинг ўртача сони мезонидан фойдаланганлик сабабли “мутаносибликни белгилаб берувчи” омил сифатида ишчи кучи (L)нинг майдонга чиқиши;

2) кичик бизнес корхоналарида кичик қувватли, ихчам ва автоном ҳолда ишловчи қурилма ва жиҳозлардан устун равища фойдаланишнинг капитал (K)ни “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омилга айлантириши;

3) кичик бизнес корхоналарининг молиявий имкониятлари чекланганлиги моддий захирани шакллантириш чегараларини қисқартириб, натижада хом ашё, материаллар (M)нинг ишчи кучи (L) ва капитал (K)га нисбатан “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омил сифатида намоён бўлиши ва ҳ.к.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини икки жиҳатдан, яъни кичик бизнес соҳаси ҳамда корхона жиҳатдан баҳолаш мумкин.

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ  
МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА  
ТАЪСИРИ**

**2.1-§. Ўзбекистон худудлари бўйича кичик бизнес корхоналаридаги  
ишлиб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати**

Ўзбекистоннинг худудлари бўйича кичик бизнес корхоналаридаги ишилб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолаш учун мазкур соҳанинг асосий иқтиносидаги кўрсаткичлари таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўпламидан фойдаланиш мумкин.

Энг аввало, фикримизча, мамлакатимиз худудларида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони тўғрисида маълумотни қўриб чиқиш лозим. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, статистик тўпламда бу борада рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд. Бироқ, рўйхатга олинган корхоналарнинг маълум қисми турли сабабларга қўра фаолият кўрсатмаслиги мумкин. Ишилб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик масалаларини тадқиқ этишда эса кўпроқ амалда, ҳақиқатда фаолият кўрсатаётган корхоналар тўғрисидаги маълумотдан фойдаланиш тўғри ҳисобланади.

Шунга қўра, Ўзбекистон худудлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалдан қўриш мумкин (2.1-жадвал).

## 2.1-жадвал

### Ўзбекистон худудлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони, бирлик<sup>46</sup>

Худуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	<b>210 594</b>	<b>229 666</b>	<b>262 930</b>	<b>334 767</b>	<b>411203</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	9 638	10 539	11 985	14 677	18288
Андижон	21 713	20 342	22 560	25 807	31683
Бухоро	11 615	12 648	14 805	19 981	24809
Жиззах	8 013	9 310	11 197	14 011	17725
Қашқадарё	13 785	14 347	16 218	20 304	25297
Навоий	6 731	7 569	9 104	14 885	17931
Наманган	14 667	15 949	16 975	21 461	26531
Самарқанд	13 981	16 005	19 629	25 643	33114
Сурхондарё	9 418	10 409	11 618	15 509	21563
Сирдарё	6 954	7 462	8 318	11 026	13360
Тошкент	19 458	21 647	25 410	32 602	40223
Фарғона	17 802	20 225	23 304	29 300	36117
Хоразм	10 384	10 900	11 815	15 453	18875
Тошкент ш.	46 435	52 314	59 992	74 108	85687

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил даври (2016-2020 йиллар)да мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони деярли 2 марта ошган. Ушбу кўрсаткич, айниқса, Навоий (2,66 марта), Самарқанд (2,37 марта), Сурхондарё (2,29 марта), Жиззах (2,21 марта), Бухоро (2,14 марта) вилоятларида аҳамиятли бўлган. Аксинча, Андижон (1,46 марта), Наманган (1,81 марта), Хоразм (1,82 марта), Қашқадарё (1,84 марта) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (1,85 марта) бу кўрсаткич нисбатан паст бўлган.

2020 йилда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча кичик корхоналар ва микрофирмалар сонининг деярли 21 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган. Бу борада аҳамиятли улушга эга бўлган худудлар сифатида Тошкент (9,78%), Фарғона (8,78%), Самарқанд (8,05%) вилоятларини кўрсатиш мумкин. Аксинча, Сирдарё (3,25%), Жиззах (4,31%), Навоий (4,36%), Хоразм

<sup>46</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.. - Т., 2017-2021.

(4,59%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (4,45%) фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналарининг улуши нисбатан паст бўлган.

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолаш ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони динмикаси таҳлилини ҳам тақозо этади (2.2-жадвал).

## **2.2-жадвал**

### **Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони, минг нафар<sup>47</sup>**

Ҳудуд	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>825,2</b>	<b>908</b>	<b>1075,1</b>	<b>1375,2</b>	<b>1350,7</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	34,6	37,1	43	55,4	59
Андижон	61,6	67,4	79,9	97,8	94,9
Бухоро	44,2	48	56,4	74	73,5
Жиззах	25,7	27,5	36,1	45	46,9
Қашқадарё	47	49,9	59,1	70,5	69,9
Навоий	25,5	28,5	36	49,7	49,1
Наманган	47,1	54,3	69,7	87	87,7
Самарқанд	63,5	70,1	85,6	115,3	108,5
Сурхондарё	35,6	39,1	46,1	58	61
Сирдарё	19,2	21,5	27,5	33,9	38,1
Тошкент	82	88,4	104	141,9	146,8
Фарғона	71,2	79,7	95,6	108,3	116
Хоразм	38,8	41,7	48,6	58,7	66,5
Тошкент ш.	229,2	254,8	287,5	379,7	332,8

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2016-2020 йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг рўйхатдаги ходимлари йиллик ўртача сони 1,64 марта ошган. Бу эса рўйхатдаги ходимлари йиллик ўртача сони ўсишининг кичик корхоналар ва микрофирмалар сони ўсишидан ортда қолаётгани, яъни ўртача кичик бизнес корхонасининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг “кичрайиб” бораётганлигини кўрсатади. Рўйхатдаги ходимлар йиллик ўртача

<sup>47</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

сонининг ўсиши ҳудудлар бўйича турлича даражада бўлган. Жумладан, Сирдарё (1,98 марта), Навоий (1,93 марта), Наманган (1,86 марта), Жиззах (1,82 марта) вилоятларида нисбатан юқори бўлса, аксинча, Тошкент шаҳри (1,45 марта), Қашқадарё (1,49 марта), Андижон (1,54 марта) вилоятларида нисбатан паст бўлган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудлар бўйича кичик бизнес корхоналарининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг ўзгариш тавсифини қўйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$\bar{Y}D_{KBIS} = \frac{\bar{Y}C_{KBIS}}{\bar{Y}C_{KBKS}}, \quad (2.1)$$

бу ерда:

$\bar{Y}D_{KBIS}$  – таққосланаётган даврда ҳудудлар бўйича кичик бизнес корхоналарининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг ўзгариш даражаси индекси;

$\bar{Y}C_{KBIS}$  – таққосланаётган даврда ҳудудлар бўйича кичик бизнес корхоналари рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртacha сонининг ўсиш суръати, фоизда;

$\bar{Y}C_{KBKS}$  – таққосланаётган даврда ҳудудлар бўйича кичик бизнес корхоналари сонининг ўсиш суръати, фоизда.


Ушбу формула натижаларини асосан 3 та гурухга ажратиш мумкин:

1-гурух:  $\bar{Y}D_{KBIS} = 1,0$  – ҳудуд бўйича ўртacha кичик бизнес корхонасининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг ўзгармаслиги;

2-гурух:  $\bar{Y}D_{KBIS} < 1,0$  – ҳудуд бўйича ўртacha кичик бизнес корхонасининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг кичрайиб бориши;

3-гурух:  $\bar{Y}D_{KBIS} > 1,0$  – ҳудуд бўйича ўртacha кичик бизнес корхонасининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг ўсиб бориши.

2.1-формула ёрдамида ҳисобланган 2016-2020 йиллар мобайнида ҳудудлар бўйича кичик бизнес корхоналарининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг ўзгариш даражаси индексини қўйидаги диаграмма орқали кузатиш мумкин (2.1-расм).



**2.1-расм. 2016-2020 йиллар мобайнида Ўзбекистон худудлари бўйича кичик бизнес корхоналарининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёсининг ўзгариш даражаси индекси<sup>48</sup>.**

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, ўртacha кичик бизнес корхонасининг ишловчилар сони жиҳатидан миқёси Андижон (1,06), Наманган (1,03), Сирдарё (1,03) вилоятлари 3-гурух таркибига кирса, қолган худудларнинг барчаси 2-гурух таркибига киради.

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолаш учун бевосита иқтисодий фаолият билан боғлиқ кўрсаткичлар, жумладан, худудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми тўғрисидаги маълумотлар таҳлилига тўхталиб ўтамиз (2.3-жадвал).

<sup>48</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

## 2.3-жадвал

### Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми, млрд. сўм<sup>49</sup>

Ҳудуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	89528,1	110348	184610	249863	283972,4
Қорақалпоғистон Республикаси	2495,5	2996,3	5398,1	7172,1	8799,5
Андижон	4349,4	5253,2	8951,6	10025,9	12075,9
Бухоро	4041,6	4541	7339,8	10677,1	13471,6
Жizzах	2171,7	2954,7	5055,3	6975,8	8875,3
Қашқадарё	4157,8	4322,2	7208,5	9851,4	11078,8
Навоий	2168,8	2653,3	4956,5	7392,7	6751
Наманган	3955,5	5037,2	7845,7	11629,4	14554,1
Самарқанд	7546,6	8934,1	14250,4	19420	19717,3
Сурхондарё	2809,1	3574	6276,1	7865,3	10183,8
Сирдарё	2085,6	2717,1	4309,1	6925,7	7965,8
Тошкент	8228,1	9218,6	16258,5	24519,3	30732,5
Фарғона	5994,5	6758,3	11588,4	16643	24660
Хоразм	2685,7	3403,5	5455,5	7336,6	9030,4
Тошкент ш.	36838,2	47984,4	79716,1	103428	106076,6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2016-2020 йиллар мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес корхоналарининг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми 3,17 марта ошган. Агар ҳудудлар кесимида ёндашилса, бу борада энг юқори қўрсаткич Фарғона (4,11 марта) ва Жizzах (4,09 марта) вилоятларига тўғри келмоқда. Аксинча, нисбатан паст қўрсаткичлар Андижон (2,78 марта), Самарқанд (2,61 марта) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (2,88 марта) тўғри келади. Бу ўринда мазкур қўрсаткичларнинг ўзгаришига нархлар индекси таъсири мавжудлиги сабабли, 2.1-формуладаги сингари таққосланаётган даврда ҳудудлар бўйича кичик бизнес корхоналарининг ушбу омил жиҳатидан миқёсининг ўзгариш даражаси индексини ҳисоблаш имкони чекланган ҳисобланади.

<sup>49</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалари асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси таҳлили кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолашдаги муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади (2.4-жадвал).

#### **2.4-жадвал**

#### **Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалари асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси, млрд. сўм<sup>50</sup>**

<b>Ҳудуд</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>40047,4</b>	<b>54735,2</b>	<b>83719,1</b>	<b>122306</b>	<b>130698,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	2138,2	2629,1	2863,1	4204,8	4562,9
Андижон	1900,6	2692,1	4054	5239	7119,3
Бухоро	1606,7	2138,1	3484,5	5985,1	7355,6
Жizzах	1082,8	1409,9	2458,1	5961,9	7859,8
Қашқадарё	1689,8	2026	2776	4497,8	5134,7
Навоий	1185,2	1521,7	2370	4314	4122,7
Наманган	1437,4	2407,4	4183,8	6498,9	6140
Самарқанд	2865,2	3960,8	6614,7	10501	10603,8
Сурхондарё	1303	1785	3103,2	4514	4915,7
Сирдарё	1153,1	1573,9	2805,2	3648,5	4688,2
Тошкент	4427,3	6250,3	9409,2	15834,1	17238,5
Фарғона	2108,8	2893,2	4205,4	6607,5	8782,9
Хоразм	1510,4	2102,1	2723,8	4074,8	5976
Тошкент ш.	15638,9	21345,6	35668,1	40424,3	36198,6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалари асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси таҳлил даври (2016-2020 йиллар) мобайнида 3,26 марта ўсган. Ушбу ўсиш Жizzах (7,26 марта), Бухоро (4,58 марта), Наманган (4,27 марта), Фарғона (4,16 марта), Сирдарё (4,07 марта) вилоятларида нисбатан юқори бўлган. Аксинча, Тошкент шаҳри

<sup>50</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

(2,31 марта) ва Қорақалпоғистон Республикасида (2,13 марта) паст кўрсаткичларни намоён этган.

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолашда корхона фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусан, ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми таҳлили сухим ўрин тутади (2.5-жадвал).

## **2.5-жадвал**

### **Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари, млрд. сўм<sup>51</sup>**

<b>Ҳудуд</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>8442,4</b>	<b>14076,7</b>	<b>33111,9</b>	<b>70650,2</b>	<b>77487,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	183,8	421,2	1248,7	2259,9	1497,2
Андижон	318,2	593,1	1564,6	3335,2	4219
Бухоро	281,8	500,9	1398,7	3968,3	3050,7
Жizzах	261,2	484	1031,9	4439,8	9041,7
Қашқадарё	434,6	413,9	709	6059,7	1929,5
Навоий	191,3	476,9	747,5	2035	3789,4
Наманган	640,6	736,1	2017,9	4939,4	6555,4
Самарқанд	476,2	984,8	2301,2	4381,4	7272,9
Сурхондарё	337,1	483,7	1886,8	7705,1	2958,7
Сирдарё	382,5	577,9	1280,2	2972,5	2858,6
Тошкент	838,5	1597,6	3314,6	7021,4	6356,9
Фарғона	456,4	669,7	1963,6	4281,5	5308,7
Хоразм	282,5	515,6	716,2	2073,7	2173,1
Тошкент ш.	3357,7	5621,3	12931	15177,3	20476,2

Жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, мамлакатимизда таҳлил даврида кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари 9,18 марта ўсган. Ушбу кўрсаткич мамлакатимизнинг турли ҳудудларида турлича даражада бўлган. Жумладан, Жizzах (34,62 марта), Навоий (19,81 марта), Самарқанд (15,27 марта),

<sup>51</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Андижон (13,26 марта), Фаргона (11,63 марта), Бухоро (10,83 марта), Наманган (10,23 марта) вилоятларида нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилган бўлса, Қашқадарё вилояти (4,44 марта) ва Тошкент шаҳрида (6,1 марта) нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилган.

Юқорида келтирилган кичик бизнес корхоналари фаолиятига оид кўрсаткичлар ва уларнинг таҳлили мазмунан кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолашнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Кейинг ўринларда ушбу маълумотлардан фойдаланган ҳолда мазмунан чуқурроқ ва кенгроқ таҳлил жараёнлари амалга оширилади.

## **2.2-§. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликнинг асосий тенденциялари**

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ҳолатини таҳлил қилиш ўз навбатида мазкур соҳа асосий иқтисодий фаолият кўрсаткичларини иқтисодий фаолият турлари (тармоқлар) бўйича таҳлилини ҳам тақозо этади. Шунга кўра, энг аввало Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сонини кўриб чиқамиз (2.6-жадвал).

### **2.6-жадвал**

#### **Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони, бирлик<sup>52</sup>**

Тармоқлар	2016	2017	2018	2019	2020
Жами	<b>210 594</b>	<b>229 666</b>	<b>262 930</b>	<b>334 767</b>	<b>411203</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	17 962	20 530	23 975	28 847	40719
Саноат	42 847	48 566	56 233	69 970	82746
Курилиш	21 790	23 807	28 955	36 021	40695
Савдо	61 214	62 714	70 457	100 573	131597
Ташиб ва саклаш	10 631	11 779	13 121	15 157	17056

<sup>52</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	15 293	16 964	19 656	25 461	29947
Ахборот ва алоқа	6 201	6167	6738	7621	9221
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	3 709	4 417	5 364	6 370	7588
Бошқа турлари	30 947	34 722	38 431	44 747	51634

Жадвал маълумотларидан қўринадики, таҳлил даврида Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 2016 йилдаги 210594 бирликдан 2020 йилда 411203 бирликка етган, яъни деярли 2 баравар ошган. Бу борада аҳамиятли даражада ўсган тармоқлар қаторига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (2,3 баравар), савдо (2,1 баравар)ни киритиш мумкин. Нисбатан суст даражада ўсган тармоқлар сифатида ахборот ва алоқа (1,5 баравар), ташиш ва сақлаш (1,6 баравар)ни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, жами кичик бизнес корхоналари таркибида энг катта салмоққа эга бўлган тармоқларни ҳам ажратиш мумкин. Бу борада 2020 йилда савдо (жами корхоналарнинг 32,0%) ва саноат (20,1%) тармоқлари етакчилик қилмоқда. Аксинча, ахборот ва алоқа (2,2%) ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (1,8%) тармоқлари энг паст салмоқни намоён этмоқда.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятидаги муҳим кўрсаткичлардан яна бири ишловчилар сони ҳисобланади. Чунки, кўп ҳолларда, айнан ишловчилар сонидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу корхонани кичик бизнес субъектлари таркибига киритиш масаласи ҳал этилади. Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртacha сони (ташқи ўриндошларсиз)ни қўйидаги жавдал орқали кузатиш мумкин (2.7-жадвал).

## 2.7-жадвал

### Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони (ташқи ўриндошларсиз), минг нафар<sup>53</sup>

Тармоқлар	2016	2017	2018	2019	2020
Жами	825,2	908	1075,1	1375,2	1350,7
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	38	39	50,9	70	74
Саноат	269,7	307,1	359,6	453,9	402,9
Курилиш	129,1	133,8	176,9	225,2	238,6
Савдо	155,9	158,1	181,3	248,4	279,2
Ташиш ва сақлаш	57,8	74,2	85,5	99,6	82,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	49,5	52,8	64,3	87,1	80,2
Аҳборот ва алоқа	14,9	15,5	17,6	20,4	22,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	16,2	23,4	27,9	33,8	36,8
Бошқа турлари	94,1	88,9	92,3	111	106

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимиз бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг рўйхатдаги ходимларининг йиллик ўртача сони 2019 йилга қадар изчил равишда ўсиб келиб, 2020 йилда олдинги йилга нисбатан пасайиш рўй берган. Ушбу пасайиш асосан ташиш ва сақлаш (олдинги йилга нисбатан 0,83 баравар), саноат (0,89 баравар), бошқа (0,95 баравар) тармоқлар ҳисобига рўй берган. Аксинча, савдода 1,12 баравар, аҳборот ва алоқада 1,1 баравар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 1,09 баравар, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 1,06 баравар, курилишда 1,06 баравар ўсиш кузатилган.

Қуйидаги жадвалда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотищдан тушган соғ тушуми тўғрисидаги маълумотларни кўриш мумкин (2.8-жадвал).

<sup>53</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

## 2.8-жадвал

### Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми, млрд. сўм<sup>54</sup>

Тармоқлар	2016	2017	2018	2019	2020
Жами	<b>89528,1</b>	<b>110348</b>	<b>184609,6</b>	<b>249862,5</b>	<b>283972,4</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1702,5	2276,2	3302	5957,5	7757,5
Саноат	30961,3	42542,2	71730,4	28636,4	78461,1
Қурилиш	9996,3	12753,6	28927,1	39721,3	40122,9
Савдо	37426,4	40371,4	62351,1	94941,5	131141,3
Ташиб ва сақлаш	1903	2570	3824,2	5329,8	6192,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1976,1	2323,7	3053,7	4464,9	3610,8
Ахборот ва алоқа	919,5	1190,8	1906,3	2439,4	3320,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	199,3	636,9	938,7	1307,7	1594,3
Бошқа турлари	4243,7	5683,1	8576,1	13064	11771,3

Жадвал маълумотларидан қўринадики, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ҳажми 2016 йилга нисбатан 2020 йилда 3,17 марта ўсган. Ушбу ўсиш асосан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (8,0 баравар), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (4,56 баравар), қурилиш (4,01 баравар), ахборот ва алоқа (3,61 баравар), савдо (3,5 баравар) тармоқлари ҳисобига рўй берган. Аксинча, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (1,83 баравар), саноат (2,53 баравар) тармоқларида ўсиш даражаси нисбатан паст бўлган.

Навбатдаги кўрсаткич – иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси ҳисобланади (2.9-жадвал).

<sup>54</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

## 2.9-жадвал

### Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар асосий воситаларининг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси, млрд. сўм<sup>55</sup>

Тармоқлар	2016	2017	2018	2019	2020
Жами	<b>40047,4</b>	<b>54735,2</b>	<b>83719,1</b>	<b>122306</b>	<b>130699</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2155,8	2834,9	6351,2	8811,3	10537,5
Саноат	18637,7	25501,6	41289,1	64057	64103,5
Курилиш	3889,1	5037,4	7576,4	11560,6	14289,5
Савдо	5982,5	8177,9	10358,6	13195,7	14273,3
Ташиш ва сақлаш	2374,3	2993,3	4212	6100,6	6981,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1228,7	1626,4	2416,1	3134,1	2994,3
Ахборот ва алоқа	297,9	357,9	596,5	981,8	1137,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	654,8	1119,4	1686,2	2318,8	3272,6
Бошқа турлари	4826,6	7086,4	9233	12145,5	13109,1

Таҳлил даврида, яъни 2016 йилга нисбатан 2020 йилда мамлакатимиз бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар асосий воситаларининг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати бўйича баҳоси 3,3 марта ошган. Бу борада нисбатан юқори ўсини кўрсатган тармоқлар қаторига соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (5 марта), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (4,9 марта), ахборот ва алоқа (3,8 марта), қурилиш (3,7 марта), саноат (3,4 марта) киради. Нисбатан паст ўсиш даражасини савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (2,4 марта), ташиш ва сақлаш (2,9 марта) тармоқлари қайд этган. Мазкур жадвал ёрдамида капитал сифими юқори бўлган тармоқларни ҳам ажратиб олиш мумкин. Бу борада энг юқори салмоққа эгалиги бўйича саноат (49,0%), қурилиш (10,9%), савдо (10,9%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (8,1%) ажралиб туради. Асосий воситалари қиймати жиҳатидан салмоғи нисбатан паст бўлган тармоқлар сирасига ахборот ва алоқа (0,9%),

<sup>55</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийлилк статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (2,3%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (2,5%)ни киритиш мумкин.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳим бўлиб, улар ёрдамида маълум даражада тармоқлардаги инвестиция муҳити тўғрисида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин (2.10-жадвал).

## **2.10-жадвал**

### **Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари,**

**млрд. сўм<sup>56</sup>**


<b>Тармоқлар</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
<b>Жами</b>	<b>8442,4</b>	<b>14076,7</b>	<b>33111,9</b>	<b>70650,2</b>	<b>77487,9</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	412,7	697,7	3528,6	5158,8	5722,1
Саноат	4306,3	8034,9	16625,4	43533,5	37890,6
Қурилиш	616,1	875,3	2075,4	6535,4	7979,9
Савдо	1328,4	1648,2	3692,3	5326,8	10378,2
Ташиб ва сақлаш	532,7	633,9	1196,6	2511,3	2671,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	190,7	256,2	648,6	2092,2	2062,2
Ахборот ва алоқа	70,7	92,1	193,1	254,1	580,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	186,2	299,9	520,9	864	1492,7
Бошқа турлари	798,6	1538,5	4631	4374,1	8710,3

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил даврида мамлакатимиз бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари ҳажми 9,2 марта ошган. Мазкур жараёнда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (13,9 марта), қурилиш (13 марта), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (10,8 марта) тармоқларининг кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган. Инвестициялар ҳажми нисбатан пастроқ суръатда

<sup>56</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

ўсган тармоқлар қаторида ташиш ва сақлаш (5 марта), савдо (7,8 марта), саноат (8,8 марта)ни кўриш мумкин.

Шу билан бирга, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялари жами ҳажмида алоҳида тармоқларнинг улушкини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Агар таҳлил даври (2016-2020 йиллар)даги ҳар бир тармоққа киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг иқтисодиёт бўйича умумий ҳажмидаги солиштирма салмоғи таҳлил қилинса, куйидагича манзарани кузатиш мумкин (2.2-расм).



**2.2-расм. Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг иқтисодиёт бўйича умумий ҳажмидаги солиштирма салмоғи, фоиз<sup>57</sup>.**

Диаграммадан кўринадики, энг юқори салмоққа саноат (54,2%) тармоғида эришилган бўлиб, бу мазкур тармоқнинг инвестицион салоҳияти ҳамда унда шаклланган инвестицион муҳит билан бир қаторда иқтисодиётнинг етакчи тармоғи бўлиб ҳисобланишини ҳам англатади. Энг паст салмоқ ахборот ва алоқа тармоғига (0,6%) тўғри келиб, буни мазкур тармоқнинг кичик миқёсдаги

<sup>57</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийлилк статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

корхоналар фаолиятида у қадар муваффақиятли амал қилмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Таҳлининг мантиқий жиҳатдан навбатдаги босқичи – иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар асосий кўрсаткичларининг ўртacha микдорларини аниқлаш орқали ривожланиш тенденцияларини баҳолаш ҳисобланади.

Дастлаб Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи рўйхатдаги ходимлар ўртacha сони бўйича маълумотларни кўриб чиқамиз (2.11-жадвал).

## **2.11-жадвал**


### **Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи рўйхатдаги ходимлар ўртacha сони, нафар<sup>58</sup>**

<b>Иқтисодий фаолият турлари</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
Жами	3,9	4,0	4,1	4,1	3,3
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2,1	1,9	2,1	2,4	1,8
Саноат	6,3	6,3	6,4	6,5	4,9
Курилиш	5,9	5,6	6,1	6,3	5,9
Савдо	2,5	2,5	2,6	2,5	2,1
Ташиб ва сақлаш	5,4	6,3	6,5	6,6	4,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3,2	3,1	3,3	3,4	2,7
Ахборот ва алоқа	2,4	2,5	2,6	2,7	2,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	0,5	0,7	0,7	0,8	0,7
Бошқа турлари	3,0	2,6	2,4	2,5	2,1

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи рўйхатдаги ходимлар ўртacha сони 2016 йилдаги ўртacha 3,9 нафардан 2018-2019 йилларда 4,1 нафаргача ўсиб, 2020 йилда 3,3 нафарга қадар қисқарган. Бу ҳолат турли даражаларда иқтисодий фаолият турларига кўра фарқланади. Ходимлар ўртacha сонининг тармоқлар бўйича фарқланишини баҳолаш ҳамда яхлит манзара ҳосил қилиш

<sup>58</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

учун 2016-2020 йиллар кўрсаткичларини иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача арифметик қийматини ҳисоблаб чиқамиз (2.3-расм).



**2.3-расм. Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи рўйхатдаги ходимларнинг 2016-2020 йиллар бўйича ўртача сони, нафар<sup>59</sup>**

Диаграммадан кўринадики, битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи рўйхатдаги ходимларнинг 2016-2020 йиллар бўйича ўртача сони жами тармоқлар бўйича 3,9 нафарни, саноатда 6,1 нафарни, қурилишда 6,0 нафарни, ташиб ва сақлашда 5,9 нафарни, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3,1 нафарни, ахборот ва алоқада 2,5 нафарни, савдода 2,4 нафарни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига 2,1 нафарни, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатишда 0,7 нафарни ташкил этган.

Мамлакатимизда 2016-2020 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соғ тушум ўртача ҳажми маълумотларини кўриб чиқамиз (2.12-жадвал).

<sup>59</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

## 2.12-жадвал

### Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ўртacha ҳажми, млн. сўм<sup>60</sup>

Иқтисодий фаолият турлари	2016	2017	2018	2019	2020	2016-2020 йил. бўйича ўртacha
Жами	425,1	480,5	702,1	746,4	690,6	608,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	94,8	110,9	137,7	206,5	190,5	148,1
Саноат	722,6	876,0	1275,6	409,3	948,2	846,3
Курилиш	458,8	535,7	999,0	1102,7	985,9	816,4
Савдо	611,4	643,7	885,0	944,0	996,5	816,1
Ташиш ва сақлаш	179,0	218,2	291,5	351,6	363,1	280,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	129,2	137,0	155,4	175,4	120,6	143,5
Ахборот ва алоқа	148,3	193,1	282,9	320,1	360,1	260,9
Бошқа турлари	53,7	144,2	175,0	205,3	210,1	157,7

Жадвал маълумотларига қўра битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ўртacha ҳажми савдо, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа, бошқа фаолият турларида йиллар бўйича бир текис ва изчилликда ўсиб борган бўлса, қолган тармоқларда 2020 йилга келиб кўрсаткичнинг пасайиши кузатилмоқда. Бу эса, ўз навбатида иқтисодиёт бўйича умумий кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Таҳлил даври бўйича ўртacha соф тушумнинг ҳажми жиҳатидан саноат (846,3 млн. сўм), қурилиш (816,4 млн. сўм), савдо (816,1 млн. сўм) тармоқлари етакчилик қилмоқда. Соф тушум ҳажмининг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (148,1 млн. сўм), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (143,5 млн. сўм) тармоқларида анча пастлигини кўриш мумкин.

<sup>60</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи асосий воситаларининг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати таҳлили ҳам муҳим ҳисобланади (2.13-жадвал).

## **2.13-жадвал**

### **Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи асосий воситаларининг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати, млн. сўм<sup>61</sup>**

<b>Иқтисодий фаолият турлари</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2016-2020 йй. бўйича ўртача</b>
Жами	190,2	238,3	318,4	365,3	317,8	286,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	120,0	138,1	264,9	305,4	258,8	217,5
Саноат	435,0	525,1	734,3	915,5	774,7	676,9
Қурилиш	178,5	211,6	261,7	320,9	351,1	264,8
Савдо	97,7	130,4	147,0	131,2	108,5	123,0
Ташиш ва сақлаш	223,3	254,1	321,0	402,5	409,4	322,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	80,3	95,9	122,9	123,1	100,0	104,4
Ахборот ва алоқа	48,0	58,0	88,5	128,8	123,3	89,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	176,5	253,4	314,4	364,0	431,3	307,9
Бошқа турлари	156,0	204,1	240,2	271,4	253,9	225,1

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қурилиш, ташиш ва сақлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш тармоқларида битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи асосий воситаларининг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати йилдан йилга бир маромда ўсиб бормоқда. Қолган тармоқларда эса мазкур кўрсаткич қийматида бекарорлик ҳолатлари кузатилмоқда. Мазкур кўрсаткичининг 2016-2020 йиллардаги ўртача қийматига кўра, саноат (676,9 млн. сўм), ташиш ва сақлаш (322,1 млн. сўм), соғлиқни

<sup>61</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиши (307,9 млн. сўм) тармоқларида асосий воситаларининг бошланғич қийматлари нисбатан юқори бўлмоқда. Ахборот ва алоқа (89,3 млн. сўм), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (104,4 млн. сўм), савдо (123,0 млн. сўм) тармоқлари эса ўз хусусиятига кўра у қадар катта ҳажмдаги асосий воситаларни тақозо этмайди.

Навбатдаги кўрсаткич – иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми ҳисобланади (2.14-жадвал).

## **2.14-жадвал**

### **Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми, млн. сўм<sup>62</sup>**

<b>Иқтисодий фаолият турлари</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2016-2020 йй. бўйича ўртacha</b>
Жами	40,1	61,3	125,9	211,0	188,4	125,4
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	23,0	34,0	147,2	178,8	140,5	104,7
Саноат	100,5	165,4	295,7	622,2	457,9	328,3
Қурилиш	28,3	36,8	71,7	181,4	196,1	102,8
Савдо	21,7	26,3	52,4	53,0	78,9	46,4
Ташиб ва сақлаш	50,1	53,8	91,2	165,7	156,6	103,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	12,5	15,1	33,0	82,2	68,9	42,3
Ахборот ва алоқа	11,4	14,9	28,7	33,3	62,9	30,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиши	50,2	67,9	97,1	135,6	196,7	109,5
Бошқа турлари	25,8	44,3	120,5	97,8	168,7	91,4

Жадвалга биноан, қурилиш, савдо, ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиши тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми йиллар давомида бир маромда ошиб бормокда. Колган

<sup>62</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

тармоқларда эса бекарорлик кузатилиб, аксарият ҳолларда 2020 йил кўрсаткичларида олдинги йилга нисбатан пасайиш мавжуд. 2016-2020 йиллар бўйича ўртача кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми жиҳатидан саноат тармоғи (328,3 млн. сўм) етакчилик қилмоқда. Энг паст даражадаги инвестиция ҳажми ахборот ва алоқа (30,3 млн. сўм), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (42,3 млн. сўм), савдо (46,4 млн. сўм) тармоқларида кузатилган.

Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ҳажми таҳлилнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади (2.15-жадвал).

## **2.15-жадвал**

**Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ҳажми,**

**млн. сўм<sup>63</sup>**

<b>Иқтисодий фаолият турлари</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2016-2020 йй. бўйича ўртача</b>
Жами	108,5	121,5	171,7	181,7	210,2	158,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	44,8	58,4	64,9	85,1	104,8	71,6
Саноат	114,8	138,5	199,5	63,1	194,7	142,1
Қурилиш	77,4	95,3	163,5	176,4	168,2	136,2
Савдо	240,1	255,4	343,9	382,2	469,7	338,2
Ташиб ва сақлаш	32,9	34,6	44,7	53,5	75,3	48,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	39,9	44,0	47,5	51,3	45,0	45,5
Ахборот ва алоқа	61,7	76,8	108,3	119,6	147,6	102,8
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	12,3	27,2	33,6	38,7	43,3	31,0
Бошқа турлари	45,1	63,9	92,9	117,7	111,1	86,1

<sup>63</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Маълумотлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, мазкур кўрсаткич бошқаларига нисбатан барқарор ва изчиллик тавсифини намоён этмоқда. Фақат саноат, қурилиш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоқларида айрим йиллардаги кўрсаткичларнинг олдинги йилга нисбатан пасайиши рўй берган. Шунингдек, савдо (338,2 млн. сўм), саноат (142,1 млн. сўм) ва қурилиш (136,2 млн. сўм) тармоқларида битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ҳажми нисбатан юқори қийматга эга бўлган.

Яна бир кўрсаткич иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги бир сўмлик асосий воситага тўғри келувчи соф тушум ҳажми ҳисобланади (2.16-жадвал).

## **2.16-жадвал**

### **Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги бир сўмлик асосий воситага тўғри келувчи соф тушум ҳажми, сўм<sup>64</sup>**

<b>Иқтисодий фаолият турлари</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2016-2020 йй. бўйича ўртacha</b>
Жами	2,2	2,0	2,2	2,0	2,2	2,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўялиги	0,8	0,8	0,5	0,7	0,7	0,7
Саноат	1,7	1,7	1,7	0,4	1,2	1,3
Қурилиш	2,6	2,5	3,8	3,4	2,8	3,0
Савдо	6,3	4,9	6,0	7,2	9,2	6,7
Ташиб ва сақлаш	0,8	0,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,6	1,4	1,3	1,4	1,2	1,4
Ахборот ва алоқа	3,1	3,3	3,2	2,5	2,9	3,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	0,3	0,6	0,6	0,6	0,5	0,5
Бошқа турлари	0,9	0,8	0,9	1,1	0,9	0,9

<sup>64</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мазмунан асосий воситаларнинг самарадорлигини ифодаловчи мазкур кўрсаткичнинг ўртacha қиймати жиҳатидан савдо (6,7 сўм), қурилиш (3,0 сўм), ахборот ва алоқа (3,0 сўм) нисбатан юқори даража намоён этмоқда. Аксинча, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (0,5 сўм), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (0,7 сўм), ташиш ва сақлаш (0,9 сўм) тармоқларида асосий воситалар самарадорлиги маълум муаммоларга эга эканлиги кўринади.

Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи соф тушум ҳажми ҳам мазкур таҳлилда муҳим ўрин эгаллайди (2.17-жадвал).

## **2.17-жадвал**

### **Ўзбекистонда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи соф тушум ҳажми<sup>65</sup>**

<b>Иқтисодий фаолият турлари</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>	<b>2016-2020 йй. бўйича ўртacha</b>
Жами	10,6	7,8	5,6	3,5	3,7	6,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4,1	3,3	0,9	1,2	1,4	2,2
Саноат	7,2	5,3	4,3	0,7	2,1	3,9
Қурилиш	16,2	14,6	13,9	6,1	5,0	11,2
Савдо	28,2	24,5	16,9	17,8	12,6	20,0
Ташиш ва сақлаш	3,6	4,1	3,2	2,1	2,3	3,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10,4	9,1	4,7	2,1	1,8	5,6
Ахборот ва алоқа	13,0	12,9	9,9	9,6	5,7	10,2
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	1,1	2,1	1,8	1,5	1,1	1,5
Бошқа турлари	5,3	3,7	1,9	3,0	1,4	3,0

<sup>65</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийлилк статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Маълумотлардан кўринадики, кичик корхоналар ва микро фирмалардаги бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг таҳлил давридаги ўртacha қийматига кўра савдо (20,0 сўм) тармоғи жуда катта устунлик намоён этмоқда. Навбатдаги даражада қурилиш (11,2 сўм), ахборот ва алоқа (10,2 сўм) тармоқлари ҳам нисбатан юқори кўрсаткичларга эга. Аксинча, соглиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (1,5 сўм), кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (2,2 сўм) бу борада нисбатан паст натижа кўрсатаётган тармоқлар сирасига киради.

### **2.3-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликтининг иқтисодий самарадорлик даражасига таъсири динамикаси**

Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик даражасини муаллифлик ёндашувига асосланган услуг асосида баҳолаш учун 2020 йил маълумотларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширамиз. Энг аввало мамлакатимиз ҳудудлари бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалар фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқамиз (2.18-жадвал).

#### **2.18-жадвал**

#### **Ўзбекистонда 2020 йилда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалар (КК ва МФ) фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари<sup>66</sup>**

Ҳудудлар	Фаолият кўрсатаётган КК ва МФ сони, бирлик	КК ва МФ рўйхатдаги ходимлари йиллик ўртacha сони, минг киши	КК ва МФ махсулот сотишдан тушган соф тушуми, млрд. сўм	КК ва МФ асосий воситалари бошлангич қиймати бўйича баҳоси, млрд. сўм	КК ва МФ асосий капиталга кирилган инвестициялари, млрд. сўм
Ўзбекистон Республикаси	411203	1350,7	283972,4	130698,8	77487,9
Қорақалпоғистон Республикаси	18288	59	8799,5	4562,9	1497,2
Андижон	31683	94,9	12075,9	7119,3	4219

<sup>66</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Бухоро	24809	73,5	13471,6	7355,6	3050,7
Жиззах	17725	46,9	8875,3	7859,8	9041,7
Қашқадарё	25297	69,9	11078,8	5134,7	1929,5
Навоий	17931	49,1	6751	4122,7	3789,4
Наманган	26531	87,7	14554,1	6140	6555,4
Самарқанд	33114	108,5	19717,3	10603,8	7272,9
Сурхондарё	21563	61	10183,8	4915,7	2958,7
Сирдарё	13360	38,1	7965,8	4688,2	2858,6
Тошкент	40223	146,8	30732,5	17238,5	6356,9
Фарғона	36117	116	24660	8782,9	5308,7
Хоразм	18875	66,5	9030,4	5976	2173,1
Тошкент ш.	85687	332,8	106076,6	36198,6	20476,2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, баҳолашни амалга оширишда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микро фирмалар сони, рўйхатдаги ходимлари йиллик ўртacha сони, маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми, асосий воситалари бошлангич қиймати бўйича баҳоси, асосий капиталга киритилган инвестициялари кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан олдимизга қўйилган мақсадга эришиш, яъни кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик даражасини баҳолашда бошлангич (бирламчи) маълумотлар сифатида фойдаланамиз. Мазкур маълумотлардан фойдаланган ҳолда 2020 йилда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирммага тўғри келувчи ўртacha кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқамиз (2.19-жадвал).

## 2.19-жадвал

### Ўзбекистонда 2020 йилда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирммага тўғри келувчи ўртacha кўрсаткичлар<sup>67</sup>

Ҳудудлар	Ходимлар сони, киши	Асосий воситалар қиймати, млн. сўм	Инвестиция хажми, млн. сўм	Соф тушум, млн. сўм
Ўзбекистон Республикаси	3,3	317,8	188,4	690,6
Қорақалпогистон Республикаси	3,2	249,5	81,9	481,2
Андижон	3,0	224,7	133,2	381,1

<sup>67</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Бухоро	3,0	296,5	123,0	543,0
Жиззах	2,6	443,4	510,1	500,7
Қашқадарё	2,8	203,0	76,3	437,9
Навоий	2,7	229,9	211,3	376,5
Наманган	3,3	231,4	247,1	548,6
Самарқанд	3,3	320,2	219,6	595,4
Сурхондарё	2,8	228,0	137,2	472,3
Сирдарё	2,9	350,9	214,0	596,2
Тошкент	3,6	428,6	158,0	764,1
Фарғона	3,2	243,2	147,0	682,8
Хоразм	3,5	316,6	115,1	478,4
Тошкент ш.	3,9	422,5	239,0	1238,0

Ҳисоб-китоблар орқали мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди кесимида ишлаб чиқариш омилларининг миқдори ва ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўзаро бир-биридан фарқланувчи комбинациялар ҳосил қиласиз. Бироқ бевосита ушбу жадвал маълумотларидан қараб мазкур комбинациялардан қай бири омиллар мутаносиблиги жиҳатидан энг самарали эканлигини баҳолаш мушкул. Шунга кўра, 2020 йилда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбатини қўриб чиқамиз (2.20-жадвал).

## 2.20-жадвал

### Ўзбекистонда 2020 йилда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбати<sup>68</sup>

Ҳудудлар	Соф тушум/ ходимлар сони, млн. сўм	Соф тушум/ асосий воситалар қиймати, сўм	Соф тушум/ инвестиция ҳажми, сўм
Ўзбекистон Республикаси	210,2	2,2	3,7
Қорақалпоғистон Республикаси	149,1	1,9	5,9
Андижон	127,2	1,7	2,9
Бухоро	183,3	1,8	4,4
Жиззах	189,2	1,1	1,0
Қашқадарё	158,5	2,2	5,7
Навоий	137,5	1,6	1,8

<sup>68</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Наманган	166,0	2,4	2,2
Самарқанд	181,7	1,9	2,7
Сурхондарё	166,9	2,1	3,4
Сирдарё	209,1	1,7	2,8
Тошкент	209,3	1,8	4,8
Фарғона	212,6	2,8	4,6
Хоразм	135,8	1,5	4,2
Тошкент ш.	318,7	2,9	5,2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда 2020 йилда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микрофирмадаги ишловчилар сонига тўғри келувчи соф тушум ҳажми жиҳатидан Тошкент шахри (318,7 млн. сўм) ва Фарғона вилояти (212,6 млн. сўм) етакчилик қилмоқда. Битта кичик корхона ва микрофирмадаги бир сўмлик асосий воситалар қийматига тўғри келувчи соф тушум ҳажми жиҳатидан эса етакчилик Тошкент шахри (2,9 сўм), Фарғона (2,8 сўм) ва Наманган (2,4 сўм) вилоятларига тўғри келмоқда. Ушбу тенденция битта кичик корхона ва микрофирмадаги инвестициялар ҳажмига тўғри келувчи соф тушум ҳажмига келганда ўзгарган: Қорақалпоғистон Республикаси (5,9 сўм), Қашқадарё вилояти (5,7 сўм), Тошкент шахри (5,2 сўм).

Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар (КК ва МФ) фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини қуидаги жадвал орқали баҳолаш мумкин (2.21-жадвал).

## 2.21-жадвал

### Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар (КК ва МФ) фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари<sup>69</sup>

Ҳудудлар	Фаолият кўрсатаётган КК ва МФ сони, бирлик	КК ва МФ рўйхатдаги ходимларини нг йиллик ўртacha сони, минг киши	КК ва МФ маҳсулот сотишдан тушган соф тушуми, млрд. сўм	КК ва МФ асосий воси- таларининг бошланғич қиймати бў- йича баҳоси, млрд. сўм	КК ва МФ асосий капи- талга кири- тилган ин- вестицияла- ри, млрд. сўм

<sup>69</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

Жами	411203	1350,7	283972,4	130698,8	77487,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	40719	74	7757,5	10537,5	5722,1
Саноат	82746	402,9	78461,1	64103,5	37890,6
Курилиш	40695	238,6	40122,9	14289,5	7979,9
Савдо	131597	279,2	131141,3	14273,3	10378,2
Ташиш ва сақлаш	17056	82,2	6192,7	6981,9	2671,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	29947	80,2	3610,8	2994,3	2062,2
Ахборот ва алоқа	9221	22,5	3320,5	1137,1	580,2
Молиявий ва суғурта фаолияти	-*	7	1625,6	495	369,2
Таълим	-*	15,7	620,4	457	287,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиши	7588	36,8	1594,3	3272,6	1492,7
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	-*	5,8	233,4	572,1	282,7
Бошқа турлари	51634	106	9291,9	11585	7770,9

Изоҳ: (-\*) – статистик манбада мазкур маълумотлар бошқа тармоқлар таркибида берилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалар (КК ва МФ) фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичларида муайян номутаносибликлар кўзга ташланмоқда. Шу ўринда, ушбу номутаносибликтининг пайдо бўлишида статистик манбалардаги номувофиқликлар, жумладан, молиявий ва суғурта фаолияти, таълим, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоқлари бўйича маълумотларнинг статистик манбада бошқа тармоқлар таркибида берилганлиги ҳам таъсир кўрсатиши эҳтимолини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи ўртача кўрсаткичларни қўйидаги жавдал орқали кузатиш мумкин (2.22-жадвал).

## 2.22-жадвал

### Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи ўртача қўрсаткичлар<sup>70</sup>

Иқтисодий фаолият турлари	Ходимлар сони, киши	Асосий воситалар қиймати, млн. сўм	Инвестиция ҳажми, млн. сўм	Соф тушум ҳажми, млн. сўм
Жами	3,3	317,8	188,4	690,6
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1,8	258,8	140,5	190,5
Саноат	4,9	774,7	457,9	948,2
Қурилиш	5,9	351,1	196,1	985,9
Савдо	2,1	108,5	78,9	996,5
Ташиб ва сақлаш	4,8	409,4	156,6	363,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,7	100,0	68,9	120,6
Ахборот ва алоқа	2,4	123,3	62,9	360,1
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни қўрсатиш	4,8	431,3	196,7	210,1
Бошқа турлари	2,1	224,4	150,5	180,0

Жадвал маълумотидан кўринадики, иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи ўртача ишловчилар сони жиҳатидан қурилиш (5,9 киши), саноат (4,9 киши), ташиб ва сақлаш (4,8 киши), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни қўрсатиш (4,8 киши) аҳамиятли қўрсаткичларни намоён этган. Бироқ ушбу кетма-кетлик бошқа қўрсаткичлар бўйича ҳам бир хилда рўй бермаган.

Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбатини қўйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин (2.23-жадвал).

<sup>70</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

**Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбати<sup>71</sup>**

Иқтисодий фаолият турлари	Соф тушум/ ходимлар сони, млн. сўм	Соф тушум/ асосий воситалар қиймати, сўм	Соф тушум/ инвестиция ҳажми, сўм
Жами	210,2	2,2	3,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	104,8	0,7	1,4
Саноат	194,7	1,2	2,1
Қурилиш	168,2	2,8	5,0
Савдо	469,7	9,2	12,6
Ташиб ва сақлаш	75,3	0,9	2,3
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	45,0	1,2	1,8
Ахборот ва алоқа	147,6	2,9	5,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	43,3	0,5	1,1
Бошқа турлари	87,7	0,8	1,2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбати турлича бўлмоқда. Жумладан, 1 та ишловчига тўғри келувчи соф тушум ҳажми савдода 469,7 млн сўм, саноатда 194,7 млн сўм, қурилишда 168,2 млн. сўм, яъни нисбатан юқори қийматга эга бўлган. 1 сўмлик асосий воситалар қийматига тўғри келувчи соф тушум ҳажми эса савдода 9,2 сўм, ахборот ва алоқада 2,9 сўм, қурилишда 2,8 сўмни ташкил этиб, нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган. 1 сўмлик инвестиция ҳажмига тўғри келувчи соф тушум ҳажми жиҳатидан савдо – 12,6 сўм, ахборот ва алоқа – 5,7 сўм, қурилиш – 5,0 сўм кўрсаткичлари билан юқори қийматни намоён этган.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқариш омилларини ўртасидаги мутаносибликнинг иқтисодий самарадорликка таъсирини эконометрик таҳлилини амалга оширишга уриндик. Қорақалпоғистон Республикасидаги

<sup>71</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

кичик бизнес корхоналарида банд булган ишчи кучи омилининг соҳа ялпи худудий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг 2027 йилга қадар прогнозини ишлаб чиқишни мақсад қилиб қўйдик.

Бунинг учун аввало ҳар бир таъсир этувчи омил бўйича тренд модель тузамиз. Тренд модель – бу таъсир этувчи омилининг вақтга боғлиқ функциясидир ҳамда у умумий ҳолда қўйидаги кўринишга эга:

$$X_i = \beta_0 + \beta_1 \cdot t + \varepsilon \quad (2.1)$$


Статистик аҳамиятлилик даражаси ( $R^2$ ) мезон сифатида олиниб, чизиқли, экспоненциал, логарифмик ва даражали боғланишлари ичидан энг мақбули танлаб олинди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес корхоналарида банд бўлганлар ( $X_1$ ) бўйича тренд модель қўйидаги кўринишга эга:

$$y = 12,68x - 25089 \quad R^2 = 0,9804 \quad (2.2)$$

Ушбу омилларнинг графиклари қўйидагича (2.4 - 2.5-расмлар).

#### **Кичик бизнесда бандлар сони (минг киши)**




#### **2.4-расм. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнесда банд бўлганлар сони<sup>72</sup>.**

Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли жон бошига ўзлаштирилган инвестиция ҳажми ( $X_2$ ) бўйича тренд модель қўйидаги кўринишга эга:

$$y = 371,08x - 745535 \quad R^2 = 0,9277 \quad (2.3)$$

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Қарақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес бўйича таъсир этувчи омиллар ва вақт омили ўртасида тузилган тренд моделлар таҳлили шуни кўрсатадики (2.2) – (2.4) тренд моделлардаги барча ҳисобланган коэффициентларнинг статистик аҳамиятлилиги, параметрларининг ишончлилиги аниқланди.




**2.5-расм. Қорақалпоғистон Республикасида ахоли жон бошига ўзлаштирилган инвестиция хажми<sup>73</sup>.**

Қарақалпоғистон Республикасида аҳоли жон бошига ўзлаштирилган инвестиция ҳажми ( $X_2$ ) бўйича тренд модель қўйидаги кўринишга эга:

$$y = 2655,9x - 5E+06 \quad R^2 = 0,9737 \quad (2.4)$$

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

## Кичик бизнесда ялпи ишлаб чиқариш (млрд.сўм)




**2.6-расм. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнесда ялпи худудий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари<sup>74</sup>.**

Демак, (2.8)-(2.10) ва (2.11-2.13) тренд моделларини ҳисоблаймиз ва уларнинг ҳисобланган қийматларини (2.4) ва (2.5) кўп омилли эконометрик моделларга қўйиб, аввало таъсир этувчи омилларнинг прогноз қийматларини, кейин эса натижавий омилларни прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширамиз. Натижада Қорақалпоғистон Республикасидаги кичик бизнес корхоналарида банд бўлган ишчи қути икки омил: ишчи қути ( $L$ ) ва капитал ( $K$ )нинг соҳа ялпи худудий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг (2.4) кўп омилли эконометрик моделга киритилган ўзгарувчиларининг прогноз давридаги қийматларига эга бўламиз (2.24-жадвал).

$$y = 63,571x^2 - 25878x + 3E+08 \quad R^2 = 0,9854 \quad (2.4)$$

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари



**2.7-расм. Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнесда ялпи худудий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг икки омилли прогнози<sup>75</sup>.**

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнесда ялпи худудий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг икки омилли прогнози шуни кўрсатмоқдаки, 2027 йилгача ўртacha ўсиш кўрсаткичи 46528,9 млрд. сўмни ташкил этмоқда, бу эса корхонада кичик бизнесда ишлаб чиқариш омилларининг мутаносибигини англаради.

## 2.24-жадвал

### Қорақалпоғистон Республикаси кичик бизнес иқтисодий кўрсаткичларининг 2010-2021 йиллардаги динамикаси ва 2027 йилгача прогноз қийматлари

Йиллар	Кичик бизнесда бандлар сони (минг киши) ( $X_1$ )	Аҳоли жон бошига ўзлаштирилган инвестиация ( $X_2$ )	Кичик бизнесда ялпи ишлаб чиқариш (млрд. сўм) ( $Y_1$ )	Кичик бизнесда ялпи ишлаб чиқариш, млрд.сўм (икки омилли) ( $Y_2$ )
2010	412,7	302,6	2 368,8	2 368,8
2011	426,8	563,3	3 185,7	3 185,7
2012	426,2	729,7	4 319,9	4 319,9

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистиска қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

2013	450,2	1 400,7	5 525,7	5 525,7
2014	464,2	2 280,6	7 125,5	7 125,5
2015	469,4	3 388,2	9 016,6	9 016,6
2016	479,6	2 094,1	10 782,5	10 782,5
2017	486,0	1 528,8	12 808,6	12 808,6
2018	532,8	3 641,1	17 600,4	17 600,4
2019	533,9	4 644,4	22 165,4	22 165,4
2020	530,4	3 710,0	26 228,6	26 228,6
2021	535,7	4 189,2	31 801,5	31 801,5
2022*	579,2	4 784,7	32 566,2	29 454,4
2023*	581,5	5 155,8	33 493,3	32 823,7
2024*	593,8	5 526,9	36 290,2	36 258,2
2025*	596,2	5 898,0	37 560,9	39 730,9
2026*	608,5	6 269,0	40 436,1	43 165,2
2027*	620,8	6 640,1	43 084,9	46 528,9

Изох: \* - прогноз қийматлари белгиланган.

Кичик бизнесда бандлар сони 2027 йилга бориб 620,8 минг кишига етишини, ахоли жон бошига ўзлаштирилган инвестиция ҳажми эса 6640,1 млн. сўмни, кичик бизнесда ялпи ишлаб чиқариш чизиқли боғланишда бўлса 43084,9 млрд. сўмни ташкил этиши ҳисобланди. Бироқ, ишчи кучи (L) ва капитал (K)нинг соҳа ялпи ҳудудий ишлаб чиқариш хажмига таъсирини инобатга олсак, Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнесда ялпи ҳудудий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг икки омилли прогнози шуни кўрсатмоқдаки, 2027 йилгача ўртacha ўсиш кўрсаткичи 46528,9 млрд. сўмни ташкил этиши аниқланди.

Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликтининг иқтисодий самарадорлик даражасига таъсири динамикаси таҳлили асосида шуни хulosа қилиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларидаги кичик корхона ва микрофирмаларда иқтисодий омиллар ўртасидаги мутаносибик даражасини ошириш орқали иқтисодий самарадорликни янада ўстириш бўйича аҳамиятли захира ва имкониятлар мавжуд.

## **Иккинчи боб бўйича хulosса**

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини таҳлил қилиш учун мазкур корхоналарнинг 2016-2020 йиллардаги асосий фаолият кўрсаткичлари танлаб олинди.

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолашда мутлақ қийматларда ифодаланган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг кўрсаткичлари мазмуни ва тавсифидаги ўзгаришларни яққол англаб олиш муайян даражада мушкуллик түғдириши сабабли, битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи ўртacha миқдорларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи асосий фаолият кўрсаткичлари ёрдамида соҳанинг ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мумкин. Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ҳолатини янада кенгроқ таҳлил қилиш учун 2016-2020 йиллардаги соҳа асосий иқтисодий фаолият кўрсаткичларини иқтисодий фаолият турлари (тармоқлар) бўйича таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, таҳлил янада аниқроқ ва самарали бўлиши учун Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбатини баҳолаш мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбати турлича бўлмоқда. Жумладан, 1 та ишловчига тўғри келувчи соф тушум ҳажми савдода 469,7 минг сўм, саноатда 194,7 минг сўм, қурилишда 168,2 минг сўм, яъни нисбатан юқори қийматга эга бўлган. 1 сўмлик асосий воситалар қийматига тўғри келувчи соф тушум ҳажми эса савдода 9,2 сўм, ахборот ва алоқада 2,9 сўм,

курилишда 2,8 сўмни ташкил этиб, нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган. 1 сўмлик инвестиция ҳажмига тўғри келувчи соф тушум ҳажми жиҳатидан савдо – 12,6 сўм, ахборот ва алоқа – 5,7 сўм, қурилиш – 5,0 сўм кўрсаткичлари билан юқори қийматни намоён этган.

Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликтининг иқтисодий самарадорлик даражасига таъсири динамикаси таҳлили асосида шуни хulosа қилиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларидаги кичик корхона ва микрофирмаларда иқтисодий омиллар ўртасидаги мутаносибик даражасини ошириш орқали иқтисодий самарадорликни янада ўстириш бўйича аҳамиятли захира ва имкониятлар мавжуд.

## **ІІІ БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **3.1-§. Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш**

Тадбиркорлик субъектлари, хусусан кичик бизнес корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини тадқиқ этишда “самарадорлик” тушунчасининг илмий талқинига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда, Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигига бағишланган диссертацион тадқиқот амалга оширилганини таъкидлаш лозим<sup>76</sup>. Мазкур тадқиқот ишида М.Жўрахонов турли олимлар томонидан самарадорлик талқинининг таҳлилий шарҳини амалга оширган (3.1-жадвал).

#### **3.1-жадвал**

#### **Турли олимлар томонидан самарадорлик талқинининг таҳлилий шарҳи<sup>77</sup>**

<b>Муаллиф</b>	<b>Самарадорлик талқинининг қисқача мазмуни</b>
В.Рожковский	Хўжалик фаолияти самарадорлиги ишлаб чиқариш омилларини ўзаро алоқасининг тўғри ташкил этилганлиги билан боғлиқ <sup>78</sup>
П.Друкер, Л.М.Коимбра	Менежмент барча тадбиркорлик фаолиятини қамраб олиши лозим. У иқтисодий занжирнинг барча босқичлари натижаси ва самарадорлигига мўлжалланган бўлиши лозим <sup>79</sup>
Б.Юсупов	Кичик бизнес самарадорлиги – иқтисодий салоҳиятдан тўлик фойдаланишдир <sup>80</sup>

<sup>76</sup> Қаралсин: Жўрахонов М.Э. Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш йўллари (Андижон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманганд мұҳандислик-технология институти, 2021.

<sup>77</sup> Муаллиф томонидан қуидаги манба асосида тузилган: Жўрахонов М.Э. Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш йўллари (Андижон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманганд мұҳандислик-технология институти, 2021.

<sup>78</sup> Рожковский В.А. Малый бизнес как фактор устойчивого развития сельских территорий // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2016, № 4 (138). С. 189-193.

<sup>79</sup> Друкер П. Задачи менеджмента в XXI в. Москва; Санкт-Петербург; Киев, 2000; Лино Маркес Коимбра. Теоретико-методологические основы предпринимательства и его значение в развитии экономики Мозамбика // Вестник ТГУ, выпуск 3 (143), 2015.

<sup>80</sup> Юсупов Б. Ўзбекистонда кичик бизнесни иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва имкониятлари // Халқаро молия ва ҳисоб илмий-электрон журнали. 2018, №6.

Н.А.Хомяченкова	Кичик корхоналарнинг мувозанатли ривожланишига, фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ички ва ташқи гурухларга бўлинади <sup>81</sup>
О.Митякова	Кичик бизненинг иқтисодий самарадорлиги - ташқи ва ички муҳит омилларининг комплекс таъсири асосидаги жараёндир <sup>82</sup>
А.Савичев	Кичик бизнес фаолияти самарадорлигини инновациялар билан боғлиқ, соҳа барқарор ривожланиши ҳам тадбиркорликнинг инновацион фаоллиги асосида тавсифлаган <sup>83</sup>
А.Вахобов, У.Зайнутдинова	Самарадорлик харажатларнинг камайиши ва натижавийликнинг ортиши <sup>84</sup>
Ш.Шодмонов	Самарадорлик натижавий кўрсаткичлар мутлоқ ҳажмининг ўзгаришидир <sup>85</sup>
Қ.Абдурахмонов	Самарадорликни натижанинг сарфларга нисбатан ўзгаришидир <sup>86</sup>

Юқоридаги иқтисодий самарадорликка берилган таърифлар асосида М.Жўрахонов ўзининг муаллифлик таърифини таклиф этган: “Демак, кичик бизнес ишлаб чиқариш омиллари самарадорлиги олинган иқтисодий натижани қилинган ресурслар сарфига нисбати асосида аниқланган кўрсаткичларни реал ўзгариб боришини ифодаловчи миқдор ва самара мезонлари йиғиндисидир”<sup>87</sup>.

Шунингдек, у кичик бизнес фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи тизимлар ва унинг натижавий кўрсаткичларини чизма кўринишида ифодалаган (3.1-расм).

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолашда ўртача миқдорлар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, мутлақ қийматларда ифодаланган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг

<sup>81</sup> Хомяченкова Н.А. Теоретические основы исследования устойчивого развития региона // Современные проблемы экономики, управления и юриспруденции: материалы Междунар. науч.-практ. конф. / ФГOU ВПО МГТУ. 2009. С. 879-882.

<sup>82</sup> Митякова О.И. Концепция устойчивого развития малых и средних предприятий //

<sup>83</sup> Савичев А.А. Факторы и условия устойчивого развития малого и среднего предпринимательства // Вестник университета. 2015, №4. С. 144-149.

<sup>84</sup> Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит. –Т.: 2011, №6. 3842 б.

<sup>85</sup> Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. Ш.Ш.Шодмонов (ва бошқ.): ТДИУ. Монография. –Т.: ADIBNASHRIYOTI, 2010. 159-б. (-256 б.)

<sup>86</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). –Т.: «Мехнат», 2004. -672 б.

<sup>87</sup> Жўрахонов М.Э. Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш йўллари (Андижон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган мұхандислик-технология институти, 2021.

кўрсаткичлари мазмуни ва тавсифидаги ўзгаришларни яққол англа б олиш муайян даражада мушкуллик туғдиради.



**3.1-расм. Кичик бизнес фаолияти самараадорлигига таъсири этувчи тизимлар ва унинг натижавий кўрсаткичлари<sup>88</sup>.**

<sup>88</sup> Жўрахонов М.Э. Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самараадорлигини ошириш йўллари (Андижон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Наманган мұхандислик-технология институти, 2021.

Дастлабки кўриб чиқиш муҳим бўлган ҳолат – бу мамлакатимиз худудлари бўйлаб битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи рўйхатдаги ходимлар ўртacha сони ҳисобланади (3.2-жадвал).


### 3.2-жадвал

#### **Ўзбекистонда худудлар бўйича битта кичик корхона ва микрофирмага тўғри келувчи рўйхатдаги ходимлар ўртacha сони, нафар<sup>89</sup>**

Худуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	3,9	4,0	4,1	4,1	3,3
Қорақалпоғистон Республикаси	3,6	3,5	3,6	3,8	3,2
Андижон	2,8	3,3	3,5	3,8	3,0
Бухоро	3,8	3,8	3,8	3,7	3,0
Жиззах	3,2	3,0	3,2	3,2	2,6
Қашқадарё	3,4	3,5	3,6	3,5	2,8
Навоий	3,8	3,8	4,0	3,3	2,7
Наманган	3,2	3,4	4,1	4,1	3,3
Самарқанд	4,5	4,4	4,4	4,5	3,3
Сурхондарё	3,8	3,8	4,0	3,7	2,8
Сирдарё	2,8	2,9	3,3	3,1	2,9
Тошкент	4,2	4,1	4,1	4,4	3,6
Фарғона	4,0	3,9	4,1	3,7	3,2
Хоразм	3,7	3,8	4,1	3,8	3,5
Тошкент ш.	4,9	4,9	4,8	5,1	3,9

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимиз бўйича битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи рўйхатдаги ходимлар ўртacha сони 2016 йилдаги 3,9 нафардан 2019 йилда 4,1 нафаргача ўсиб бориб, 2020 йилда 3,3 нафарга қадар пасайган. Ушбу ҳолатни 2019 йилда бошланган ҳамда 2020 йилда глобал миқёсда иқтисодиётга таъсир ўтказган короновирус пандемияси билан изоҳлаш мумкин. Мазкур ҳолатнинг таъсири қайси худудда энг қучли таъсир ўтказганини аниқлаш учун ходимлар сонининг 2016-2019 йиллардаги ўртacha қийматига нисбатан 2020 йилдаги сонини таққослаш муҳим ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар натижасини қуйидаги диаграмма орқали ифодалаш мумкин (3.2-расм).

<sup>89</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.



### 3.2-расм. Короновирус пандемияси таъсирида Ўзбекистон худудларида битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи ходимлар ўртача сонининг пасайиши<sup>90</sup>.

Диаграммадан кўринадики, 2020 йилдаги битта корхонага тўғри келувчи ходимлар сонининг 2016-2019 йиллардаги ўртача ходимлар сонига нисбати республика бўйича 0,82 ни ташкил этган. Мазкур кўрсаткичнинг пасайиши Сирдарё (0,95) ва Хоразм (0,91) вилоятларида нисбатан аҳамиятсиз бўлса, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё (0,74), Бухоро (0,78), Қашқадарё (0,79) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (0,79) сезиларли бўлган.

Навбатдаги кўрсаткич – битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушумнинг ўртача ҳажми ҳисобланади (3.3-жадвал).

<sup>90</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

### 3.3-жадвал

**Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ўртacha ҳажми, млн. сўм<sup>91</sup>**

Ҳудуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	425,1	480,5	702,1	746,4	690,6
Қорақалпоғистон Республикаси	258,9	284,3	450,4	488,7	481,2
Андижон	200,3	258,2	396,8	388,5	381,1
Бухоро	348,0	359,0	495,8	534,4	543,0
Жиззах	271,0	317,4	451,5	497,9	500,7
Қашқадарё	301,6	301,3	444,5	485,2	437,9
Навоий	322,2	350,5	544,4	496,7	376,5
Наманган	269,7	315,8	462,2	541,9	548,6
Самарқанд	539,8	558,2	726,0	757,3	595,4
Сурхондарё	298,3	343,4	540,2	507,1	472,3
Сирдарё	299,9	364,1	518,0	628,1	596,2
Тошкент	422,9	425,9	639,8	752,1	764,1
Фарғона	336,7	334,2	497,3	568,0	682,8
Хоразм	258,6	312,2	461,7	474,8	478,4
Тошкент ш.	793,3	917,2	1328,8	1395,6	1238,0

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимизда битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ўртacha ҳажми 2016 йилдан 2019 йилга қадар ошиб борган, 2020 йилга келиб, пандемия туфайли қисқарган. Ушбу ўзгариш турли ҳудудларда турлича йўналиш ва даражада бўлган. Жумладан, агар Фарғона (олдинги йилга нисбатан 120,2%), Бухоро (101,6%), Тошкент (101,6%), Наманган (101,2%) вилоятларида нисбатан аҳамиятли ўсиш бўлса, Навоий (75,8%), Самарқанд (78,6%) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (88,7%) сезиларли даражадаги пасайиш кузатилган.

Шунингдек, битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ўртacha ҳажмининг ҳудудлар бўйича тафовутланиши ҳам эътиборга молик

<sup>91</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

ҳисобланади. Агар 2020 йилдаги мамлакатимиз бўйича ўртача кўрсаткични 1 коэффициентга тенг деб олинса, у ҳолда фақат Тошкент шахри (1,79) ва Тошкент вилоятининг (1,11) кўрсаткичлари мазкур қийматдан юқори бўлиб, қолган вилоятлар қиймати паст. Айниқса, Андижон (0,55), Навоий (0,55), Қашқадарё (0,63), Сурхондарё (0,68), Хоразм (0,69) вилоятларида ушбу коэффициент жуда пастлигини кўриш мумкин.

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолашда асосий воситалар билан боғлиқ маълумотлар таҳлили муҳим ўрин тутади (3.4-жадвал).

### **3.4-жадвал**

#### **Ўзбекистонда худудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи асосий воситаларининг бошланғич (қайта тиклаш) қиймати, млн. сўм<sup>92</sup>**

Худуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	190,2	238,3	318,4	365,3	317,8
Қорақалпоғистон Республикаси	221,9	249,5	238,9	286,5	249,5
Андижон	87,5	132,3	179,7	203,0	224,7
Бухоро	138,3	169,0	235,4	299,5	296,5
Жizzах	135,1	151,4	219,5	425,5	443,4
Қашқадарё	122,6	141,2	171,2	221,5	203,0
Навоий	176,1	201,0	260,3	289,8	229,9
Наманганд	98,0	150,9	246,5	302,8	231,4
Самарқанд	204,9	247,5	337,0	409,5	320,2
Сурхондарё	138,4	171,5	267,1	291,1	228,0
Сирдарё	165,8	210,9	337,2	330,9	350,9
Тошкент	227,5	288,7	370,3	485,7	428,6
Фарғона	118,5	143,1	180,5	225,5	243,2
Хоразм	145,5	192,9	230,5	263,7	316,6
Тошкент ш.	336,8	408,0	594,5	545,5	422,5

Жадвал маълумотларидан кўринадики, қайд этилаётган рақамлар ўртача битта кичик бизнес корхонасининг асосий воситалар билан қуролланганлик

<sup>92</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

даражасини ифодалайди. Одатда, иқтисодиётда нарх индексининг ўсиб бориши шароитида мазкур кўрсаткич ҳам ошиб бориш тавсифига эга бўлади. Чунки, вақти вақти билан асосий воситаларнинг қиймати ҳам нарх индексидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайта баҳоланиб туради.

Бироқ, жадвал маълумотларидан кузатилганидек, 2020 йилда мамлакатимизнинг кўплаб худудларида битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи асосий воситаларининг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати олдинги йилга нисбатан пасайиб кетган. Масалан, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда мамлакатимиз бўйича битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи асосий воситаларининг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати 87%ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 77%, Навоий вилоятида 79%, Наманганд вилоятида 76%, Самарқанд вилоятида 78%, Сурхондарё вилоятида 78%ни ташкил этган. Тўғри, мазкур пасайишда коронавирус пандемиясининг таъсири аҳамиятли, бироқ бу ягона сабаб эмас. Чунки, битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи асосий воситаларнинг бошлангич (қайта тиклаш) қиймати бошқа йилларда, жумладан, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан Қорақалпоғистонда 96%ни, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан Сирдарёда 98%ни, Тошкент шаҳрида 92 фоизни ташкил этган. Бу ўринда мазкур кўрсаткичнинг пасайишига бошлангич (қайта тиклаш) қиймати нисбатан паст бўлган асосий воситаларга эга кичик бизнес корхоналари сонининг ўсиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи ўртacha кўрсаткичлардан яна бири асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми ҳисобланади (3.5-жадвал).

**Ўзбекистонда худудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажми, млн.**

**сўм<sup>93</sup>**

Ҳудуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	40,1	61,3	125,9	211,0	188,4
Қорақалпоғистон Республикаси	19,1	40,0	104,2	154,0	81,9
Андижон	14,7	29,2	69,4	129,2	133,2
Бухоро	24,3	39,6	94,5	198,6	123,0
Жиззах	32,6	52,0	92,2	316,9	510,1
Қашқадарё	31,5	28,8	43,7	298,4	76,3
Навоий	28,4	63,0	82,1	136,7	211,3
Наманган	43,7	46,2	118,9	230,2	247,1
Самарқанд	34,1	61,5	117,2	170,9	219,6
Сурхондарё	35,8	46,5	162,4	496,8	137,2
Сирдарё	55,0	77,4	153,9	269,6	214,0
Тошкент	43,1	73,8	130,4	215,4	158,0
Фарғона	25,6	33,1	84,3	146,1	147,0
Хоразм	27,2	47,3	60,6	134,2	115,1
Тошкент ш.	72,3	107,5	215,5	204,8	239,0

Мазкур кўрсаткичда, бошқаларга нисбатан, муайян барқарорлик ва изчилик пастлиги кузатилиди. Масалан, республика бўйича маълумотларни қаралса, ушбу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 2017 йилда 1,53 баравар, 2018 йилда 2,05 баравар ўсиб, 2019 йилда 1,68 баравар, 2020 йилда 0,89 баравар даражасига қадар пасайган. Худудлар бўйича олдинги йилга нисбатан кескин ўсиш ҳолатларини, масалан, Қашқадарё вилоятида (2019 йилда 6,83 марта), Сурхондарё вилоятида (2018 йилда 3,49 марта, 2019 йилда 3,06 марта) кузатиш мумкин. 2020 йилда олдинги йилга нисбатан киритилган инвестиция ҳажми Қашқадарё вилоятида 26%, Сурхондарё вилоятида 28%ни ташкил этган. Бу ўринда бекарорликнинг асосий сабаби инвестиция ҳажми кўрсаткичининг табиати билан ҳам боғлиқ. Агар инвестиция шароити, мухитида озгина ўзгариш сезилса, бу жалб этиладиган инвестиция ҳажмига

<sup>93</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

дархол таъсир кўрсатади. Айниқса, кичик бизнес корхоналарида ушбу кўрсаткичнинг “сезувчанлиги” даражаси янада юқори ҳисобланади.

Кичик корхоналар ва микрофирмалардаги битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ҳажми ўз навбатида маълум маънода мазкур соҳада ишловчиларнинг ўртacha меҳнат унумдорлигини ҳам ифодалайди (3.6-жадвал).

### **3.6-жадвал**


#### **Ўзбекистонда худудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалардаги битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ҳажми, млн. сўм<sup>94</sup>**

Худуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	108,5	121,5	171,7	181,7	210,2
Қорақалпоғистон Республикаси	72,1	80,8	125,5	129,5	149,1
Андижон	70,6	77,9	112,0	102,5	127,2
Бухоро	91,4	94,6	130,1	144,3	183,3
Жиззах	84,5	107,4	140,0	155,0	189,2
Қашқадарё	88,5	86,6	122,0	139,7	158,5
Навоий	85,1	93,1	137,7	148,7	137,5
Наманган	84,0	92,8	112,6	133,7	166,0
Самарқанд	118,8	127,4	166,5	168,4	181,7
Сурхондарё	78,9	91,4	136,1	135,6	166,9
Сирдарё	108,6	126,4	156,7	204,3	209,1
Тошкент	100,3	104,3	156,3	172,8	209,3
Фарғона	84,2	84,8	121,2	153,7	212,6
Хоразм	69,2	81,6	112,3	125,0	135,8
Тошкент ш.	160,7	188,3	277,3	272,4	318,7

Юқоридаги жадвалнинг маълумотларини аниқроқ тасаввур этиш учун айрим ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Яъни, таҳлил қилинаётган даврнинг ҳар бир йилидаги мамлакатимиз бўйича кўрсаткичларни 1,0 индексига teng деб қабул қилиб олиб, худудларнинг ушбу индексга нисбатан қийматини аниқлаймиз. Худудлар бўйича ҳосил бўлган индексларнинг беш йиллик даврини таққослаш маълум нокулайлик

<sup>94</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

туғдириши сабабли, уларнинг ўртача қийматини аниқлаб оламиз. Ушбу кўрсаткич ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ҳажмини 1,0 индексга тенглаштириб олинган мамлакат бўйича ўртача ҳажмига нисбатини ифодалайди (3.3-расм).



**3.3-расм. Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича 2016-2020 йилларда кичик корхоналар ва микро фирмалардаги битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ўртача ҳажми индекслари<sup>95</sup>.**

Диаграммадан кўринадики, республика бўйича битта ходимга тўғри келувчи соф тушум ўртача ҳажми индекс (1,0)дан фақатгина иккита ҳудуд – Тошкент шаҳри (1,53) ва Сирдарё вилояти (1,01) кўрсаткичлари юқори бўлмоқда. Қолган ҳудудларнинг кўрсаткичлари 1,0 дан паст бўлиб, энг паст кўрсаткич Андижон (0,62) ва Хоразм (0,66) вилоятларига тўғри келмоқда.

Кичик бизнес корхоналаридаги асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микро фирмалардаги бир сўмлик асосий воситага тўғри келувчи соф тушум ҳажми орқали баҳолаш мумкин (3.7-жадвал).

<sup>95</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” ийллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.


### **3.7-жадвал**

#### **Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бир сўмлик асосий воситага тўғри келувчи соф тушум ҳажми, сўм<sup>96</sup>**

<b>Ҳудуд</b>	<b>2016</b>	<b>2017</b>	<b>2018</b>	<b>2019</b>	<b>2020</b>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>2,2</b>	<b>2,0</b>	<b>2,2</b>	<b>2,0</b>	<b>2,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1,2	1,1	1,9	1,7	1,9
Андижон	2,3	2,0	2,2	1,9	1,7
Бухоро	2,5	2,1	2,1	1,8	1,8
Жиззах	2,0	2,1	2,1	1,2	1,1
Қашқадарё	2,5	2,1	2,6	2,2	2,2
Навоий	1,8	1,7	2,1	1,7	1,6
Наманган	2,8	2,1	1,9	1,8	2,4
Самарқанд	2,6	2,3	2,2	1,8	1,9
Сурхондарё	2,2	2,0	2,0	1,7	2,1
Сирдарё	1,8	1,7	1,5	1,9	1,7
Тошкент	1,9	1,5	1,7	1,5	1,8
Фарғона	2,8	2,3	2,8	2,5	2,8
Хоразм	1,8	1,6	2,0	1,8	1,5
Тошкент ш.	2,4	2,2	2,2	2,6	2,9

Мазкур жадвал маълумотлари ҳам йиллар ва ҳудудлар бўйича яхлит манзарани ҳосил қилиши мушкуллиги туфайли, уларнинг 2016-2020 йиллардаги кўрсаткичларининг ўртacha арифметик қийматини аниқлаб, куйидаги диаграмма орқали ифодалаш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади (3.4-расм).

<sup>96</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.



**3.4-расм. Ўзбекистонда худудлар бўйича 2016-2020 йилларда кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бир сўмлик асосий воситага тўғри келувчи соф тушум ўртача ҳажми, сўм<sup>97</sup>.**

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, таҳлил даврида кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бир сўмлик асосий воситага тўғри келувчи соф тушум ўртача ҳажми мамлакатимиз бўйича 2,1 сўмни ташкил этгани ҳолда, Фарғона вилоятида 2,7 сўм, Тошкент шаҳрида 2,5 сўм, Қашқадарё вилоятида 2,3 сўм, Намangan вилоятида 2,2 сўм, Самарқанд вилоятида 2,2 сўмни ташкил этган, яъни юқори бўлган. Аксинча, бу борадаги энг паст кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси (1,6 сўм), Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари (1,7 сўм), Навоий вилояти (1,8 сўм)га тўғри келган.

Мамлакатимиз худудлари бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи соф тушум ҳажми маълумотларини қуидаги жадвал орқали кўриш мумкин (3.8-жадвал).

<sup>97</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

### 3.8-жадвал


#### Ўзбекистонда худудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи соф тушум ҳажми, сўм<sup>98</sup>

Худуд	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	10,6	7,8	5,6	3,5	3,7
Қорақалпоғистон Республикаси	13,6	7,1	4,3	3,2	5,9
Андижон	13,7	8,9	5,7	3,0	2,9
Бухоро	14,3	9,1	5,2	2,7	4,4
Жиззах	8,3	6,1	4,9	1,6	1,0
Қашқадарё	9,6	10,4	10,2	1,6	5,7
Навоий	11,3	5,6	6,6	3,6	1,8
Наманган	6,2	6,8	3,9	2,4	2,2
Самарқанд	15,8	9,1	6,2	4,4	2,7
Сурхондарё	8,3	7,4	3,3	1,0	3,4
Сирдарё	5,5	4,7	3,4	2,3	2,8
Тошкент	9,8	5,8	4,9	3,5	4,8
Фарғона	13,1	10,1	5,9	3,9	4,6
Хоразм	9,5	6,6	7,6	3,5	4,2
Тошкент ш.	11,0	8,5	6,2	6,8	5,2

Юқорида таъкидланганидек, инвестиция ҳажми билан боғлиқ маълумотлар ўзининг “бир қолипга тушмаслиги” билан ажралиб туради. Бу ўринда ҳам ҳудди шундай манзарани кўриш мумкин: таҳлил даври бошида нисбатан юқори бўлган кўрсаткич йиллар давомида пасайиб бормоқда. Мамлакатимиз бўйича кўрсаткич 2016 йилдаги 10,6 сўмдан 2019 йилдаги 3,5 сўмга қадар пасайиб, 2020 йилда бироз, яъни 3,7 сўмга қадар ошган.

Мазкур кўрсаткич бўйича ҳам таҳлил давридаги ўртача арифметик қийматни аниқлаб, худудлар бўйича инвестицияларнинг самарадорлигини ўзаро таққослаш мумкин (3.5-расм).

<sup>98</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.



**3.5-расм. Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича 2016-2020 йилларда кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи соф тушум ўртача ҳажми, сўм<sup>99</sup>.**

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, мамлакатимиз бўйича 2016-2020 йилларда кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бир сўмлик инвестицияга тўғри келувчи соф тушум ўртача ҳажми 6,2 сўмни ташкил этгани ҳолда, Самарқанд вилоятида 7,7 сўмни, Тошкент шаҳри, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида 7,5 сўмни, Бухоро вилоятида 7,2 сўмни ташкил этган. Бу борада энг паст кўрсаткичлар қўйидаги вилоятларда қайд этилган: Сирдарё вилоятида 3,7 сўм, Наманган вилоятида 4,3 сўм, Жиззах вилоятида 4,4 сўм, Сурхондарё вилоятида 4,7 сўм.

### **3.2-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликни таъминловчи маъмурий дастакларнинг таъсирини мақбуллаштириш**


Қорақалпоғистондаги кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ ҳолат ҳамда уни таъминлаш

<sup>99</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами. - Т., 2017-2021.

борасидаги муаммоларни тадқиқ этишда мазкур диссертация доирасида қатор корхоналар иштирокида ижтимоий сўровнома ҳамда монографик тадқиқотлар ўтказилди. Бунда қуйидаги бешта кичик бизнес корхоналари танлаб олинди:

- 1) “Муратбек мебель” МЧЖ – мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган;
- 2) “Kardar” кўп тармоқли МЧЖ – ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш, савдо фаолиятларига ихтисослашган;
- 3) “Jipek joli” МЧЖ – меҳмонхона хизмати қўрсатишга ихтисослашган;
- 4) “Panamilk” МЧЖ – сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган;
- 5) “Iskander - Jansaga” МЧЖ – умумий овқатланиш ва савдо хизматини қўрсатишга ихтисослашган.

Мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги тўғрисидаги сўровнома натижаларини қуйидаги диаграмма орқали ифодалаш мумкин (3.6-расм).



**3.6-расм. Қорақалпоғистон кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги, сўралганларга нисбатан фоизда<sup>100</sup>.**


<sup>100</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Диаграмма маълумотларидан қўринадики, ўзлари фаолият юритаётган корхонада ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини сўралганларнинг “Муратбек мебель” МЧЖда 90%, “Kardar” МЧЖда 68%, “Jipek joli” МЧЖда 43%, “Panamilk” МЧЖда 83%, “Iskander - Jansaga” МЧЖда 49% қисми тасдиқлаган. Мазкур жавоб салмоқларидан қуидаги хулоса ва мулоҳазаларни илгари суриш мумкин:

- 1) корхонада ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ муаммолар мавжудлигининг “Муратбек мебель” МЧЖ (90%) ва “Panamilk” МЧЖ (83%) юқори даражада қайд этилишининг асосий сабаби – мазкур корхоналарнинг ишлаб чиқариш соҳасига ихтисослашганлигидир. Чунки, ишлаб чиқариш соҳасида асбоб-ускуналар, хомашё ва материаллар, бино ва иншоотларга бўлган эҳтиёж юқори даражада намоён бўлиб, у вақти-вақти билан турли омиллар таъсирида ўзгариб ҳам туради;
- 2) мазкур кўрсаткичнинг “Jipek joli” МЧЖда паст бўлиши (43%) мазкур корхонанинг меҳмонхона хизмати кўрсатишга ихтисослашганлиги билан изоҳланади. Одатда, хизмат кўрсатишнинг мазкур турида ишлаб чиқариш омилларига бўлган эҳтиёжнинг даврий тебраниши жуда паст бўлади;
- 3) мазкур кўрсаткичнинг “Kardar” кўп тармоқли МЧЖда нисбатан мўътадил бўлиши (68%) мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, савдо фаолиятларига ихтисослашганлиги билан изоҳланади. Агар ушбу корхонада ишлаб чиқариш омиллари ўртасида маълум даражада номутаносиблик пайдо бўлса, ишлаб чиқариш омилларини фаолиятнинг турли йўналишларига қайта тақсимлаш (жойлаштириш) орқали бартараф этиш имкони мавжуд бўлади.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашда мамлакатимиз худудларидаги кичик тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга масъул бўлган давлат ва жамоатчилик идораларининг ваколат ва имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг кенг тармоқли тизими фаолият

юритишини таъкидлаш лозим. “Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб ва қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажбрибаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, АҚШда 1953 йили кичик ва ўрта бизнес ишлари бўйича Администрация (КБА) ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича барча вазифалар (молиявий ёрдам, техник ва маслаҳат хизмати, давлат буюртмаларини олишга кўмаклашиш ва бошқалар) юклатилган. КБА таркиби уч босқичдан – АҚШ пойтахтидаги штаб-квартира, 10 та ҳудудий бошқарма ва 100 дан ортиқ маҳаллий бўлинмадан иборат. Улар бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалган тармоққа эга бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, коллежлар, университетлар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан яқин алоқада фаолият кўрсатади. АҚШда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш билан бошқа идоралар, хусусан, Ички ишлар вазирлиги, Уй-жой қурилиши ва шаҳарлар ривожланиши вазирлиги, миллий илм фонди, фермерлик бўйича Администрация, кичик бизнесни ривожлантириш марказлари ва институтлари, савдо-саноат палатаси каби 2700 дан ортиқ федерал идора шуғулланади”<sup>101</sup>.



**3.7-расм. Қорақалпоғистон кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда маҳаллий идоралар томонидан қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги, сўралганларга нисбатан фоизда**<sup>102</sup>.


<sup>101</sup> М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Фойибназаров, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 127-128-б. - <https://e-library.namdu.uz>

<sup>102</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда маҳаллий идоралар томонидан қўллаб-куватлашнинг зарур деб ҳисобловчиларнинг салмоғи “Муратбек мебель” МЧЖда 85%, “Kardar” МЧЖда 45%, “Jipek joli” МЧЖда 30%, “Panamilk” МЧЖда 79%, “Iskander - Jansaga” МЧЖда 51%ни ташкил этган. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, сўралганларнинг асосий қисми мазкур муаммонинг аҳамиятини ҳис этган ҳолда, уни бартараф этишда маҳаллий давлат ва жамоатчилик идораларининг иштироқини юқори баҳолайди.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш, жумладан уларнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга таъсир кўрсатувчи шарт-шароитларни вужудга келтиришда маҳаллий давлат ва жамоатчилик идораларининг роли аҳамиятли ҳисобланади. Жумладан, маҳаллий ҳокимиятлар, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ҳудудий ваколатли оғислари, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари бу борада асосий масъул идоралардан ҳисобланади.

Фикримизча, ушбу идоралар олдида турган муҳим вазифалардан бири – кичик бизнес корхоналарининг самаравали фаолиятини таъминлаш экан, демак, улар ихтиёридаги ишлаб чиқариш омилларининг ҳам юқори самарадорлик даражасини таъминловчи таркибини шакллантириш устувор аҳамият касб этади. Бунинг учун мазкур идоралар томонидан ўзига хос механизмнинг ишлаб чиқилиши ва йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ (3.8-расм).



### 3.8-расм. Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари бўйича номувофиқликни аниқлаш ва бартараф этиш механизми<sup>103</sup>.

Мазкур механизмнинг амал қилиш тартибини қўйидаги изчиллик орқали баён этиш мумкин.

1. Худуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи идоралар, жумладан, маҳаллий ҳокимият идоралари, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг худудий ваколатли оғислари, Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармалари томонидан биргаликда ишлаб чиқариш омилларининг турлари бўйича кичик бизнес корхоналаридағи ўзаро ички ҳаракатини таъминловчи гурухлар шакллантирилди.

2. Мазкур гурухлар, масалан, хомашё, материаллар ва бутловчи қисмлар бўйича тузилганда, ўз ишлаб чиқариш фаолиятида бир хил ёки нисбатан яқин бўлган хомашё ва материаллардан фойдаланиб келаётган кичик бизнес корхоналарининг ўз ихтиёрларига кўра электрон шаклдаги платформа (рўйхат) тарзида шакллантирилди. Бундан мақсад, бирон-бир гуруҳ аъзосида

<sup>103</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

муайян хомашё ёки материал тури бўйича етишмовчилик ёки эҳтиёждан ортиқчалик ҳолати вужудга келган ҳолда, у гурухнинг бошқа аъзоларига бу ҳақида хабар беради.

3. Мазкур хабар, ўз навбатида худуддаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи идоралар томонидан ташкил этилган бирлашган мониторинг марказига ҳам келиб тушади. Агар гуруҳдаги корхоналар мазкур хомашё етишмовчилиги ёки ортиқчалигини ўзаро манфаатли алмашинув орқали ҳал этсалар, мониторинг маркази томонидан ҳеч қандай хатти-ҳаракат талаб этилмайди.

4. Бунда жараён амалга ошмаган ва гурух аъзосининг талаби қондирилмаган ҳолатда, мониторинг маркази ўз маълумотлари асосида гурух аъзолари ўртасига мазкур муаммони ҳал этиш бўйича ўзининг таклиф ва тавсияларини тақдим этади. Ушбу таклиф ва тавсиялар бу борадаги мутахассисларнинг мавжуд маълумотлар, ахборотлар базаси, маҳсус ҳисоб-китоблар, прогнозлар ва бошқа пухта ишлаб чиқилган сценарийларига асосланган бўлади.

5. Кичик бизнес корхоналарининг ўзаро ички ҳаракатини таъминловчи гуруҳларга бирлашишини рағбатлантирувчи дастак – бу муаммонинг ҳал этилишида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватловчи идоралар томонидан тақдим этилувчи амалий ёрдам ҳисобланади. Бунинг учун мазкур идоралар томонидан шакллантирилган ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлашга мўлжалланган ресурслар захирасидан фойдаланилади. Яъни, бирон-бир корхонада хомашё етишмаслиги ёки ортиқчалиги вужудга келган тақдирда, ушбу номувофиқликни гуруҳдаги бошқа корхоналар иштирокида ҳал этиш имкони топилмаса, у ҳолда бирлашган мониторинг марказининг қарорига кўра ушбу корхонага зарур миқдордаги тегишли хомашё олиб берилиши, ёки аксинча, корхонадаги ортиқча хомашёни захира учун сотиб олиниши мумкин.

Юқоридаги механизмнинг амалга ошиш мазмунидан қўринадики, мазкур чора-тадбирлар кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларининг

етишмаслиги ёки ортиқча қисмининг муомаладан ташқаридан туриб қолмаслиги, яъни номутаносиблик хавфини пасайтиради. Бу эса, ўз навбатида, ушбу корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Фикримизча, корхонада ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати ва шундан келиб чиқсан ҳолда, улардан фойдаланиш самарадорлигини мунтазам баҳолаб борилиши лозим. Бунинг энг мақбул йўлларидан бири – кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотга эга идоралар салоҳиятидан фойдаланиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунининг “Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари” деб номланган 9-моддасида: “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонунчилик талабларига мувофиқ юритиши;

ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисботларни тегишли давлат органларига белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиши шарт”<sup>104</sup> деган қоидалар белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мазкур Конунинг “Ҳисоб ва ҳисбот” деб номланган 17-моддасида: “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисоб ва ҳисботни қонунчиликка мувофиқ юритади. Ҳисбот тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра қоғозда ва (ёки) электрон шаклда тайёрланиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда тақдим этилган ҳисботи тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Давлат тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда ҳисоб юритилишини дастурий таъминотни имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали рағбатлантиради.


---

<sup>104</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ти Конуни, 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. - <https://lex.uz/acts/2006789>

Кичик тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига, якка тартибдаги тадбиркорлар эса, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклларда ҳисобот тақдим этади”<sup>105</sup> деган меъёрлар қайд этилган.

Бундан кўринадики, мамлакатимизда кичик бизнес корхоналари давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига мажбурий тарзда ўз молиявий-хўжалик фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини мунтазам баҳолаб боришда кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотга эга идоралар салоҳиятидан фойдаланиш механизмини қуидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (3.9-расм).



шунингдек, банк кредитлари олиш мақсадида шартнома тузилган тижорат банклари, турли мажбурий ва ихтиёрий тавсифдаги сұғурта хизматларини күрсатувчи сұғурта компаниялари, бухгалтери ҳисоби ва аудити хизматларини күрсатувчи консалтинг ташкилотлари ва бошқа молиявий идораларга ҳам тақдим этиши мүмкін. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу молиявий ташкилот ва идораларда корхоналарнинг молиявий-хўжалик ҳужжатларидан улардаги жорий ҳолат ва истиқболдаги юзага келиши мүмкін бўлган вазиятни баҳолаш имконига эга бўлган мутахассислар фаолият юритадилар. Шу ўринда, фикримизча, мазкур ташкилот ва идораларда фақатгина тор функцияларга асосланган хизмат кўрсатиш билан чекланмасдан, балки мижоз (кичик бизнес корхонаси)нинг буюртмаси асосида корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш юзасидан катта салоҳият мавжуд. Мазкур салоҳиятдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини қўйидаги асосий жиҳатлар орқали асослаш мүмкін:

- 1) мазкур молиявий ташкилот ва идоралар (давлат статистика органлари, давлат солиқ хизмати органлари, тижорат банклари, сұғурта компаниялари, консалтинг ташкилотлари ва бошқалар) ўз мижозлари ҳисобланган кичик бизнес корхонаси фаолиятининг барқарорлигидан манфаатдор ҳисобланади;
- 2) мазкур молиявий ташкилот ва идораларнинг ихтиёрида ҳар бир мижоз (кичик бизнес корхонаси)нинг хўжалик-молиявий фаолияти бўйича даврий ҳисоботлар ва қўшимча маълумотлар мавжуд;
- 3) мазкур молиявий ташкилот ва идоралар (давлат статистика органлари, давлат солиқ хизмати органлари, тижорат банклари, сұғурта компаниялари, консалтинг ташкилотлари ва бошқалар) томонидан ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бундай

хизматни тақдим этиш томонларнинг ўзаро келишувига кўра умумий шартнома бандига киритиш ёки қўшимча ҳақ тўлаш эвазига ташкил этилиши мумкин.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни кучайтириш соҳа иқтисодий фаолияти барқарорлиги хамда рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу борада жуда кўплаб йўналишдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амлга ошириш мумкин. Шулардан бири – ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишdir.

Кичик бизнес корхоналарида ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлигига тўсқинлик қилувчи омиллар:

- кўп ҳолларда ишловчиларнинг малака ва кўнишка даражасининг нисбатан пастлиги;
- ишловчиларнинг асосий воситалар ва техника билан қуролланганлик даражасининг пастлиги;
- кичик бизнес корхоналаридаги мавжуд асосий восита, техника ва технологияларнинг янгилиги ва замонавийлиги жиҳатидан салмоғининг пастлиги;
- меҳнатни илмий ташкил этиш қоидаларига риоя қилмаслик;
- меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув даражасининг пастлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес корхоналарида асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигига тўсқинлик қилувчи омиллар:

- мавжуд асосий воситаларнинг таркиби жиҳатидан ишлаб чиқариш жараёнлари мазмунига тўлиқ мос келмаслик;
- асосий воситалар янгиланиш даражасининг сустлиги;
- кўп ҳолларда кичик бизнес корхоналари томонидан илгари ишлатилган, яроқлилик муддати ўтган асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг қўлланилиши;
- малакали мутахассислар (масалан, ускуналарни ўрнатувчи, ишга туширувчи, техник жиҳатдан назорат қилувчи, таъмирловчи ва бошқалар)нинг

етишмаслиги сабабли замонавий техника ва технологиялар ишсиз туриб қолиши ҳолатларининг мавжудлиги.

Кичик бизнес корхоналарида хомашё ва материаллардан фойдаланиш самарадорлигига тўсқинлик қилувчи омиллар:

- айрим хомашё ва материалларни сифати, нархи ва бошқа параметрлари бўйича эркин танлаш ва харид қилиш имкониятларининг чекланганлиги;
- айрим ҳолларда йирик ишлаб чиқарувчи ёки таъминотчилардан харид қилиниши мумкин бўлган хомашё ва материаллар минимал ҳажмини қатъий белгилаб қўйилганлиги;
- аксарият кичик бизнес корхоналарида хомашё ва материаллар сарфи бўйича илмий асосланган меъёрларга риоя қилинмаслиги ва ҳ.к.

Шу билан бирга, кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишни корхона ҳаёт циклининг ҳар бир босқичида таъминлаш муҳим ҳисобланади. Кўп ҳолларда таҳлилчи ва мутахассислар томонидан ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишда бевосита ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига эътибор қаратилиб, унинг дастлабки, тайёргарлик босқичи назардан четда қолади. Қуйида ушбу босқичларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

### **1. Бизнес-ғоя ва бизнес-режани тайёрлаш босқичида.**

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ўзининг дастлабки босқичида бизнес-ғоя шаклида намоён бўлади. Тўғри, тадбиркорлик фаолиятининг миёси, унинг ташкил топиш хусусиятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда бизнес-ғоянинг пайдо бўлиши ва амал қилиши муддати ва аниқлилик даражаси кескин равища тафовутланиши мумкин. Айрим йирик лойиҳаларнинг бизнес-ғоялари нисбатан узоқ вақт давомида турли “чиғириқлардан” ўтиб, кейин амалиётга татбиқ этилса, бошқа бир кичик ҳажмдаги лойиҳа ёки ишларнинг ғояси бирдан пайдо бўлиб, қисқа муддатга ишга тушиб кетиши мумкин.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аксарият ҳолатларда бизнес-гоянинг муваффақияти уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муддати билан тўғри боғлиқликда бўлади.

Бизнес-гоя билан боғлиқ муаммолар сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 1) ишлаб чиқариш омиллари, жумладан, ишчи кучининг миқдори ва сифати жиҳатидан талабга тўлиқ мувофиқ келишининг пухта асосланмаслиги;
- 2) ишлаб чиқариш воситаларининг техник тавсифлари тўлиқ баён этилмаслиги;
- 3) ишлаб чиқариш омиллари таркиби ва уларнинг техник ҳолати билан боғлиқ рискларнинг етарли даражада ўрганилмаслиги ва х.к.

Бу ўз навбатида бизнес-режани ишлаб чиқиша ишлаб чиқариш омиллари ва улар ўртасидаги мутаносиблик масалаларига алоҳида эътибор берилишини ҳам тақозо этади. Бунинг учун бизнес-режада ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ маълумотларнинг аниқлик даражасини ошириш зарур бўлади.

## **2. Корхонани ташкил этиш босқичида (ташкилий-хуқуқий шаклнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлиқлиги).**

Хар қандай корхона ҳам ўз ҳаётий циклини уни ташкил этилишидан бошлайди. Бироқ, кичик бизнес субъектларида корхонани ташкил этиш жараёнлари кўп ҳолларда ўта енгиллик билан, унда кейинчалик келиб чиқиши мумкин бўлган муаммо ёки мунозарали ҳолатларни эътиборга олмаган ҳолда амалга оширилади. Айниқса, корхонанинг ташкилий-хуқуқий шаклини танлашда шу давргача бўлган жараёнларга эргашиш ҳолатлари қўзга ташланади. Яъни, корхона фаолиятининг тавсифи, унинг эгалари ва таъсисчилари, асосий ходим ва ишловчиларининг манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ташкилий-хуқуқий шаклини белгилаш жараёнлари синчковлик билан ўрганилмайди. Бунинг натижасида корхона ташкилий-хуқуқий шаклининг истиқболдаги ишлаб чиқариш самарадорлиги билан боғлиқлигини таъминлаш паст даражада амалга оширилади.

### **3. Корхонанинг фаолият кўрсатиши даврида.**

Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик корхонадаги ходимлар таркибини шакллантириш, уларни ишга ёллаш учун танлаш, иш фаолияти давомида малакасини ошириб бориш; хомашё ва материал захирасини шакллантириш, ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари қуриш ёки ижара олиш каби масалаларни ҳал этиш жараёнларида эътиборга олиниши лозим.

#### **3.3-§. Кичик бизнес корхоналарида иқтисодий ресурслар тақсимотининг бозор механизмини кучайтириш**

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири – иқтисодий ресурслар тақсимотининг бозор механизмини кучайтириш ҳисобланади. Мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни самарали амалга ошириш унинг асосий элементлари тавсифини тадқиқ этиш ҳамда бу борада илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

##### **1. Хомашё ва материалларни харид қилишнинг бозор механизмларини кучайтириш.**

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларининг мутаносиблигини таъминлашдаги муҳим йўналишлардан бири – бу ҳажм жиҳатдан нисбатан ўзгарувчан ва мослашувчан ҳисобланувчи хомашё ва материалларга эришиш имкониятларини ошириш ҳисобланади. Зеро, агар зарур сифат ва ҳажмдаги хомашё ва материалларни ортиқча қийинчилик ва тўсқинликларсиз харид қилиш имкони бўлса, у ҳолда кичик бизнес субъектлари уларнинг бошқа ишлб чиқариш омиллари билан мутаносиблигини таъминлаш имконига эга бўладилар.

Хомашё тақчиллигининг сабаблари:

- хомашёнинг айрим муҳим турларига монополиянинг мавжудлиги;

- хомашё ва товар биржаларида кичик бизнс субъектлари учун етарли шароит ва имкониятларнинг таъминланмаганлиги;

- хомашё ва материалларни майда партияларда ва кичик ҳажмда сотишига қизиқиши йўқлиги;

Кичик бизнес субъектлари томонидан хомашё ва материалларни сотиб олиш манбалари йўналишлари:

- чакана ва улгуржи савдо дўконлари;

- хомашё ва материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирмадўконлари;

- ихтисослашган бозорлар ва савдо мажмуалари;

- товар-хомашё биржалари;

- бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналар;

- хорижий компаниялар (тўғридан-тўғри импорт қилиш) ва ҳ.к.

Мазкур манбаларни кичик бизнес корхоналарининг хомашё ва материаллар таъминотига масъул вакиллари ўртасида баҳолаш натижаларини қуидаги жавдал орқали кузатиш мумкин (3.9-жадвал).

### 3.9-жадвал

#### Кичик бизнес корхоналарининг хомашё ва материаллар таъминотига

#### масъул вакиллари ўртасида баҳолаш натижалари<sup>107</sup>

Манба	Нарх	Ҳажм	Кулайлик	Сифат	Кафолат	Ўртача баҳо
Чакана ва улгуржи савдо дўконлари	1	1	3	3	2	2
Хомашё ва материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирмадўконлари	3	4	4	4	4	3,8
Ихтисослашган бозорлар ва савдо мажмуалари	2	3	2	5	1	2,6
Товар-хомашё биржалари	4	4	3	4	1	3,2

<sup>107</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналар	5	5	5	4	5	4,8
Хорижий компаниялар (тўғридан-тўғри импорт қилиш)	3	3	1	5	3	3

3.9-жадвал маълумотларидан кўринадики, хомашё ва материалларни бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўзидан шартнома асосида сотиб олиш манба сифатида энг юқори баҳога (4,8 балл) эга бўлган. Деярли барча баҳолаш мезонлари бўйича максимал баллда баҳоланганд. Фақат сифат мезони бўйича 4 балл даражасида баҳоланганд. Кичик бизнес корхоналарининг хомашё ва материаллар таъминотига масъул вакилларининг бундай муносабатларини мазкур корхоналардан хомашё ва материалларни сотиб олишда сифат жиҳатидан танлов имкониятларининг бироз чекланиши орқали изоҳлаш мумкин.

Навбатдаги манба мазкур хомашё ва материалларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фирма-дўконлари ҳисобланиб, уларнинг ўртача баҳоси 3,8 баллни ташкил этган. Улар сотиб олиш ҳажми, қулайлиги ва сифати, кафолат даражаси бўйича 4 баллдан баҳоланганд. Фақатгина нарх мезони бўйича 3 балл берилган. Бунинг сабабини фирма-дўконларда нархнинг нисбатан мослашувчан эмаслиги, уларда бевосита корхонадаги сингари нарх бўйича имтиёз ва бонуслар тизими амал қиласлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзининг мезонлар бўйича баҳоланиши жиҳатидан кейинги ўринда товар-хомашё биржалари баҳоланганд (3,2 балл). Мазкур манба бўйича хариднинг кафолатлилиги (1 балл) ва қулайлик (3 балл) мезонлари нисбатан паст баҳо олган. Агар товар-хомашё биржасида иштирок этиш учун маълум хужжатлар тўпламини расмийлаштириш, ундаги савдоларда иштирок этиш учун қатъий талабларнинг амал қилиши унинг қулайлик даражасини пасайтирса, товар-хомашё биржасидаги кўплаб омиллар туфайли савдо жараёнларида иштирок этмаслик хавфининг кучлилиги кафолатлилик даражасини пасайтириб юборади.

Хомашё ва материалларни хорижий компаниялардан тўғридан-тўғри импорт қилиш орқали сотиб олиш навбатдаги даража (3 балл)ни намоён этади. Ушбу манба мезонларида энг паст – 1 балл даражасида қулайлик ва энг юқори – 5 балл даражасида сифат мезонларини кузатиш мумкин. Сабаби – хорижий мамлакатлардан хомашё импорт қилиш нисбатан узок вақт талаб қилувчи, мashaққатли ва риски юқори жараён ҳисобланади. Бироқ, айни пайтда, хорижий хомашё ва материаллар мамлакат ичкарисидаги аналогларига нисбатан анча сифатли бўлиши эҳтимоли юқори ҳисобланади.

Навбатдаги манба сифатида ихтинослашган бозорлар ва савдо мажмуалари ўрин олиб (2,6 балл), улар фақат сифат мезони бўйича энг юқори баҳо олган. Яъни, мазкур бозорлардан миллий ёки хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифат бўйича турли вариантларини харид қилиш имконига эга бўлиш мумкин. Бироқ, кафолат жиҳатидан ушбу манбага бўлган ишонч анча паст 1 балл даражасида баҳоланганд. Чунки, мазкур бозорлардаги сотувчилар кўп ҳолларда хомашё ёки материалларнинг бошқа мезонлар бўйича талабларига кафолат берга олмайдилар.

Бу борадаги энг паст баҳога чакана ва улгуржи савдо дўконлари (2 балл) эга бўлиб, мазкур муносабат нархнинг нисбатан юқорилиги ва зарур ҳажмдаги хомашё ва материалларни етказиб беришдаги муаммоларнинг вужудга келиши билан изоҳланади.

## **2. Хомашё ва материаллар етказиб бериш бўйича йирик ишлаб чиқарувчилар билан кичик бизнес корхоналарининг ҳамкорлик имкониятларини ошириш.**

Юқоридаги таҳлил маълумотларидан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг хомашё ва материалларни харид қилишнинг энг самарали манбай бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Бироқ, одатда мазкур корхоналар ўз фаолият кўламига кўра йирик бўлиб, кичик бизнес субъектларининг улар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиши доимо осон кечмайди. Бунинг асосий сабаблари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1) йирик ишлаб чиқарувчининг бошқарув тузилмасининг ўта бюрократлашганлиги;

2) кичик бизнес субъектлари томонидан харид қилиниши мумкин бўлган хомашё ва материаллар ҳажмининг нисбатан кичиклиги туфайли йирик ишлаб чиқарувчидаги қадар қизиқиш уйғотмаслиги;

3) кичик бизнес субъектлари сонининг нисбатан кўплиги сабабли улар билан ҳамкорлик қилиш ортиқча харажатларни келтириб чиқариши;

4) кичик бизнес субъектларида аксарият ҳолларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги, харид қилинган хомашё ва материаллар учун тўловларда қийинчиликларнинг вужудга келиши;

5) кўп ҳолларда кичик бизнес субъектларининг бухгалтерия ва молиявий ҳужжатларида аниқлик ва шаффофликнинг етишмаслиги ва ҳ.к.

Хомашё ва материаллар етказиб бериш бўйича йирик ишлаб чиқарувчилар билан кичик бизнес корхоналарининг ҳамкорлик имкониятларини ошириш юзасидан қуидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

1) йирик ишлаб чиқарувчилар хоашё ва материаллар сотув ҳажмининг муайян қисмини кичик бизнес субъектларига сотилишининг белгилаб қўйилиши;

2) хомашё ва материалларнинг кичик бизнес субъектларига сотилган қисмидан тушган тушумни пасайтирилган ставкаларда солиқقا тортилиши;

3) йирик ишлаб чиқарувчиларнинг кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорлик фаолиятини юритувчи вакиллик тузилмаси (бўлим, шўба корхона (фирма), нодавлат-нотижорат ташкилоти кўринишидаги воситачи муассаса ва ҳ.к.)нинг ташкил этилиши;

4) кичик бизнес субъектлари томонидан матлубот (истеъмолчилар жамияти) ёки кооперативи тузилиши ва ҳ.к.

### **3. Ишлаб чиқариш воситаларига эришиш йўлидаги муаммоларни бартараф этиш.**

Кичик бизнес субъектлари вакиллари орасида ишлаб чиқариш воситаларига эришиш йўлида энг кўп учрайдиган муаммоларни аниқлаш борасида ўтказилган сўровнома натижаларини қўйидаги жадвал орқали кузатиш мумкин (3.10-жадвал).

#### **3.10-жадвал**

##### **Кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш воситаларига эришишдаги муаммолар<sup>108</sup>**

<b>Муаммо мазмуни</b>	<b>Солиштирма салмоғи, фоиз</b>
Молиявий маблағларнинг етишмаслиги	25
Кичик бизнес субъекти таркибида моддий таъминот бўйича маҳсус тузилма ёки хизматнинг мавжуд эмаслиги	12
Катта ҳажмдаги хомашё ва материалларни саклаш учун маҳсус иншоотлар (омбор, ёпиқ бино, маҳсус ажратилган майдон ва ҳ.к.)нинг мавжуд эмаслиги	10
Ишлаб чиқариш воситалари ҳамда уларнинг сотувчилари тўғрисида мунтазам янгиланиб борувчи ахборот манбаларининг етарли эмаслиги	15
Ишлаб чиқариш воситаси сотувчисининг кичик бизнес субъектлари билан узоқ муддатли шартномалар тузишга қизиқишининг мавжуд эмаслиги	9
Ишлаб чиқариш воситалари бозорида харид қилиш ва сотиш жараёнларидаги мобилликнинг бир хил даражада эмаслиги	18
Товар-хомашё биржалари ва маҳсус савдо платформаларида иштирок этишдаги чекловларнинг мавжудлиги	11

Жадвал маълумотларидан кўринадики, энг катта муаммо – бу кичик бизнес корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминлашда молиявий маблағларнинг етишмаслиги ҳисобланади (жами сўралганларнинг 25 фоизи).

Кичик бизнес корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминлашда молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этишда қўйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

- 1) ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш учун мақсадли ва имтиёзли кредитлар ажратиш;

<sup>108</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

- 2) кичик бизнес субъектларига ихтисослашган лизинг муассасалари тармоғини кенгайтириш керак;
- 3) ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш бўйича тармоқ ва худудий кооперацияларни ташкил этиш;
- 4) маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан фоизсиз тўловлар асосида маблағ тақдим этувчи ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш жамғармасини ташкил этиш ва ҳ.к.

Навбатдаги муаммо – ишлаб чиқариш воситалари бозорида харид қилиш ва сотиш жараёнларидаги мобилликнинг бир хил даражада эмаслигини респондентларнинг 18 фоизи таъкидлаган. Яъни, кичик бизнес субъектлари ўз ишлаб чиқариш фаолиятлари учун зарур бўлган хомашё, материаллар, асбобускуна ва бошқа жиҳозларни турли манбалар орқали сотиб олишни маълум даражада амалга ошириш имконига эга бўлсаларда, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан ортиқча қисмини қайта сотиш жараёнлари у қадар осонлик билан амалга ошмаслиги мумкин. Шунга кўра, фикримизча, кичик бизнес корхоналарининг ўз ихтиёрларида жорий истеъмол учун етарли бўлган ишлаб чиқариш воситалари ҳажмини сақлаш, яъни, эҳтиёждан ортиқча ишлаб чиқариш воситаларининг омборлар ёки ишлаб чиқариш жараёнларидан бўш туриб, ўз сифати ва жисмоний тавифларини йўқотишининг олдини олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш воситалари бозорида харид қилиш ва сотиш жараёнларининг самарали рўй беришини таъминловчи электрон платформаларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Сўралганларнинг 15 фоизи ишлаб чиқариш воситалари ҳамда уларнинг сотувчилари тўғрисида мунтазам янгиланиб борувчи ахборот манбаларининг етарли эмаслигини таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, рақобат тобора кескинлашиб борувчи бозор шароитида бозор иштирокчилари аниқ, асосли ва янги ахборотларга кучли эҳтиёж сезадилар. Бироқ, кичик бизнес соҳасида бу борадаги асосий муаммо – ишлаб чиқарувчиларнинг тарқоқлиги, кўлами жиҳатидан кичиклиги, тақдим этиладиган ахборотнинг давомийлиги ва

мунтазамлиги жиҳатидан эҳтиёжнинг у қадар кучли эмаслиги мазкур муаммонинг марказлашган ҳолда ҳал этилишига тўсқинлик қиласди. Тўғри, бозор шароитида ушбу масалани тижорат асосида ҳал этувчи бозор инфратузилмаси муассасалари – турли ахборот ва реклама агентликлари, оммавий ахборот воситалари, электрон ижтимоий тармоқлар ва бошқалар ўз хизматини тақдим этади. Аммо, мазкур муассасалар томонидан тақдим этилаётган ахборотлар кўпинча тижорий аҳамият касб этиб, улардаги маълумотларнинг тавсифи жиҳатидан тарқоқлиги, айрим ҳолларда асосли эмаслиги ва кафолатланмаганлиги, муайян тизимга солинмаганлиги каби жиҳатларига кўра фойдаланиш учун самарасиз ҳисобланади. Шу боис, фикримизча, кичик бизнес субъектларининг фаолият соҳаси йўналишидан келиб чиқсан ҳолда тармоқлар бўйича бошқарув вазирлиги ёки доралари ҳамда ҳудудлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш идоралари (масалан, Савдо-саноат палатаси, маҳаллий ҳокимият, Иктисолий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудий бўлинмалари ва бошқалар) томонидан кичик бизнес субъектларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва уларга сифатли, асосли ва мақсадга йўналтирилган ахборотлрни етказиб бериш бўйича электрон шаклдаги Ахборот марказлари платформаларини тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес субъекти таркибида моддий таъминот бўйича маҳсус тузилма ёки хизматнинг мавжуд эмаслиги муаммоси респондентларнинг 12 фоизи томонидан белгиланган. Одатда, кичик бизнес субъектлари уларда ишловчилар нуқтаи назаридан кам сонли, ихчам ҳажмда бўлади. Чунки, мазкур корхоналардаги ишловчилар сонининг асоссиз равишда кўпайтириб юборилиши, бир томондан, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатса, бошқа томондан, мазкур корхоналарнинг “кичик бизнес субъекти” мақоми чегарасидан чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра, одатда йирик корхоналарда фаолият кўрсатадиган турли маҳсус бўлим ёки хизматлар кичик бизнес корхоналарида бўлмаслиги табиий.

Бироқ, кичик бизнес корхоналарининг моддий ресурслар таъминотига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ушбу камчиликни бартараф этиш ҳамда бу борадаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида қуидагиларни таклиф этиш мумкин:

- корхоналарнинг бир турдаги хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ёки асбоб-ускуналарга эҳтиёжи мавжуд бўлганда, мазкур эҳтиёжни кичик гурухларга бирлашган ҳолда, яъни кооперациялар ташкил этиш йўли билан биргаликда қондириш;
- тегишли фаолият йўналиши бўйича тармоқ вазирлиги ёки бошқарув идораси таркибидаги барча кичик корхоналар фойдаланиши мумкин бўлган тармоқ кичик бизнес корхоналари моддий таъминот хизмати фаолиятини йўлга қўйиш;
- бир неча кичик бизнес корхоналари томонидан ҳамкорликда моддий таъминот хизматини аутсорсинг қўринишида тақдим этувчи тижорат корхонаси ёрдамидан фойдаланиш.

Юқоридаги таклифларда илгари сурилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, фикримизча, иқтисодий ресурслар тақсимотининг бозор механизмини кучайтириш орқали кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблигини таъминлашга имкон яратади.

### **Учинчи боб бўйича хулоса**

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишда бевосита ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига эътибор қаратилиб, унинг дастлабки, тайёргарлик босқичи назардан четда қолади. Шунга кўра, ишда бизнес-ғоя ва бизнес-режани тайёрлаш босқичи таҳлил қилиниб, аксарият ҳолатларда бизнес-ғоянинг муваффақияти уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муддати билан тўғри боғлиқликда бўлиши аниқланди.

Корхонада ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати ва шундан келиб чиқсан ҳолда, улардан фойдаланиш самарадорлигини мунтазам

баҳолаб борилиши лозим. Бунинг энг мақбул йўлларидан бири – тижорат банклари салоҳиятидан фойдаланиш ҳисобланади. Маълумки, тижорат банклари ўз мижозлари фаолиятининг барқарорлигидан манфаатдор ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг ихтиёрида ҳар бир мижознинг хўжалик-молиявий фаолияти бўйича маълумотлар мавжуд. Шундай экан, тижорат банклари, зарур бўлса, қўшимча ҳақ тўлаш эвазига ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес субъектларининг хомашё ва материалларни харид қилишнинг энг самарали манбай бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Бироқ, одатда мазкур корхоналар ўз фаолият кўламига кўра йирик бўлиб, кичик бизнес субъектларининг улар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиши доимо осон кечмайди. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуидагиларни кўрсатиш мумкин:

йирик ишлаб чиқарувчининг бошқарув тузилмасининг ўта бюрократлашганлиги;

кичик бизнес субъектлари томонидан харид қилиниши мумкин бўлган хомашё ва материаллар ҳажмининг нисбатан кичикилиги туфайли йирик ишлаб чиқарувчida у қадар қизиқиш уйғотмаслиги;

кичик бизнес субъектлари сонининг нисбатан кўплиги сабабли улар билан ҳамкорлик қилиш ортиқча харажатларни келтириб чиқариши;

кичик бизнес субъектларида аксарият ҳолларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги, харид қилинган хомашё ва материаллар учун тўловларда қийинчиликларнинг вужудга келиши;

кўп ҳолларда кичик бизнес субъектларининг бухгалтерия ва молиявий хужжатларида аниқлик ва шаффофликнинг етишмаслиги ва ҳ.к.

Хомашё ва материаллар етказиб бериш бўйича йирик ишлаб чиқарувчilar билан кичик бизнес корхоналарининг ҳамкорлик

имкониятларини ошириш юзасидан қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

йирик ишлаб чиқарувчилар хоашё ва материаллар сотув ҳажмининг муайян қисмини кичик бизнес субъектларига сотилишининг белгилаб қўйилиши;

хомашё ва материалларнинг кичик бизнес субъектларига сотилган қисмидан тушган тушумни пасайтирилган ставкаларда соликқа тортилиши;

йирик ишлаб чиқарувчиларнинг кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорлик фаолиятини юритувчи вакиллик тузилмаси (бўлим, шўба корхона (фирма), нодавлат-нотижорат ташкилоти кўринишидаги воситачи муассаса ва ҳ.к.)нинг ташкил этилиши;

кичик бизнес субъектлари томонидан матлубот (истеъмолчилар жамияти) ёки кооперативи тузилиши ва ҳ.к.

Кичик бизнес корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминлашда молиявий маблағларнинг этишмаслиги муаммосини ҳал этишда қуйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш учун мақсадли ва имтиёзли кредитлар ажратиш;

кичик бизнес субъектларига ихтисослашган лизинг муассасалари тармогини кенгайтириш керак;

ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш бўйича тармоқ ва худудий кооперацияларни ташкил этиш;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан фоизсиз тўловлар асосида маблағ тақдим этувчи ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш жамғармасини ташкил этиш ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъекти таркибида моддий таъминот бўйича маҳсус тузилма ёки хизматнинг мавжуд эмаслиги муаммосини бартараф этиш ҳамда бу борадаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

корхоналарнинг бир турдаги хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ёки асбоб-ускуналарга эҳтиёжи мавжуд бўлганда, мазкур эҳтиёжни кичик гурухларга бирлашган ҳолда, яъни кооперациялар ташкил этиш йўли билан биргаликда қондириш;

тегишли фаолият йўналиши бўйича тармоқ вазирлиги ёки бошқарув идораси таркибидаги барча кичик корхоналар фойдаланиши мумкин бўлган тармоқ кичик бизнес корхоналари моддий таъминот хизмати фаолиятини йўлга кўйиш;

бир неча кичик бизнес корхоналари томонидан ҳамкорликда моддий таъминот хизматини аутсорсинг кўринишида тақдим этувчи тижорат корхонаси ёрдамидан фойдаланиш.

## ХУЛОСА

Ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий мазмуни борасидаги қуйидаги асосий хулосаларни келтириш мумкин:

иқтисодий ресурслар – товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчига етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган барча воситалар, имкониятлар ва манбалар мажмуудан иборат;

иқтисодий адабиётларда иқтисодий ресурслар таркибини белгилашда турлича ёндашувлар мавжуд;

иқтисодий ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларидан фарқи шундаки, уларга ишлаб чиқаришда бевосита қатнашадиган ишчи кучи, табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан ташқари билвосита иштирок этувчи ҳамма моддий ресурслар, товар ва пул ресурслари ҳам киради;

иқтисодий ресурс сифатида намоён бўлувчи барча таркибий элемент ҳам ишлаб чиқариш омили бўлолмайди.

Кейинги пайтларда ишлаб чиқариш омиллари сифатида таъкидлаб келинаётган технология, фан, ахборот, энергия, экология, инфратузилма каби ноанъанавий турларининг мазмуни ҳамда ушбу муаммога нисбатан муаллифнинг шахсий қарашлари сифатида қуйидагиларни баён этиш мумкин:

иқтисодий фаннинг дастлабки ривожланиш босқичларида шаклланган ишлаб чиқариш омиллари таркиби фан-техника тараққиёти таъсирида сезиларли тарзда ўзгариши, дастлабки босқичда у қадар аҳамиятли бўлмаган омиллар асосий омилга айланиши, ҳаттоқи, умуман янги ишлаб чиқариш омили қўшилиши мумкин;

ишлаб чиқариш омилларининг ноанъанавий (илмий муомалага янги киритилган) турлари ҳисобланган технология, фан, ахборот, энергия, экология ва инфратузилма ишлаб чиқаришнинг нисбатан дастлабки босқичларида ҳам (маълум даражада содда кўринишида) мавжуд бўлган;

вақт ўтиши билан фан-техника тараққиёти, ахборот технологияларининг ривожланиши, рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши каби глобал жараёнлар таъсирида ишлаб чиқариш омилларининг турлари кўпайиб

бориши рўй берар экан, албатта уларни ишлаб чиқариш омили сифатида тан олиниши муҳим ҳисобланади;

ишлаб чиқариш омилларининг туркумланиши иқтисодий жараёнлар мазмунининг ичига кириш, унинг замирида рўй бераётган ҳодиса ва жараёнлар, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқаларни тушуниш ва очиб бериш мақсадида амалга оширилиб, ишлаб чиқариш омиллари янги турларининг шунчаки, бемақсад равища кўпайтирилишига йўл қўймаслик лозим;

яхлит ишлаб чиқариш жараёнини омиллар кесимидағи таҳлили қўплаб илмий ечим ва хуносаларни шакллантириш имконини берсада, мазкур туркумлашни “сунъий” равища, ҳаддан ташқари “бўрттириб” юборилиши илмий тадқиқотга ёрдам бермай, балки ҳалақит беришни бошлиши мумкин.

Кичик бизнес корхоналардаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни шаклланишининг учта ўзига хос хусусиятини ажратиб қўрсатиш мумкин:

- 1) кичик бизнес корхоналарининг миқдорий чегараларини белгилашда асосан ишловчиларнинг ўртacha сони мезонидан фойдалангандик сабабли “мутаносибликни белгилаб берувчи” омил сифатида ишчи кучи (*L*)нинг майдонга чиқиши;
- 2) кичик бизнес корхоналарида кичик қувватли, ихчам ва автоном ҳолда ишловчи қурилма ва жиҳозлардан устун равища фойдаланишнинг капитал (*K*)ни “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омилга айлантириши;
- 3) кичик бизнес корхоналарининг молиявий имкониятлари чекланганлиги моддий захирани шакллантириш чегараларини қисқартириб, натижада хом ашё, материаллар (*M*)нинг ишчи кучи (*L*) ва капитал (*K*)га нисбатан “мутаносиблик талабига бўйсунувчи” омил сифатида намоён бўлиши ва х.к.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини икки жиҳатдан, яъни кичик бизнес соҳаси ҳамда корхона жиҳатдан баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудлари бўйича кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини таҳлил қилиш учун мазкур корхоналарнинг 2016-2020 йиллардаги асосий фаолият кўрсаткичлари танлаб олинди.

Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолатини баҳолашда мутлақ қийматларда ифодаланган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг кўрсаткичлари мазмуни ва тавсифидаги ўзгаришларни яққол англаб олиш муайян даражада мушкуллик түғдириши сабабли, битта кичик бизнес корхонасига тўғри келувчи ўртacha миқдорларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ҳудудлар бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи асосий фаолият кўрсаткичлари ёрдамида соҳанинг ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш мумкин. Кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ҳолатини янада кенгроқ таҳлил қилиш учун 2016-2020 йиллардаги соҳа асосий иқтисодий фаолият кўрсаткичларини иқтисодий фаолият турлари (тармоқлар) бўйича таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, таҳлил янада аниқроқ ва самарали бўлиши учун Ўзбекистонда 2020 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбатини баҳолаш мумкин.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, иқтисодий фаолият турлари бўйича битта кичик корхона ва микро фирмага тўғри келувчи соф тушум ҳажмининг ишлаб чиқариш омилларига нисбати турлича бўлмоқда. Жумладан, 1 та ишловчига тўғри келувчи соф тушум ҳажми савдода 469,7 минг сўм, саноатда 194,7 минг сўм, қурилишда 168,2 минг сўм, яъни нисбатан юқори қийматга эга бўлган. 1 сўмлик асосий воситалар қийматига тўғри келувчи соф тушум ҳажми эса савдода 9,2 сўм, ахборот ва алоқада 2,9 сўм, қурилишда 2,8 сўмни ташкил этиб, нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган. 1 сўмлик инвестиция ҳажмига тўғри келувчи соф тушум ҳажми жиҳатидан

савдо – 12,6 сўм, ахборот ва алоқа – 5,7 сўм, қурилиш – 5,0 сўм қўрсаткичлари билан юқори қийматни намоён этган.

Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликтининг иқтисодий самарадорлик даражасига таъсири динамикаси таҳлили асосида шуни хulosса қилиш мумкинки, мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларидаги кичик корхона ва микрофирмаларда иқтисодий омиллар ўртасидаги мутаносибик даражасини ошириш орқали иқтисодий самарадорликни янада ўстириш бўйича аҳамиятли захира ва имкониятлар мавжуд.

Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишда бевосита ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига эътибор қаратилиб, унинг дастлабки, тайёргарлик босқичи назардан четда қолади. Шунга кўра, ишда бизнес-ғоя ва бизнес-режани тайёрлаш босқичи таҳлил қилиниб, аксарият ҳолатларда бизнес-ғоянинг муваффақияти уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муддати билан тўғри боғлиқликда бўлиши аниқланди.

Корхонада ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати ва шундан келиб чиққан ҳолда, улардан фойдаланиш самарадорлигини мунтазам баҳолаб борилиши лозим. Бунинг энг мақбул йўлларидан бири – тижорат банклари салоҳиятидан фойдаланиш ҳисобланади. Маълумки, тижорат банклари ўз мижозлари фаолиятининг барқарорлигидан манфаатдор ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг ихтиёрида ҳар бир мижознинг хўжалик-молиявий фаолияти бўйича маълумотлар мавжуд. Шундай экан, тижорат банклари, зарур бўлса, қўшимча ҳақ тўлаш эвазига ҳар бир корхонанинг ишлаб чиқариш омиллари мутаносиблиги даражаси, улардан фойдаланиш самарадорлигининг мунтазам мониторинги ва диагностикаси, корхонанинг жорий ва истиқболдаги иқтисодий барқарорлигини таъминлаш бўйича маслаҳат бериш хизматларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Кичик бизнес субъектларининг хомашё ва материалларни харид қилишнинг энг самарали манбаи бевосита ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳисобланади. Бироқ, одатда мазкур корхоналар ўз фаолият кўламига кўра

йирик бўлиб, кичик бизнес субъектларининг улар билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиши доимо осон кечмайди. Бунинг асосий сабаблари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

йирик ишлаб чиқарувчининг бошқарув тузилмасининг ўта бюрократлашганлиги;

кичик бизнес субъектлари томонидан харид қилиниши мумкин бўлган хомашё ва материаллар ҳажмининг нисбатан кичиклиги туфайли йирик ишлаб чиқарувчидаги қадар қизиқиш уйғотмаслиги;

кичик бизнес субъектлари сонининг нисбатан кўплиги сабабли улар билан ҳамкорлик қилиш ортиқча харажатларни келтириб чиқариши;

кичик бизнес субъектларида аксарият ҳолларда молиявий маблағларнинг етишмаслиги, харид қилинган хомашё ва материаллар учун тўловларда қийинчиликларнинг вужудга келиши;

кўп ҳолларда кичик бизнес субъектларининг бухгалтерия ва молиявий хужжатларида аниқлик ва шаффофликнинг етишмаслиги ва ҳ.к.

Хомашё ва материаллар етказиб бериш бўйича йирик ишлаб чиқарувчилар билан кичик бизнес корхоналарининг ҳамкорлик имкониятларини ошириш юзасидан қўйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

йирик ишлаб чиқарувчилар хоашё ва материаллар сотув ҳажмининг муайян қисмини кичик бизнес субъектларига сотилишининг белгилаб қўйилиши;

хомашё ва материалларнинг кичик бизнес субъектларига сотилган қисмидан тушган тушумни пасайтирилган ставкаларда солиқقا тортилиши;

йирик ишлаб чиқарувчиларнинг кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорлик фаолиятини юритувчи вакиллик тузилмаси (бўлим, шўба корхона (фирма), нодавлат-нотижорат ташкилоти кўринишидаги воситачи муассаса ва ҳ.к.)нинг ташкил этилиши;

кичик бизнес субъектлари томонидан матлубот (истеъмолчилар жамияти) ёки кооперативи тузилиши ва ҳ.к.

Кичик бизнес корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан етарли даражада таъминлашда молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммосини ҳал этишда қуидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш учун мақсадли ва имтиёзли кредитлар ажратиш;

кичик бизнес субъектларига ихтисослашган лизинг муассасалари тармоғини кенгайтириш керак;

ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш бўйича тармоқ ва худудий кооперацияларни ташкил этиш;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан фоизсиз тўловлар асосида маблағ тақдим этувчи ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш жамғармасини ташкил этиш ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъекти таркибида моддий таъминот бўйича маҳсус тузилма ёки хизматнинг мавжуд эмаслиги муаммосини бартараф этиш ҳамда бу борадаги йўқотишлиарнинг олдини олиш мақсадида қуидагиларни таклиф этиш мумкин:

корхоналарнинг бир турдаги хомашё, материаллар, бутловчи қисмлар ёки асбоб-ускуналарга эҳтиёжи мавжуд бўлганда, мазкур эҳтиёжни кичик гуруҳларга бирлашган ҳолда, яъни кооперациялар ташкил этиш йўли билан биргаликда қондириш;

тегишли фаолият йўналиши бўйича тармоқ вазирлиги ёки бошқарув идораси таркибидаги барча кичик корхоналар фойдаланиши мумкин бўлган тармоқ кичик бизнес корхоналари моддий таъминот хизмати фаолиятини йўлга қўйиш;

бир неча кичик бизнес корхоналари томонидан ҳамкорликда моддий таъминот хизматини аутсорсинг кўринишида тақдим этувчи тижорат корхонаси ёрдамидан фойдаланиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Норматив-хуқуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 сентябрдаги 488-сон “Республика худудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. - <https://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” йиллик статистик маълумотлар тўплами
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5087-сон “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. - <https://www.lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 апрелдаги ПҚ-212-сон “Худудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш механизmlарини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. - <https://www.lex.uz>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-268-сон “Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-54-сон “Республика худудларида тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги ПҚ-264-сон “Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий туманларида тадбиркорликни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. - <https://www.lex.uz>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 сентябрдаги ПФ-228-сон “Тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги ПФ-213-сон ‘Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва инфратузилмаларни жадал суръатларда ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишининг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 июндаги ПФ-150-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 ноябрдаги ПФ-244-сон “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. - <https://www.lex.uz>

13. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сон. - <https://lex.uz/acts/2006789>

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар.**

14. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Мехнат, 2010. - 349 б.

15. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. – 339 с.

16. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). –Т.: «Мехнат», 2004. -672 б.
17. Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.
18. Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе / Пер. С англ., 4-е изд. – М. : Дело ЛТД, 1994. – С. 395 – 460.
19. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.
20. Вахобов А., Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит. –Т.: 2011, №6. 3842 б.
21. Взаимоотношение и комбинации факторов производства / Казанцева Л. Основные факторы производства. - <https://skysmart.ru/articles/obshestvoznanie/faktory-proizvodstva>
22. Григорьев А.А., Шкала берда Л.И. Теория производства и реалии рыночной экономики. - <https://www.rea.ru/ru/org/managements.pdf>
23. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: 2008. -365 б.
24. Друкер П. Задачи менеджмента в XXI в. Москва; Санкт-Петербург; Киев, 2000.
25. Загоруйко И.Ю. исследование развития и оптимизации малого предпринимательства в России в условиях мирового кризиса // Вестник Пермского университета. 2012, №3.
26. Иваньков А.Е. Экономическая теория. 2008. - <http://www.tamognia.ru/faq/detail.php?ID=1600348>
27. Иқтисодиётда тежамкорлик ва мутаносибликни таъминлашнинг назарий-услубий асослари. Ш.Ш.Шодмонов (ва бошқ.): ТДИУ. Монография. –Т.: ADIBNASHRIYOTI, 2010. 159-б. (-256 б.)
28. Имаева Г. Р. Теоретико-методологические аспекты изучения социальной роли малого и среднего предпринимательства // Мониторинг

общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2015. №4. С.141-153.

29. Классификация факторов производства. -

<https://studfile.net/preview/2031144/page:4/>

30. Козьма Е.С. Устойчивое развитие малого предпринимательства как показатель развития ПМР // Инновации в науке: научный журнал. – № 1(77). – Новосибирск., Изд. АНС «СибАК», 2018.Лазарчук Е.В., Дукарт С.А., Аникина Е.А. Изменение факторов производства в рамках экономики знаний // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 11-3. – С. 584-587; URL: <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=35565>

31. Лапуста М.Г. Малое предпринимательство: - М.: ИНФРА-М, 2011; Малый бизнес. Организация, экономика, управления. Под ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. -3-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009.

32. Лино Маркес Коимбра. Теоретико-методологические основы предпринимательства и его значение в развитии экономики Мозамбика // Вестник ТГУ, выпуск 3 (143), 2015.

33. М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Гойибназаров, А.Н.Самадов, Р.Ходжаев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 127-128-б. - <https://e-library.namdu.uz>

34. Макконнелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика: В 2-х т. / Пер. с англ. М.: Республика, 1992. – С. 37.

35. Маршалл А. Принципы экономической науки: В 3-х тт. / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1993. – Т. 1 – С. 208.

36. Митякова О.И. Концепция устойчивого развития малых и средних предприятий //

37. Наука. - <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/1628>

38. Отрасль экономики. - <https://ru.wikipedia.org/>

39. Отрасль экономики. / Экономика и право: словарь-справочник. - М.: Вуз и школа. Л.П.Кураков, В.Л.Кураков, А.Л.Кураков. 2004. - [https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic\\_economic\\_law/](https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_economic_law/)

40. Петрук Г.В., Устич И.С. Обеспечение устойчивого развития малого предпринимательства на материалах предприятий Амурской области // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 6-7. – С. 1464-1468.

41. Предприятие (company). - [https://economic-definition.com/Business/Predpriyatie\\_Company\\_\\_eto.html](https://economic-definition.com/Business/Predpriyatie_Company__eto.html)

42. Принцип "С проектом - без проекта" ("With - without"). - [https://studme.org/1780051013377/finansy/printspis\\_s\\_proektom\\_bez\\_proekta\\_with\\_without](https://studme.org/1780051013377/finansy/printspis_s_proektom_bez_proekta_with_without)

43. Производственная функция. - [https://www.economicportal.ru/ponyatiya-all/production\\_function.html](https://www.economicportal.ru/ponyatiya-all/production_function.html)

44. Ресурсы (факторы производства), их характеристика и классификации. Труд, земля, капитал, предпринимательские способности / “Экономика” электронный учебник. - <https://economy-bases.ru/t2r3part1.html>

45. Рожковский В.А. Малый бизнес как фактор устойчивого развития сельских территорий // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2016, № 4 (138). С. 189-193.

46. Рожковский В.А. Малый бизнес как фактор устойчивого развития сельских территорий // Вестник Алтайского государственного аграрного университета. 2016, № 4 (138). С. 189-193.

47. Савичев А.А. Факторы и условия устойчивого развития малого и среднего предпринимательства // Вестник университета. 2015, №4. С. 144-149.

48. Савичев А.А. Факторы и условия устойчивого развития малого и среднего предпринимательства // Вестник университета. 2015, №4. С. 144-149.

49. Современная экономическая наука в понятиях и терминах 1997 г. Василевский А.И. - <https://vocable.ru/slovari/sovremennaja-ekonomicheskaja-nauka-v-ponjatijah-i-terminah-1997-g.html>

50. Современный экономический словарь. 2-е изд. -  
<https://vocable.ru/slovari/sovremennyi-ekonomicheskii-slovar-2-e-izd-.html>
51. Сфераы экономики. - <http://center-yf.ru/data/economy/sfery-ekonomiki.php>
52. Технология. - <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/4842>
53. Туренко Т.А. Малое предпринимательство и его роль в устойчивом развитии экономики // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). 2010.
54. Хомяченкова Н.А. Теоретические основы исследования устойчивого развития региона // Современные проблемы экономики, управления и юриспруденции: материалы Междунар. науч.-практ. конф. / ФГОУ ВПО МГТУ. 2009. С. 879-882.
55. Цой А.В. Развитие малого предпринимательства как одно из основных направлений устойчивого развития экономики // Вестник РМАТ. 2016, № 2. С. 32-36.
56. Шавкат Мирзиёев кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар таҳлилига бағишлиган видеоселектор ўтказди. -  
<https://uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-kichik-biznes-va-tadbirkorlikni-rivojlantrish-buyicha-ishlar-ta-liliga->
57. Шерова Г.К., Сихимбаев М.Р., Сихимбаева Д.Р. Социально-экономические проблемы развития малого бизнеса в Казахстане // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2017. – № 6-2. – С. 327-330.
58. Шилкина А.Т., Карпушкин В.В. Проблемы устойчивого развития малого бизнеса в России и Европе // ЦИТИСЭ. 2017, №3 (12).
59. Шодмонов Ш., Faafurov U. Иқтисодиёт назарияси: олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2010.

60. Экономический словарь. Учебное пособие. М. МИИТ 2011. Войтов А.Г. - <https://vocable.ru/slovari/ekonomicheskii-slovar-uchebnoe-posobie-m-miit-2011.html>

61. Энциклопедический словарь терминов по менеджменту маркетингу экономике предпринимательству. Зубарев Ю.А., Шамардин А.И. - <https://vocable.ru/slovari/enciklopedicheskii-slovar-terminov-po-menedzhmentu-marketingu-ekonomike-predprinimatelstvu.html>

62. Юсупов Б. Ўзбекистонда кичик бизнесни иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати ва имкониятлари // Халқаро молия ва ҳисоб илмий-электрон журнали. 2018, №6.

63. «С проектом - без проекта». - <https://economics.studio/ekonomicheskie-voprosyi-obschiie/proektom-bez-proekta-81419.html>

### **III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.**

64. Абдурахманова Г. К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Авт....иқт.фан.док. –Т.: 2016. 77 б.

65. Арипов О.А. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик мухитини ривожлантириш. Авт..иқт. фан. док. –Т.: 2020 й. 72 б.

66. Бакиева И.А. Ўзбекистон енгил саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Дис. ... иқт. фан. номз. - Т., 2012.

67.Faфуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Авт..иқт. фан. док. –Т.: 2017 й. 97 б.

68. Жўрахонов М.Э. Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигини ошириш йўллари (Андижон вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

диссертацияси автореферати. Наманган мұхандислик-технология институти, 2021.

69. Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.

70. Копысова А.С. Экономическое стимулирование развития малого предпринимательства на сырьевых территориях: автореф. дис. ... канд. экон. наук / А.С. Копысова. – Екатеринбург, 2005. - 27 с.

71. Кротов И.И. Развитие малого предпринимательства на основе государственных и муниципальных заказов (на примере регионов Российской Федерации). Дис...канд.экон.наук. – Пермь. 2015.

72. Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммолари. Дис. ... иқт. фан. номз. – Т., 2004.

73. Муродова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Авт....иқт.фан.док. –Т.: 2016 й. 107 б.

74. Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2004.

75. Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). Дис. ... иқт. фан. д-ри. – Т., 2008.

76. Умаров И.Ю. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш. Авт..иқт. фан. док. –Т.: 2020 й. 70 б.

77. Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожланишини эконометрик моделлаштириш. Дис. ... иқт. фан. д-ри. - Т., ТДИУ. 2000. - 338 б.

78. Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Автореф. ... иқт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019.

79. <http://energetika.in.ua/ru/books/book-2/part-2/section-1/1-3>

80. [http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr\\_i\\_makroec/dep\\_stat/econstat/Pages/business.aspx](http://www.eurasiancommission.org/ru/act/integr_i_makroec/dep_stat/econstat/Pages/business.aspx)

81. <https://ivgpu.ru/images/docs/ob-universitete/instituty-fakultety-kafedry/isgen/kafedry/khem/publikatsii/36.pdf>

82. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/infratuzilma-uz/>